

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

39-сон
(279)
2007 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

399. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-113-сон Қонуни
400. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-114-сон Қонуни
401. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ-115-сон Қонуни
402. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ-116-сон Қонуни

Учинчи бўлим

403. «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сон қарори
404. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 сентябрдаги 204-сон қарори

Бешинчи бўлим

405. «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан қас-са операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 24 сентябрда 1719-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
406. «2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача тўлиқ йиғиб-териб олишни қўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 13 сентябрдаги 170-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 25 сентябрда 1720-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
407. «Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎзР АҚ-198)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 24 августдаги 131-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 25 сентябрда 1721-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
408. «Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 18 августдаги 76, М-140, 2007-47, 245-В-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 сентябрда 1333-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
409. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 августдаги 80-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 сентябрда 1722-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 22 сентябрдан 28 сентябргача бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****399 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 17 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»¹ги 740–ХП-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар; 2006 йил, № 12, 658-модда) 4-моддасига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1-банд:

«**я¹**» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**я²**» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**я³**» кичик бандидаги «коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича» ва «уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар тегишинча «коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича» ва «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «**я⁴**» кичик банд билан тўлдирилсин:

«**я⁴**» нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда»;

2-банд:

«**ф**» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«х» **кичик бандидаги** «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ц» **кичик бандидаги** «коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича» ва «уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар тегишинча «коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича» ва «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «ч» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

«ч) нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда»;

3-банднинг «т» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **25-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг йигирма иккинчи хатбошисидаги** «уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда иккинчи қисмининг йигирма бешинчи хатбошисидаги биринчи жумла** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар коммунал хизматлар ҳақини ва мажбурий бадалларни банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат

кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Бюджет тизими тўғрисида**»ги 158-П-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда) **24-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандидаги** «уй-жой мулкдорлари ширкатларига» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 20 сентябрь,
ЎРҚ-113-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

400 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **196¹-модда** билан тўлдирилсин:

«196¹-модда. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиш, шунингдек зарур ҳужжатларни такдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмалар тарқатиш йўли билан чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш, худди шунингдек чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **224¹, 224²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«224¹-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни шахслар ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги тақиқланган жойларга ва транспорт воситаларига ғайриқонуний кириши —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

224²-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш —

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «196» рақамидан кейин «196¹» рақами билан, «222» рақамидан кейин эса «224¹, 224²» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ушбу Кодекснинг 184², 184³, 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — чегара қўшинлари томонидан»;

5) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ушбу Кодекснинг 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 20 сентябрь,
ЎРҚ-114-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

401 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда) **73-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандидаги** «жиноий уюшма ташкил этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **531-модданинг саккизинчи қисмидаги** «мол-мулкни мусодара қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **539-моддадаги** «ички ишлар органи» деган сўзлар «жазони ижро этувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **546-модда:**

биринчи қисмидаги «гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ушбу Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади» деган сўзлар «округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан ана

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқиладиган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **162-модда** чиқариб ташлансин;

2) **179-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади».

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 сентябрь,
ЎРҚ–115-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ

402 «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 5-модданинг:

номидаги «ва предметлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникаси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликни бир хилда сақлаб туриш ҳамда ҳавони алмаштириш тизимлари, халқ истеъмоли моллари, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш конструкциялари, технология жараёнлари, шунингдек энергия ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун энергия сарфи кўрсаткичларининг мажмуи ҳамда қиймати энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги стандартлаш объектларидир»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

2) 7-модданинг биринчи қисмидаги «5-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «5-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 8-модданинг:

биринчи қисми биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар норматив ҳужжатларда кўрсатилган энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатлаштирилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни, шу жумладан рўзғорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-анжомларни энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида тамғалашни норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширади»;

4) 9-модданинг биринчи қисмидаги «шунингдек энергияни сертификатлаш пайтида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 27 сентябрда эълон қилинган.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 26 сентябрь,
ЎРҚ-116-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****403 Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ давлат активларини сотишдан тушаётган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига 1-илова*га мувофиқ тегишли хўжалик бошқаруви органлари томонидан уларнинг устав фондидан чиқарилаётган давлат активларини, сотишдан тушадиган маблағларни Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида жамлаган ҳолда, сотиш ҳуқуқи берилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва табдиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган давлат активларини сотишдан олинган маблағларни 2-иловага** мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ уюшмага тушаётган маблағларни жамлаш ва улардан уюшма томонидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда:

маблағларнинг қайтариш, шунингдек йилига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов тўлаш шартлари билан пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилишга йўналтирилиши;

уюшма томонидан унга тушган маблағларнинг 2012 йилдан бошлаб 3 йил мобайнида давлатга қайтарилиши назарда тутилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 25 сентябрь,
202-сон

* 1-илова берилмайд.

** 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**404 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар маса-
лалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 21 сентябрдаги Ф–2836-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов бир ҳафта муддатда Департамент ходимларининг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарори 1-бандининг еттинчи хатбоши, шунингдек ушбу қарорга 6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 26 сентябрь,
204-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 26 сентябрдаги 204-сон қарорига
ИЛОВА

**Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 21 сентябрдаги Ф–2836-сон фармо-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

йишига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти самарадорлигини ошириш, архив иши ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича:

давлат бошқаруви органлари тизимида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига ва замонавий халқаро тенденцияларга мувофиқ бўлган ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

давлат бошқаруви органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилишини рағбатлантириш ва ташкил қилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат хизматлари кўрсатиш тизими янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2007 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ҳамда «Электрон Ҳукумат» концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборотлаштириш, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларида ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалаларида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни таъминлашда иштирок этиш;

ахборотлаштириш, ахборот тизимлари ва ресурслари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг давлат

бошқаруви ва ҳокимияти органлари томонидан бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш, ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, ахборот технологиялари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларида ахборот тизимларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантирилишини мақсадли ва аниқ мўлжалли рағбатлантириш механизмларини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;

худудлар ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришда тенгсизликни бартараф этиш бўйича таъсирчан ва самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборотлаштириш, давлат ахборот ресурсларини, ахборот технологиялари ва хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги аҳвол мониторинги ва таҳлилини, ахборот тизимларини ривожлантиришдаги сифат ўзгаришлари ва тенденцияларни баҳолашни таъминлаш;

ахборот тизимлари соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг аҳволи бўйича мониторинг олиб бориш, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига ва замонавий халқаро тенденцияларга мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборотлаштириш, ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот тизимлари ва ресурсларини, ахборот технологиялари ва хизматлари бозорини янада ривожлантириш, ахборот тизимлари ва тармоқларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг, уларни халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ ўзаро боғлиқ ҳолда мутаносиб ривожлантиришнинг боришини таҳлил қилиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва ривожлантиришдаги тенгсизликни бартараф этиш ҳамда қишлоқ жойларда ахборотлаштиришнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш бўйича таъсирчан ва самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборотлаштириш, ахборот тизимлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, бошқарув тизимида, банк ва молия тизимларида, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ишларининг ахволи мезонлари ва таҳлили тизимларини ишлаб чиқишга доир ишларни ташкил этиш;

хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналарнинг ахборотлаштириш, ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

молия, банк ва суғурта секторларида, он-лайн тўлов тизимларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш ва ташкил этиш, электрон тижоратни ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, фан ва таълим, молия, тиббиёт, ахборот ва банк хизматлари, транспорт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш бўйича мониторинг олиб бориш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

мамлакатимизда сифатли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш, компьютер техникаси ҳамда уларга бутловчи буюмлар яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, эркин илм-фан ва технология зоналари яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот тизимлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ахволи мониторингини олиб бориш, иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича:

давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий ахборот ресурслари ва тизимлари ахборот хавфсизлигини, хизматлар ва сервис соҳасида он-лайн тўлов тизимларининг ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича давлат сиёсати амалга оширилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларидан фойдаланишда ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник талаблар, қоидалар ва стандартларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, мақсадли ўрганишни ташкил этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш шакллари ва методларини такомиллаштириш, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборотлар алмашишнинг ҳимояланган электрон шаклларида изчил равишда босқичма-босқич ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларига ноқонуний кириш ҳолларини бар-тараф этишни таъминлайдиган дастурий-техник воситаларни қўлланиш бўйича ахборот тизимларини бошқаришга ягона талабларни шакллантиришда қатнашиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини ахборот хавфсизлигини таъминлаш талаблари бўйича мажбурий тартибда аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

«Электрон Ҳукумат» объектларини ва компонентларига хавфларни таснифлашни ташкил этиш ҳамда Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан минтақавий даражада амалга ошириш жараёнида ахборотни ҳимоялашнинг зарур даражасини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг аҳволи мониторингини олиб бориш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

б) почта ва телекоммуникациялар, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва архив иши соҳасида:

почта ва телекоммуникациялар тармоқлари, оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш, ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларида давлат сиёсатини шакллантириш ва унинг амалга оширилишини таъминлашда қатнашиш;

иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, почта ва телекоммуникациялар, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритишни ривожлантиришнинг сифат ўзгаришлари ва тенденцияларини баҳолаш;

почта ва телекоммуникациялар, оммавий ахборот воситалари фаолияти, ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг почта ва телекоммуникациялар, оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш, ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

почта ва телекоммуникациялар корхоналарини, нашриётлар ва матбаа корхоналарини, китоб савдоси ҳамда босма маҳсулотларни тарқатиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш;

почта ва телекоммуникациялар соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ушбу соҳаларда бошқарув шакллари, методлари ва тузилмаларини такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситаларининг барча турлари фаолияти, уларни тарқатиш

тизими мониторингини олиб бориш ва уни таҳлил қилиш, оммавий ахборот воситалари бозорида рақобат муҳитини таъминлаш;

ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш мониторингини олиб бориш ва уларни таҳлил қилиш, бошқариш ва ҳўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойилларини кенг жорий этиш, ушбу соҳаларда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа органлар ва ташкилотларда архив иши ва иш юритишнинг ахvoli мониторингини олиб бориш ва уларни таҳлил қилиш, архив иши тизими ишларининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди ҳужжатлари сақланишини таъминлаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, ташкилотлари ва муассасаларида иш юритишнинг, шу жумладан электрон ҳужжатлар айланиши тизимини қўллаган ҳолда иш юритишнинг самарадорлиги ва функционаллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали тизими фаолият кўрсатиши мониторингини ўтказиш ва уни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизим ишлари самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш;

почта ва телекоммуникациялар, матбаа корхоналари ва наشريётларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича мониторинг ташкил этиш ва уни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

почта ва телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини, матбаа корхоналарини модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда архив иши, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

почта ва телекоммуникациялар хизматлари сифатини ошириш, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, почта ва телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек почта алоқа воситалари орқали пенсияларни ўз вақтида етказиб бериш масалаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

почта ва телекоммуникациялар соҳаси, шунингдек мутасаддилик қилинадиган бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ахvoli мониторингини олиб бориш, уларнинг зарур ихтисосдаги кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик иши, матбаа фаолиятига, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш тизимига, архив иши ва иш юритишга, муаллифлик ҳуқуқларини ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизимига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жалб этилишини ташкил қилиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолияти, архив иши ва иш юритиш, оммавий ахборот воситалари, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш тизимлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш вазифаларини комплекс ҳал этишни ташкил қилиш;

почта ва телекоммуникациялар соҳасида, ахборот бозорини тартибга солиш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолияти, китоблар ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик ҳуқуқларини ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш мониторингини олиб бориш ва уни таҳлил қилиш, ушбу соҳаларда халқаро ташкилот-

лар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзи бошқарадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли соҳаларда ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш комплекс дастурларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини назорат қилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Департамент ваколатига кирадиган масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари бажарилишини назорат қилади;

тегишли соҳалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланган борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома, ҳисобот материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва уларни пухта ишлайди, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ҳамда уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзи бошқарадиган масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади; ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар коллегиял органлари мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент бошқарадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни пухта ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари зарурат бўлганда белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни зарурат бўлганда қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларнинг эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқилиши ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш; почта ва телекоммуникацияларни, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва архив иши масалалари бўйича шўъбалар қиради. Шўъба таркибига шўъба мудир, бош ва етакчи мутахассислар қиради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки у билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департаментнинг ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир, шўъбалар мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департаментнинг ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент мудир, шўъбалар мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, Департамент мудирининг ва шўъбалар мудирларининг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари билан келишилади ва Департамент мудир томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, шўъбалар мудирлари ва мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент бошқарадиган соҳага қирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Де-

партамент бошқарадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Ўўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни раъбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига тақдим этади.

15. Департамент мудир вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудир:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланган бўлиши назорат қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирга, шунингдек белгиланган тартибда Бош вазирга, унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Департамент мудирга тақдим этади;

ўзи бошқарадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини, уларни тайёрлаш мақсадида, муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

Департамент мудирининг топширигига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

17. Шўъба мудир вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудир белгилайдиган шўъба бош мутахассисларидан бири бажаради.

18. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқиладиган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган бўлишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида шўъба мудирига, Департамент мудирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига бириктирилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материаллар, прогнозлар ва эксперт хулосалар тайёрлайди;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ҳудудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва шўъба мудирига, Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини, уларни тайёрлаш мақсадида, муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

19. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, ўзига биркирилган масалалар бўйича Департамент мудир, шўба мудир ва бош мутахассиснинг топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркирилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилишининг аҳоли тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгиланган борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирга, шўба мудирга ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркирилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномалар ва таҳлилий материаллар тайёрлайди;

ўзига биркирилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўба мудир билан келишган ҳолда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини, уларни тайёрлаш мақсадида, муҳокама қилади.

20. Инспектор Департаментда иш юритишни таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**405 Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва
ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга
ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
24 сентябрда 1719-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 4 октябрдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 17 ва 51-моддалари, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 июль,
20/3-сон

Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил
21 июлдаги 20/3-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар
томонидан касса операцияларини амалга ошириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида»ги 402-сон қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 149-модда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаоли-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ят кўрсатаётган кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар (кейинги ўринларда — нобанк кредит ташкилотлари) томонидан касса операцияларни амалга ошириш, нақд пулларни ва бойликларни сақлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Барча нобанк кредит ташкилотлари ўз пул маблағларини банкларда сақлашлари шарт.

2. Нобанк кредит ташкилотлари ва юридик шахслар ўртасида ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда банклар орқали амалга оширилади.

3. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан банклардан олинган нақд пуллар улар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат ўша мақсад учунгина сарфланади.

Нобанк кредит ташкилотлари ўз кассасида нақд пулларни кассадаги нақд пул қолдигининг белгиланган лимити доирасида сақлашлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиги лимитлари уларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ушбу нобанк кредит ташкилотлари раҳбарлари билан ҳар йили келишилган тартибда белгиланади. Зарур бўлган ҳолларда кўрсатилган лимитлар қайта кўриб чиқирилиши мумкин.

4. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пуллар қолдигининг лимитини аниқлаш мақсадида унга хизмат кўрсатувчи банкка 1-иловага мувофиқ кассасидаги нақд пул қолдиги лимитларини белгилаш учун ҳисоб-китоб тақдим этади.

Кассадаги лимит қолдиги ҳисоб-китобини ўрнатилган тартибда тақдим этмаган нобанк кредит ташкилотларининг касса қолдиги лимити нолга тенг, банкка топширилмаган кассадаги нақд пул маблағлари эса лимитдан ортиқ деб ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидаги нақд пуллар қолдигининг лимити хизмат кўрсатувчи банк томонидан унинг кейинги кун давомидаги нормал иш фаолиятини ташкил этиш учун етарли миқдорда ўрнатилади.

5. Кассасидаги нақд пуллар нобанк кредит ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва бошқа хизматларни кўрсатиш учун ишлатилади.

6. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пул қолдигининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмини банк билан келишилган тартибда ва муддатларда ўз банк ҳисобварақларига киритиш учун банкка топширишлари шарт.

Нақд пуллар банкларнинг кундузги ва кечки кассаларига инкассаторлар орқали топширилиши лозим.

7. Нобанк кредит ташкилотлари ўз кассаларида белгиланган лимитлардан ортиқча нақд пулни фақат иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўлаш учун, банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида сақлаш ҳуқуқига эгалар.

8. Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун, шунингдек бошқа майда хўжалик харажатларига нақд пул бериш хизмат сафарларига юборилаётган шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ шу мақсадлар учун берилиши лозим бўлган миқдорда, кейин ҳисобот бериш шarti билан амалга оширилади.

Кейин ҳисобот бериш шarti билан берилган нақд пулларнинг сарфланмаган қисми уларга берилган муддат тугаганидан кейин 3 кундан кечиктирилмасдан нобанк кредит ташкилотлари кассасига қайтарилиши шарт.

Ҳисобот бериш шarti билан нақд пулни олган шахслар нобанк кредит ташкилотларининг бухгалтериясига сарфланган сумма тўғрисида ҳисобот беришлари за-

рур. Ушбу шахслар кейин ҳисобот бериш шарти билан бериладиган нақд пул фақат олдинги ҳисобот бериш шарти билан берилган суммалар бўйича мазкур шахслар томонидан тўлиқ ҳисобот берилганидан кейин амалга оширилади.

9. Нақд пулни қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжат шакллари билан расмийлаштирилади.

II. Нақд пулларни қабул қилиш ва бериш ҳамда касса ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби

10. Нақд пулларни қабул қилиш пайтида нобанк кредит ташкилотларининг кассири сўмнинг тўловга яроқлилиқ белгиларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»нинг (1998 йил 18 декабрь, рўйхат рақами 565) 1-иловасига амал қилиши шарт.

Нобанк кредит ташкилоти кассаси нақд пулларни нақд пулни кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган, яъни ушбу нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан рухсат имзоси қўйилган ҳужжатлар илова қилинган кирим касса ордерлари бўйича қабул қилади.

Нақд пуллар қабул қилинганда нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан имзоланган, кассир муҳри (штампи) қўйилган ёки касса аппаратининг изи (оттиски) туширилган квитанция берилади.

11. Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидан нақд пулларни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжлари учун берилишига йўл қўйилмайди.

12. Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидан нақд пулларни бир марталик берилиши чиқим касса ордерлари орқали амалга оширилади. Ушбу чиқим касса ордерлари нобанк кредит ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан имзоланиши шарт.

13. Чиқим касса ордери бўйича пул бериш пайтида кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни* кўрсатишни талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўяди ва пул олувчидан имзосини қўйдиради.

Нобанк кредит ташкилотларида унинг ходимларига пул берилиши мазкур нобанк кредит ташкилоти томонидан берилган гувоҳнома бўйича, унда эгасининг сурати мавжуд бўлган ҳолда, амалга оширилиши мумкин.

Пул олинганлиги тўғрисидаги тилхат фақат олувчи дастхати билан бинафша, кўк ёки қора сиёҳли шарикли ручкада олинган сумма: _____ сўм (сўзлар билан), _____ тийин (рақамлар билан) кўрсатилган ҳолдагина ёзилиши мумкин.

14. Кассир пулларни фақат чиқим касса ордерида ёки ишончномада кўрсатилган шахсга беради. Агар пуллар белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича берилса, ордер матнида пул олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин бухгалтерия томонидан пул олишига ишончнома берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади. Агар пул қайднома бўйича берилса, пул олинганлиги ҳақидаги имзодан олдин кассир «Ишончнома бўйича» деб ёзиб қўяди.

* Шахсни тасдиқлайдиган ҳужжатларга қуйидагилар кириди — паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари (вид на жительство), ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

Ишончнома бўйича нақд пулларни фақат иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақалар тўлови, шунингдек жисмоний шахсларга депозитларини беришга рухсат этилади.

15. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кассир томонидан тўлов қайдномалари бўйича ҳар бир пул олувчига чиқим касса ордери тузилмасдан амалга оширилади.

Тўлов қайдномасининг сарварағи (титул варағи)да пул беришга рухсат этилганлиги тўғрисида, пул бериш муддатлари ва суммаси ёзув билан кўрсатилган ҳамда нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтерининг (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари қўйилган ҳолда, рухсат ёзуви амалга оширилади.

16. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун 8-бандида белгиланган муддат тугагандан кейин кассир қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

тўлов қайдномасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш амалга оширилмаган шахсларнинг фамилияси қаршисига «Депонентланди» деган штамп қўйиши ёки қўлда ёзиб қўйиши;

депонентланган суммалар реестрини тузиши;

қайднома охирида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалда тўланган суммаси ҳамда уларнинг олинмаган суммаси, депонентга ўтказилиши лозим бўлган суммани ёзиб қўйиши, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича жами сумма билан солиштириши ва ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаши;

касса дафтарида амалда тўланган суммани ёзиши ва қайдномага «....-сонли чиқим касса ордери» штампини қўйиши шарт.

Бухгалтерия тўлов қайдномаларида кассир томонидан қайд қилинган ёзувларни текширади ва улар бўйича берилган ҳамда депонентга ўтказилган суммаларни жамлаб чиқади.

Депонентга ўтказилган суммалар банкка топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

17. Кирим касса ордерлари ва уларнинг квитанциялари, шунингдек чиқим касса ордерлари бухгалтерия томонидан бинафша, қўқ ёки қора шарикли ручка билан ёки ёзув машинкасида (компьютерда) аниқ ва равшан ёзилиб тўлдирилиши шарт. Ушбу ҳужжатларда устидан ўчириб ёзишга, тузатишлар киритишга, изоҳ берилган ҳолда ҳам, йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос кўрсатилади ва уларга илова қилинган ҳужжатлар санаб ўтилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларини пул топшираётган ёки олаётган шахслар қўлига бериш тақиқланади.

Пулларни касса ордерлари бўйича қабул қилиш ва топшириш фақат улар тузилган кунни амалга оширилиши мумкин.

18. Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни олиш вақтида кассир қуйидагиларни текшириши шарт:

ҳужжатларда бош бухгалтер имзоси мавжудлиги ва унинг ҳақиқийлигини, чиқим касса ордерида нобанк кредит ташкилоти раҳбарининг рухсат берганлиги тўғрисида имзоси мавжудлигини;

ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини;

ҳужжатларда санаб ўтилган иловаларнинг мавжудлигини.

Ушбу талабларнинг бирортасига риоя қилинмаган тақдирда кассир ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиқим касса ордерлари, улар асосида пул олингани ёки берилганидан кейин, дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатлар

устига санаси (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда, «Тўланди» деган штамп босилади ёки шундай ёзув қайд этилади.

19. Кирим ва чиқим касса ордерлари кассага топширилгунига қадар бухгалтерия томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади. Иш ҳақини тўловига доир тўлов қайдномаларига расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари у берилгандан кейин рўйхатга олинади.

III. Касса дафтарини юритиш ва пулларни сақлаш тартиби

20. Нобанк кредит ташкилотларининг барча тушумлари ва нақд пуллар берилиши касса дафтаридида ҳисобга олинади.

21. Касса дафтариининг варақлари рақамланган, тикилган бўлиши лозим. Касса дафтаридидаги варақлар сони нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтернинг (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридида ўчириб-ёзиш ва изоҳсиз тузатишлар қилиш ман этилади. Қилинган тузатишлар кассир, шунингдек нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари билан тасдиқланади.

22. Ҳар бир ордер ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилганидан ёки пул олинганидан кейин кассир томонидан дарҳол касса дафтарига ёзиб қўйилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун давомидаги операциялар якунини ҳисоблайди, кейинги кунга кассадаги пуллар қолдиғини ҳисоблаб чиқаради ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни (касса дафтаридидаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан биргаликда касса дафтарига имзо чектириб топширади.

23. Касса дафтари тўғри юритилишини назорат этиш нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтер (агар бухгалтер мавжуд бўлса) зиммасига юкланади.

24. Тўлов қайдномасида ёки чиқим касса ордерида олувчининг имзоси билан тасдиқланмаган ҳолда кассадан берилган пул кассада нақд пуллар қолдиғини ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Ушбу сумма камомад ҳисобланади ва кассирдан ундириб олинади. Кассадаги кирим касса ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва нобанк кредит ташкилотларининг даромади-га киритилади.

IV. Кассада пуллар ва бошқа қимматликларни сақлаш

25. Ҳар бир нобанк кредит ташкилоти нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўз кассасига эга бўлиши лозим. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ҳамда вақтинчалик сақлаш, шунингдек бошқа қимматликларни вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланиб, алоҳида ажратилган ҳамда махсус жиҳозланган хона касса деб аталади.

26. Нобанк кредит ташкилотларининг касса хоналари «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»нинг (1998 йил 18 декабрь, рўйхат рақами 565) 3-иловасига мувофиқ техник жиҳатдан мустаҳкамланиши ва қўриқлаш — ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланиши лозим.

Нобанк кредит ташкилотларининг раҳбарлари кассани тегишли равишда жиҳозланиши ва пулларнинг касса хонасида сақланишини, шунингдек, уларни банкдан олиб етказиб беришда ҳамда банкка топширишда пулларни бут сақланишини таъминлашлари шарт. Раҳбарларнинг айби билан пул маблағларини сақлаш ва ташиш вақтида пулларининг бут сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган

ҳолларда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Пул маблағларини сақлаш ва ташиш пайтида уларнинг бут сақланишини таъминлаш юзасидан тавсиялар 2-иловада келтирилган.

27. Барча нақд пуллар нобанк кредит ташкилотларида ёнмайдиган сейфларда сақланади, улар касса иши тугаганидан кейин калит билан қулфланади ва кассирнинг сурғучли муҳри билан муҳрланади. Сейф калитлари ва муҳрлар кассирлар (кассир)да сақланади ва уларни шартланган жойларда қолдириш, бегона шахсларга бериш ёки ҳисобда турмаган дубликатларини тайёрлаш тақиқланади. Сейфлар ва металл жавонлар турган хоналарнинг эшигини очиқ қолдириш, шунингдек, ушбу сейфлар ва жавонлар эшигида калитларни қолдириш қатъиян ман этилади.

Калитларнинг ҳисобга олинган дубликатлари кассирлар томонидан сурғучланган ҳалталарда нобанк кредит ташкилотларнинг раҳбарларида сақланади. Камида ҳар чоракда бир марта уларнинг назорат текшируви ўтказилади. Калит йўқолгани аниқланган ҳолларда нобанк кредит ташкилоти раҳбари ички ишлар органларига бу ҳақда хабар беради ва зудлик билан сейфларнинг қулфини алмаштириш учун чоралар кўради.

Мазкур нобанк кредит ташкилотига тегишли бўлмаган нақд пуллар ва бошқа бойликларни кассада сақлаш тақиқланади.

28. Касса хонасини ва сейфни очишдан олдин кассир қулфлар, эшиклар, дераза панжаралари ва муҳрлар бутлигини кўздан кечириши, қўриқлаш сигнализациясининг соз ҳолатда эканлигини текшириб, бунга ишонч ҳосил қилиши шарт.

Муҳрнинг йўқлиги ёки шикастланганлиги, қулф, эшик ёки панжаралар шикастланганлиги ҳолларида кассир зудлик билан бу ҳақда нобанк кредит ташкилоти раҳбарини хабардор қилиши лозим, раҳбар эса содир бўлган воқеа тўғрисида ички ишлар органларига хабар беради ва ушбу орган ходимлари етиб келгунга қадар кассани қўриқлаш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) ҳамда кассир ички ишлар органининг рухсатини олганидан сўнг, кассада сақланаётган пул маблағлари ва бошқа қимматликлар мавжудлигини текширади. Ушбу текширув касса операциялари бошлангунга қадар амалга оширилиши лозим. Текширув натижалари тўғрисида 3 нусхада далолатнома тузилади ва у текширувда қатнашган барча шахслар томонидан имзоланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси — ички ишлар органларига, иккинчи нусхаси — юқори нобанк кредит ташкилотига (агар у мавжуд бўлса) юборилади, учинчи нусхаси эса нобанк кредит ташкилотининг ўзида қолади.

29. Моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, кассир ўзи қабул қилиб олган барча қимматликларнинг бут сақланиши учун ҳамда нобанк кредит ташкилотига ўзининг қасддан қилинган ҳаракатлари, шунингдек, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараши натижасида етказилган зарар учун тўла моддий жавобгар ҳисобланади.

30. Кассирнинг ишга тайинланганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилганидан кейин, нобанк кредит ташкилоти раҳбари кассирни Касса операцияларини юритиш қоидалари билан унга имзо чектирган ҳолда таништириши лозим. Шундан кейин кассир билан унинг тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

31. Кассирга ўзига топширилган ишни бошқа шахсларга ишониб топшириш ман этилади.

32. Кассир битта бўлган нобанк кредит ташкилотларда, у вақтинча алмаштирилиши зарур бўлган ҳолларда, кассир вазифасини бажариш нобанк кредит ташки-

лоти раҳбарининг буйруғи билан бошқа ходим зиммасига юкланади. Бу ходим билан 30-бандда кўзда тутилган шартнома тузилади.

Кассир ўз иш жойини тўсатдан қолдирган (касал бўлиши ва б.) ҳолларда унинг ҳисобидаги қимматликлар дарҳол нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) иштирокида ёки нобанк кредит ташкилоти раҳбари тайинланган шахслардан таркиб топган комиссиянинг иштирокида бошқа кассир томонидан қайта саналади ва унга ушбу қимматликлар топширилади. Қимматликларни қайта санаши ва топшириш натижалари тўғрисида далолатнома тузилади ва унга юқорида кўрсатилган шахслар имзо чекади.

V. Гаровга қўйилган ашёларни ломбард томонидан сақлаш хусусиятлари

33. Ломбардда гаровга олинган ашёларни сақлаш, уларнинг бут сақланишини таъминлаш, уларга зарарли таъсир кўрсатилиши ҳамда бегона шахслар киришини истисно этадиган шарт-шароитлар таъминланган бўлиши лозим.

34. Гаровга қўйилган ашёларни сақлаш жойларида бошқа ашёларни сақлашга йўл қўйилмайди.

35. Ломбардлар, кассада ташқари, ломбард томонидан гаровга олинган ашёларни сақлаш учун алоҳида хонага эга бўлиши керак.

36. Ушбу хонада дераза ўринлари бўлмаслиги ва хона мазкур Қоидалар талабларига жавоб бериши лозим.

IV. Кассани тафтиш қилиш ва касса интизомига риоя этилишини назорат қилиш

37. Нобанк кредит ташкилоти раҳбари томонидан белгиланган муддатларда, лекин камида ҳар чоракда бир марта, касса тўсатдан тафтиш қилиниб, кассадаги барча пуллар бирма-бир саналади ва бошқа қимматликлар текширилади. Кассада тафтиш ўтказиш учун нобанк кредит ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади. Мазкур комиссия тафтиш ўтказиб, бу тўғрида далолатнома тузади. Тафтиш натижасида кассадаги бойликлар кам ёки ортиқча чиққанлиги аниқланса, камомад ёки ортиқча сумма миқдори ва улар вужудга келган вазиятлар далолатномада кўрсатилади.

Пул маблағлари мавжудлигини текшириш далолатномасининг намунавий шакли 3-иловада келтирилган.

38. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нобанк кредит ташкилотлари томонидан ушбу Қоидалар талабларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширадилар.

Мазкур Қоидалар талаблари бузилганлиги аниқланганда нобанк кредит ташкилотлари раҳбаридан аниқланган қоидабузарлик ва камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этилиши талаб қилинади.

39. Касса интизомининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Касса интизомига риоя этиш учун жавобгарлик нобанк кредит ташкилотлари зиммасига юкланади.

Кредит уюшмалари, микрокредит
ташкilotлари ва ломбардлар томонидан
касса операцияларини амалга ошириш
қоидаларига
1-ИЛОВА

**Кассасидаги нақд пул қолдиғи лимитларини,
нақд пул тушумларини топшириш тартиби ва
муддатларини белгилаш учун
ҲИСОБ-КИТОБ
_____ йил**

(нобанк кредит ташкilotининг номи)

минг. сўмда

№	Кўрсаткичлар	Нобанк кредит ташкilotи томонидан лойиҳалаштирилган	Банк томонидан тасдиқланган
1	2	3	4
1.	Нақд пул маблағларининг кунлик кирими		
2.	Иш ҳақи, вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар, стипендиялар ва сафар харажатларидан ташқари, ҳисобот оyiда бошқа эҳтиёжларга тўланган жами нақд пуллар, жумладан:		
2.1.	Жисмоний шахсларга кредитлар ва микроқарзлар бериш		
2.2.	Жисмоний шахслар депозитларини ва улар бўйича фонзларни тўлаш (кредит уюшмалари бўйича)		
2.3.	Жами тўланган нақд пул маблағлари (2.1-сатр + 2.2-сатр)		
3.	Кредитлар ва депозитлар бўйича мажбуриятларни бажариш учун кассадан амалга оширилган кунлик ўртача харажат (2.3-сатр / 22)		
4.	Касса қолдиғининг лимити		
5.	Нақд пул маблағларини топшириш тартиби		
6.	Нақд пул маблағларини топшириш муддатлари		

Нобанк кредит
ташкilotининг раҳбари

(исми-шарифи, имзо)

Бош бухгалтер
(агар мавжуд бўлса)

(исми-шарифи, имзо)

Банкнинг раҳбари

(исми-шарифи, имзо)

Кредит уюшмалари, микрокредит
ташкilotлари ва ломбардлар томонидан
касса операцияларини амалга ошириш
қоидаларига
2-ИЛОВА

**Пул маблағларини сақлаш ва ташиш пайтида уларнинг
бутлигини таъминлаш бўйича
ТАВСИЯЛАР**

1. Нобанк кредит ташкilotлари раҳбарларига касса операцияларини юритиш, қўриқлаш — ёнғиндан огоҳлантириш воситаларига қараш, пул маблағларини қўриқлаш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишга қабул қилишда ёки лавозимларга тайинлашда ёки юқорида қўрсатилган ишларга вақти-вақти билан жалб этишда ушбу шахслар тўғрисида маълумотлар олиш учун ички ишлар органлари ва тиббиёт муассасаларига мурожаат этиш тавсия қилинади. Бунда касса операцияларини юритиш, қўриқлаш — ёнғиндан огоҳлантириш воситаларига қараш, пул маблағларини қўриқлаш ва ташиш ишларига қуйидаги шахсларни жалб этишга рухсат этилмайди:

касддан жиноят содир этганлиги учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган, судланганлиги белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки суд томонидан белгиланган зарарларнинг қийматини тўлаб бўлмаган шахслар;

сурункали юқумли касаллиги бор шахслар;

жамоат тартибини мунтазам равишда бузиб турувчилар;

спиртли ичимликлар ёки шифокор рухсатисиз гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар.

2. Нобанк кредит ташкilotлари раҳбари кассирни пул маблағлари ва бойликларни банк муассасаларидан олиб келиш ёки уларга топшириш пайтида зарурат туғилганда ички ишлар органлари томонидан куриқланишини ҳамда транспорт воситаси билан таъминлаши шарт.

3. Пул маблағларини ташиш вақтида кассир ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга ҳамда транспорт воситасига ҳайдовчисига қуйидагилар тақиқланади:

ҳаракат йўналиши ва етказиб бориладиган пул маблағлари ҳамда қимматликлар суммаси миқдорини ошкор этиш;

транспорт воситасига нобанк кредит ташкilotи раҳбари томонидан пул маблағлари ҳамда бойликларни етказиш учун тайинланмаган шахсларни киритиш;

пиёда, йўловчи ёки жамоат транспортида юриш;

дўконлар, бозорлар ва шу сингари жойларга кириш;

бирон-бир топшириқни бажариш ва ҳар қандай бошқа йўл билан пул ва қимматликларни белгиланган жойга етказишдан чалғиш.

Кредит уюшмалари, микрокредит
ташкилотлари ва ломбардлар томонидан
касса операцияларини амалга ошириш
қоидаларига
З-ИЛОВА

(нобанк кредит ташкилоти)

цехи

да жойлашган

**Мавжуд нақд пулларни мавжудлигини текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____-сон 200____ йил «____» _____

Тилхат

Текшириш бошланишидан олдин пул маблағларига доир барча кирим-чиқим
хужжатлари бухгалтерияга топширилди, менинг жавобгарлигимга келиб тушган барча
пул маблағлари кирим қилинди, чиқиб кетганлари эса чиқимга киритилди.

Моддий жавобгар шахс

лавозими

имзоси

исми-шарифи

200____ йил «____» _____даги _____-сонли буйруқ (фармойиш) га асосан
200____ йил «____» _____даги ҳолатидаги пул маблағларининг мавжудлиги тек-
ширилди.

Текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди:

нақд пуллар _____сўм _____ тийин

Жами амалда мавжуд бўлган маблағлар _____сўм _____ тийин

ёзув билан

Ҳисоб маълумотига кўра _____сўм _____ тийин

Текшириш натижалари:

ортиқчалик _____

камомад _____

касса ордерларининг охирги рақамлари:

кирим ордери № _____ чиқим ордери № _____

Комиссия раиси:

лавозими

имзоси

исми-шарифи

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Комиссия аъзолари

_____	_____	_____
лавозими	имзоси	исми-шарифи
_____	_____	_____
лавозими	имзоси	исми-шарифи
_____	_____	_____

**Далолатномада кўрсатилган пул маблағларини сақлаш менинг зим-
мамда эканлигини тасдиқлайман.**

Далолатноманинг орқа томони.

Ортиқча ёки камомад сабабларини тушунтириш _____

Моддий жавобгар шахс

Нобанк кредит ташкилоти

раҳбарининг қарори _____

(имзо)

20__ йил «____» _____

Далолатнома кассада амалда мавжуд бўлган пул маблағлари (нақд пуллар ва бошқалар)ни текшириш натижаларини акс эттириш учун қўлланилади.

Комиссия кассадаги барча пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликларни тўлиқ қайта санаш йўли билан мавжуд пулларни текширади. Далолатнома икки нусхада тузилади ва рўйхатга олиш комиссияси ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси нобанк кредит ташкилоти бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсда қолади.

Текшириш бошлангунга қадар ҳар бир моддий жавобгар шахсдан ёки пул маблағларининг сақланиши учун жавобгар шахслар гуруҳидан тилхат олинади. Тилхат мазкур шаклнинг сарлавҳа қисмига киритилган.

Моддий жавобгар шахслар алмашганида далолатнома уч нусхада тузилади (бойликларни топширган моддий жавобгар шахсга, бойликларни қабул қилиб олган моддий жавобгар шахсга ва бухгалтерияга бериш учун).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

406 2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача тўлиқ йиғиб-териб олишни қўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
25 сентябрда 1720-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 5 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан ҳамда 2007 йил ҳосили учун тузилган контрактация шартномасини бажарган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта йиғим-теримидан кейин далаларда қолган пахта хом ашёсини нобуд қилмаслик мақсадида **буюраман:**

1. «2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача тўлиқ йиғиб-териб олишни қўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги вақтинчалик низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 сентябрь,
170-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2007 йил 13 сентябрдаги 170-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача
тўлиқ йиғиб-териб олишни қўшимча рағбатлантириш тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Низом 2007 йил пахта йиғим-теримидан кейинги қолган пахтани йиғиб-териб олиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. 2007 йил пахта йиғим-теримидан кейин пахта далаларида қолган пахтани нобуд қилмаслик мақсадида, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари (кейинги ўрин-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ларда пахта тозалаш корхонаси деб юритилади) билан тузилган шартнома шартларини тўлиқ бажарган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг (кейинги ўринларда фермер хўжалиги деб юритилади) пахта даласида қолган пахта қолдиғи (кейинги ўринларда пахта деб юритилади) «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмасининг ёғ-мой корхоналари (кейинги ўринларда ёғ-мой корхоналари деб юритилади) томонидан фермер хўжаликлари билан ихтиёрий тузилган шартномаларга мувофиқ териб олинади.

II. Пахтани териб олишни ташкил этиш

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари пахта тозалаш корхоналари билан шартнома шартларини тўлиқ бажарган фермер хўжаликлари ҳақида маълумотни тегишли ҳудуддаги ёғ-мой корхоналарига етказиб беради.

3. Ёғ-мой корхоналари вилоят ҳокимларининг рухсати билан фермер хўжаликлари ва пахта тозалаш корхоналари ўртасида тузилган шартнома шартларини тўлиқ бажарган фермер хўжаликлари билан «2007 йил пахта йиғим-теримидан кейинги қолган пахтани йиғиб-териб олиш тўғрисида» бир ҳафта муддатда ихтиёрий шартнома тузиши мумкин.

4. Ёғ-мой корхоналари ва туман фермер хўжаликлари уюшмаси пахтани териб олиш ишларини ташкил қилади ва терилган пахтани пахта тозалаш корхоналарига етказиб беради.

5. Ёғ-мой корхоналари фермер хўжаликлари билан «2007 йил пахта йиғим-теримидан кейинги қолган пахтани йиғиб-териб олиш тўғрисида» тузилган ихтиёрий шартномага асосан фермер хўжаликларига терилган 2 (икки) килограмм пахта учун 1 (бир) килограмм шрот қайтариш ҳақида кунлик ҳисоб-китоб олиб борадилар.

6. Ёғ-мой ва пахта тозалаш корхоналари йиғиб олинган пахтани қабул қилишдан қайта ишлашгача бўлган даврда олинган маҳсулотларни алоҳида ҳисобда олиб боради.

III. Пахтани қайта ишлаш

7. Пахта тозалаш корхоналари териб олинган пахтани қабул қилиб олишда пахта тозалаш корхоналари, ёғ-мой корхоналари, фермер хўжаликлари ва «Сифат» Маркази вакиллари билан биргаликда солиштирув-далолатномаси тузадилар.

8. Солиштирув-далолатномасига асосан қабул қилинган пахта пахта тозалаш корхоналари томонидан белгиланган тартибда алоҳида жойларда сақланиши таъминланади ва уни тез кунларда қайта ишлаш ишлари амалга оширилади.

9. Пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқарилган техник чигитни тегишли ёғ-мой корхонасига топширади ва бунда ишлаб чиқарилган пахта толаси ва момиғи пахта тозалаш корхоналари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

10. Топширилган техник чигит ёғ-мой корхоналари томонидан қайта ишланади.

11. Техник чигитни қайта ишлаш жараёнида олинган ёғ ва шелуха маҳсулотлари қайта ишлашда кетган харажатларни қоплаш мақсадида ёғ-мой корхоналари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

12. Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, сақлаш ҳамда қайта ишлашдаги харажатини дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 381-модда) асосан амалга оширилади.

IV. Пахтани йиғиш бўйича харажатларни қоплаш ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш

13. Ёғ-мой корхоналари пахтани териб олиш билан боғлиқ бўлган хусусан, пахтани териш, уни пахта тозалаш корхоналарига етказиш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ёғ-мой корхоналари ҳисобидан қопланади.

14. Пахта тозалаш корхоналарининг пахтани қайта ишлаш жараёнида сарфланган харажатлари қайта ишланган маҳсулотни (пахта толаси ва момиғи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилишидан олган маблағи ҳисобидан қопланади.

15. Пахта тозалаш корхоналари маҳсулотларни (пахта толаси ва момиғи) сотишдан олинган маблағ, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажат миқдоридан ортиғини тегишинча ёғ-мой корхоналарига қайтаради.

V. Якуний қоидалар

16. Корхоналарда қайта ишланаётган ва ишлаб чиқарилаётган пахта чигити, пахта ёғи, пахта толаси ва момиғининг сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мос бўлиши лозим. Бунда 5-навли пахтадан чиқади-
+ — ган техник чигитнинг ёғдорлиги ҳамда қайта ишлашдан истеъмол ёғи чиқиш миқдори белгиланган нормалар асосида амалга оширилади.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» маркази ва Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилади.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь

**«Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси раиси**

М. ҒАҒУРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь

**«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси**

Ф. ОМОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь

Ўзбекистон «Сифат» маркази
Бош директори

В. УСТИЮГИН

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь

«Деҳқон ва фермер хўжаликлари»
уюшмаси раиси

С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҲЙРУФИ

**407 Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни
ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎЗР АҚ-198)ни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
25 сентябрда 1721-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 5 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 95-моддасига асосан, меъёрий ба-
зани такомиллаштириш мақсадида **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоида-
лари» (ЎЗР АҚ-198) иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган
кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.
3. Мазкур бўйруқ бажарилиши устидан назорат Ташқи алоқалар ва ҳавода
ташишни назорат қилиш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи

Ҳ. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 август,
131-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг
2007 йил 24 августдаги 131-сон
бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво
транспортида ташиш қоидалари»
(ЎзР АҚ-198)**

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎзР АҚ-198) (кейинги ўринларда матнда Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг 18-иловасига (кейинги ўринларда матнда Конвенция деб юритилади) мувофиқ, ҳаво кемаларининг парвозларини, авиаташувчиларнинг мол-мулкани, экипаж аъзоларининг ҳамда йўловчиларнинг соғлиғини ва уларнинг мол-мулканинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси эксплуатантларининг хавфли юкларни ташишни ташкил қилиш бўйича фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг махсус рухсатномаси олиниши талаб этиладиган юклар рўйхатига киритилган хавфли ва махсус юкларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун ташиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва шу тоифадаги юкларни ташиш қоидалари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжатда қуйидаги қисқартишлар ва тушунчалардан фойдаланилди:

ИКАО — Фуқаро авиациясининг халқаро ташкилоти;

ХК — Ҳаво кемаси;

Брутто массаси — ўраманинг унинг ичидаги маҳсулот билан биргаликдаги оғирлиги;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рўйхати бўйича тартиб рақами — БМТнинг хавфли юкларни ташиш бўйича экспертлар қўмитаси томонидан моддаларни ёки моддаларнинг муайян гуруҳини белгилаш учун берилган тўрт хонали рақами;

ваколатланган агент — хавфли юкларни ташиш ёки уларга ерда ишлов бериш бўйича амалларни бажаришда ташувчи номидан ҳаракат қилишга ваколатланган шахс ёки ташкилот;

давлат ваколатли органлари — фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солиш соҳасида зарур ваколатлар берилган давлат органи;

йўловчи ҳаво кемаси — йўловчиларнинг ташишлари амалга ошириладиган ХК;

уйғунланган ўрама — ичига бир ёки бир неча ички ва заруриятга қараб оралик тара солинган транспорт тарасидан ҳамда ёрдамчи пакетлаш воситаларидан иборат ўрама;

нетто массаси — маҳсулотнинг соф (идишсиз, ўровсиз) оғирлиги;

портловчи модда — транспортировка қилиниши мумкин бўлмаган моддалар (ўта таъсирчан ёки осонликча ўз-ўзидан парчаланадиган) ёки асосий хавфлилик турига кўра бошқа синфга мувофиқ бўлган моддалардан ташқари, кимёвий реакция-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ларга киришиб ўзидан шиддатли, ҳароратли ва босимдаги газларни ажратиши натижасида атрофдаги буюмларни зарарланишини келтириб чиқарадиган қаттиқ ёки суюқ модда (ёки моддалар аралашмаси);

пиротехник модда ёки таркибида шундай моддалар бўлган буюм — детонация бермайдиган экзотермик реакциялар натижасида ташқи таассурот (олов, товуш, газ ёки тутун, ёхуд уларнинг аралашмалари) келтириб чиқаришга мўлжалланган модда ёки моддалар аралашмаси;

портловчи буюм — таркибига кирадиган портловчи моддаларнинг микдори ёки хусусиятларига кўра, ташиш жараёнида уларга тасодифан ўт кетганда ёки бошқа усулда зарб етганда, ўрамадан ташқарида сочилиш, олов, тутун, иссиқлик ёки товуш таъсирлари кабилар намоён бўлишини келтириб чиқармайдиган қурилмалардан ташқари бир ёки бир неча портловчи моддалардан иборат буюм;

ташқи ўрама — ишлов бериш ва сақлаш учун қулайлик яратиш мақсадида бир ёки бир неча юк ўринларини бирлаштириш ҳамда ягона ишлов бериладиган бирлик ҳосил қилиш учун мўлжалланган тара;

ташувчи — қонун ҳужжатларига мувофиқ, тижорат асосида хавфли юкларни ҳаво транспортида ташишни амалга оширувчи ва авиация ишларини ҳамда хизматларини бажарувчи шахс;

ўраш тўплами — ичидагиларни ушлаб туриш учун идиш вазифасини таъминлаши зарур бўлган идишлар ёки бошқа компонентлар ва материаллар;

хавфли юк — ХК ташиш вақтида йўловчилар ёки экипаж аъзоларининг соғлиги, парвоз хавфсизлиги ёки ХК бортида жойлашган мол-мулк бутлигига хавф туғдирувчи буюмлар ёки моддалар;

эксплуатант — ХКга мулкчилик ҳуқуқига, ижара шартлари ёки бошқа қонуний асосларга кўра эгалик қилувчи, мазкур ХКни эксплуатация қилиш ҳуқуқи ва имкониятлари эксплуатантнинг гувоҳномаси билан тасдиқланган фуқаро ёки юридик шахс;

юкни ҳаво орқали ташиш — ХК эксплуатантлари томонидан бажариладиган юк ташувлари;

юк ҳаво кемаси — юк ёки мол-мулк ташиш учун мўлжалланган, йўловчи ХКдан ташқари, ҳар қандай ХК;

юк ўрни — ташиш учун тайёрланган, транспорт тараси ва унинг ичидагилардан иборат бўлган юкни жойлаш бўйича амалларнинг пировард маҳсулоти;

юк хати — юкни ҳаво транспортида ташиш шартномаси тузилганлиги, унинг шартлари ва юк ташиш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

юк жўнатувчи — ташувчи билан юкни ҳаво транспортида ташиш тўғрисида шартнома тузган томон сифатида реквизи́тлари юк хатида кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахс;

юкни қабул қилувчи — юкни ҳавода ташиш тўғрисидаги шартнома асосида, ташувчи юкни топшириши керак бўлган томон сифатида юк хатида реквизи́тлари кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахс;

юкланишдаги ном — хавфли юкни ташиш ҳужжатларида таърифлаш ва уни маркалашда фойдаланилиши лозим бўлган ном;

юкни пакетлаш воситалари — исталган турдаги юк контейнери, авиация контейнери, сеткали авиация таглиги.

2. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташувчилар томонидан амалга ошириладиган хавфли юкларни ташишни ташкил қилиш ва бажаришнинг умумий қоидаларини, шунингдек, хавфли юкларни ташиш учун қабул қилишнинг техник қоидаларини белгилаб беради.

3. ХҚларининг эксплуатантлари ва ташувчилар тегишли фаолиятни амалга оширишга доир ўз қоидаларини ўрнатишга ҳақлидирлар, бу қоидалар мазкур Қоидалар талаблари даражасидан паст бўлиши мумкин эмас.

ЭСЛАТМА: ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти билан келишилган меъёрий ҳужжатларга асосан тартибга солинадиган махсус авиация ишларини бажарувчи эксплуатантларга татбиқ этилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси эксплуатантлари томонидан хавфли юкларни халқаро авиаташишлари бажарилаётганда мазкур Қоидаларнинг, Конвенциянинг, бундай ташишлар ҳудудидан, ҳудуди орқали ёки ҳудудда амалга ошириладиган мамлакатлар қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг талаблари бажарилиши лозим.

5. Ўз конструкцияси, тизими ёки ҳажмида белгиланган тартибда хавфли юклар қаторига киритилган моддаларга эга бўлган техник қурилмалар, буюмлар ва моддалар мазкур Қоидаларга мувофиқ ташилиши лозим.

6. Хавфли юкларни ташишни ташкил қиладиган ва амалга оширадиган авиакомпаниялар, эксплуатантлар ва ташувчиларнинг ходимлари мазкур Қоидаларга мувофиқ хавфли юкларни ташиш учун қабул қилиш, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш, ташишни амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилишни таъминлайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган тартибга эга бўлишлари лозим.

7. Эксплуатантлар, ташувчилар, юк жўнатувчилар ва хавфли юкларни ҳаво транспортида ташишга алоқаси бўлган бошқа ташкилотлар хавфли юкларни ташишга тайёрлаш ва ташиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришга имкон берадиган маълумотларни ўз ходимларига тақдим этадилар ва авария ҳолатлари юз берганда бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар тўғрисида кўрсатмалар берадилар.

8. Тегишли равишда синфларга ажратилмаган, ҳужжатларга эга бўлмаган, жойланмаган, сертификатланмаган, уларнинг рўйхати тузилмаган, маркалаш белгилари қўйилмаган ва ташиш учун мос ҳолатда бўлмаган хавфли юклар ҳавода ташиш учун қабул қилиниши қатъиян ман этилади.

9. Авиация хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ХҚда ташиладиган хавфли юклар қонунчиликда белгиланган тартибда, назоратдан ўтказишни таъминлайдиган техник воситаларнинг жараёнларидан фойдаланган ҳолда мажбурий тартибда парвозолди назоратидан ўтказилади.

10. Парвозолди кўриги ўтказилиш пайтида очилган ҳар қандай хавфли юкнинг юк ўрни жойлаш талаблари таъминланган ҳолда, хавфли юклар билан ишлаш учун рухсатномага эга бўлган малакали мутахассислар томонидан қайтадан жойланиши керак.

11. Юк жўнатувчи жўнатилаётган хавфли юкни кўрикдан ўтказишдан бош тортса, юкни ҳаво транспортида ташиш ҳақидаги шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

12. Хавфли юкни ҳавода ташишни ташкиллаштиришда юкни ташиш ҳақидаги шартноманинг бузилиши учун жавобгарлик хавфли юкларни ташиш ҳақидаги шартноманинг шартлари, халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг умумий қоидалари асосида аниқланади.

13. Хавфли юкларни ХҚда ташишни ташкиллаштирадиган ва амалга оширадиган эксплуатант, ташувчи ва юк жўнатувчининг ходимлари ушбу мақсадлар учун сертификатлаштирилган муассасаларда белгиланган тартибда махсус тайёргарлик-

дан ўтишлари ва бундай таълим олганликлари ҳақида тегишли ҳужжатга эга бўлишлари лозим.

II. Хавфли юкларнинг таснифланиши

14. Барча хавфли юклар уларнинг хавфлилик даражаси инобатга олинган ҳолда турли синфлар ва тоифаларга бўлинади.

Хавфли юкларнинг таснифи Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Синфлар ва тоифаларнинг рақамланиши уларнинг хавфлилик даражасини кўрсатмайди.

15. 1-синф — портловчи моддалар:

а) портловчи моддалар (ташиш учун катта хавф туғдирадиган ёки асосий хавфлилик турига кўра бошқа синфга мувофиқ бўлган моддалар бундан мустасно);

б) портловчи буюмлар (таркибида миқдори ёки хусусиятларига кўра, ташиш жараёнида уларга мўлжалланмасдан ёки тасодифан ўт кетиши ёхуд бошқа усулда туртки берилиши мосламага нисбатан олов отилиши, тутун чиқиши, қизиш, қаттиқ товуш чиқариш сингари ҳеч қандай ташқи белгилар орқали намоён бўлмайдиган портловчи моддаларни ўз ичига олган буюмлар бундан мустасно);

в) амалий, портловчи ёки пиротехник таъсир келтириб чиқариш мақсадида тайёрланган моддалар ва буюмлар.

1-синф — портловчи моддалар ўз навбатида олти тоифага бўлинади:

1.1.-тоифа — портлаш хавфи массаси билан таърифланадиган моддалар ва буюмлар;

1.2.-тоифа — сочилиб кетиш хавфи билан таърифланадиган, аммо массаси билан портлаш хавфини туғдирмайдиган моддалар ва буюмлар;

1.3.-тоифа — ёниш хавфи, сочилиб кетиши арзимаган хавфга олиб келиши, ёки ҳар иккала ҳолат билан таърифланадиган, аммо портлаш хавфи массаси билан таърифланмайдиган моддалар ва буюмлар;

1.4.-тоифа — сезиларли хавф туғдирмайдиган моддалар ёки буюмлар;

1.5.-тоифа — портлаш хавфи массаси билан таърифланадиган, таъсирчанлиги жуда паст бўлган моддалар;

1.6.-тоифа — портлаш хавфи массаси билан таърифланмайдиган, таъсирчанлиги ўта паст бўлган моддалар.

16. 2-синф — газлар:

а) сиқилган газлар;

б) суюлтирилган газлар;

в) эритилган газлар;

г) совутилган суюлтирилган газлар;

д) бир ёки бир нечтасининг бошқа синфлардаги бир ёки бир нечта моддаларнинг буғлари билан қоришмаси;

е) газ билан жиҳозланган буюмлар;

ж) аэрозоллар.

Газ — 50° С ҳароратда буғининг 300 КПа дан ортиқ босимини ҳосил қиладиган ёки 20° С ҳарорат ва 101.3 КПа стандарт босимда тўлалигича газсимон ҳолатга ўтадиган модда.

2-синф газлар ўз навбатида учта тоифага бўлинади:

2.1.-тоифа — осон алангаланадиган газлар;

2.2.-тоифа — алангаланмайдиган ва заҳарламайдиган газлар;

2.3.-тоифа — заҳарлайдиган газлар;

17. 3-синф — осон алангаланадиган суюқликлар:

3-синф қуйидаги моддаларни ўз ичига олади:

- а) осон алангаланадиган суюқ моддалар;
- б) суюқ десенсибилизацияланган портловчи моддалар;

Осон алангаланадиган суюқликлар (ОАС) — синовда ўт олиш ҳарорати ёпик идишда 60.5° С ҳароратдан юқори бўлмаган ва очиқ идишда 65.5° С ҳароратдан юқори бўлмаган ҳароратлардаги осон алангаланадиган буғларни ажратадиган суюқликлар ёхуд суюқликларнинг аралашмаси, шунингдек таркибида эритмадаги қаттиқ моддалар ёки суспензиялар бўлган суюқликлар ҳисобланади. Ушбу синфга ўзининг ўт олиш ҳароратига тенг ёки юқори ҳароратларда ташиш учун тақдим этиладиган ва суюқ ҳолатда оширилган ҳароратларда ташиладиган ёки ташиш учун тақдим этиладиган ҳамда ташишдаги энг юқори ҳарорат ёки ундан пастрокда ҳам ўзидан осон алангаланадиган буғларни ажратадиган суюқликлар ҳам киради.

Суюқ десенсибилизацияланган портловчи моддалар — сувда ёки бошқа моддаларда, ўзларининг портлаш хусусиятларини бостириш учун, гомоген суюқ аралашма ҳосил қилгунга қадар эрийдиган ёки суспензияланадиган моддалардир.

18. 4-синф — осон алангаланадиган қаттиқ моддалар, ёниши мумкин бўлган ва сув текканда ўзидан осон алангаланадиган газларни ажратадиган моддалар:

4-синф уч тоифага бўлинади:

4.1.-тоифа — осон алангаланадиган қаттиқ моддалар, ўзи реакцияга киришадиган ва уларга ўхшаш моддалар ва десенсибилизацияланган портловчи моддалар;

4.2.-тоифа — ўз-ўзидан ёнишга қодир моддалар;

4.3.-тоифа — сув текканда ўзидан осон алангаланадиган газларни ажратадиган моддалар.

4.1.-тоифадаги моддаларга қуйидагилар киради:

- а) осон алангаланадиган қаттиқ моддалар;
- б) ўзи реакцияга киришадиган моддалар;
- в) қаттиқ десенсибилизацияланган портловчи моддалар.

Осон ёниб кетишга қодир қаттиқ моддалар ва ишқаланиш натижасида ёнғин чиқариши мумкин бўлган қаттиқ моддалар осон алангаланадиган қаттиқ моддалардир.

Ўзи реакцияга киришувчи моддалар иссиқликка чидамсиз, ҳатто кислород бўлмаганда ҳам кучли экзотермик парчаланишга мойил моддалардир.

Қаттиқ десенсибилизацияланган портловчи моддалар уларнинг портлашга хавфли хусусиятларини ҳосил қилиш учун сув ёки спиртлар билан намланган ёхуд бир хил қаттиқ қоришма ҳосил қилгунга қадар бошқа моддалар билан суюлтирилган портловчи моддалардир.

4.2.-тоифадаги моддаларга қуйидагилар киради:

а) пирофор моддалар, яъни жуда оз миқдорда бўлганда ҳам ҳаво билан мулоқотда бўлса 5 дақиқа ичида алангаланиб кетадиган моддалар, жумладан қоришма ва эритмалар ҳам (суюқ ва қаттиқлари). Бу моддалар ўз-ўзидан ёниб кетишга энг мойиллари, яъни пирофор моддалар деб аталади;

б) ҳаво билан аралашганда ташқаридан энергия олиб келинмасдан ўз-ўзидан қизийдиган ва ўз-ўзидан қизишга мойил моддалар (пирофор моддалардан ташқари). Бу моддалар фақат катта миқдорда бўлганда ва узоқ муддат ўтгандан кейингина алангаланади ва ўз-ўзидан қизийдиган моддалар деб аталади.

4.3.-тоифадаги моддаларга сув текканда ўзидан осон алангаланиб кетадиган газларни ажратадиган моддалар киради.

Баъзи моддалар сув текканда ўзидан осон алангаланиб кетадиган, сув билан портловчи қоришма ҳосил қилишга қодир бўлган газларни ажратади. Бундай қоришмалар исталган одатдаги алангаланиш манбаидан алангаланади.

19. 5-синф — оксидловчи моддалар ва органик пероксидлар:

5-синф икки тоифага бўлинади:

5.1.-тоифа — оксидловчи моддалар;

5.2.-тоифа — органик пероксидлар.

Оксидловчи моддалар — ўзи албатта алангаланувчи бўлмаса ҳам, асосан кислород ажратиш йўли орқали бошқа моддаларнинг алангаланишини келтириб чиқариши ёки шунга кўмаклашиши мумкин бўлган моддалар.

Органик пероксидлар — органик моддалар бўлиб, улар икки валентли структурага эга. Улар бир ёки ҳар иккала водород атомининг ўрнини органик радикаллар эгаллаган водород пероксидининг ҳосилалари деб ҳисобланиши мумкин. Органик пероксидлар термик жиҳатдан беқарор моддалар бўлиб, экзотермик, ўз-ўзидан тезлашувчи реакция давомида парчаланиши мумкин. Бундан ташқари, улар портлаш билан парчаланиш, тез ёниш, зарба ёки ишқаланишга сезгирлик хусусиятига, бошқа моддалар билан хавфли реакцияга киришиш ва кўзни зарарлантириш қобилиятларига эга.

20. 6-синф — заҳарловчи ва инфекцион моддалар:

6-синф икки тоифага бўлинади:

6.1.-тоифа — заҳарловчи моддалар бўлиб, ичга ютганда, нафас орқали ёки тери қатлами билан контактда бўлганда ўлим, оғир жароҳатланиш каби оқибатларни келтириб чиқариши ёки инсон саломатлигига зиён етказиши мумкин бўлган моддалар;

6.2.-тоифа — таркибида патоген микроорганизмларни тутувчи инфекцион моддалар.

Патоген микроорганизмлар — микроорганизмлар ёки прионлар сингари, бошқа инфекцион агентлар бўлиб, одамлар ва ҳайвонларнинг касаллигини чақирувчи моддалар.

21. 7-синф — радиоактив материаллар:

Радиоактив материал — активлик концентрацияси, шунингдек юкнинг тўла активлиги йўл қўйилган кўрсаткичлардан юқорироқ бўлган радионуклидларни ўз ичига олувчи материалдир.

22. 8-синф — коррозион моддалар:

Коррозион моддалар — кимёвий таъсир ўтказиш орқали улар билан контактда бўлган тирик тўқималарни жиддий зарарлаши ёки тўқилган тақдирда, бошқа юклар ва транспорт воситаларига зиён келтириши ва ҳатто уларни вайрон қилиши мумкин бўлган моддалардир.

23. 9-синф — бошқа хавфли моддалар ва буюмлар:

9-синфга қуйидагилар киради:

а) атроф муҳит учун хавфли бўлган моддалар, сув муҳитини ифлослантирувчи суяқ ёки қаттиқ моддалар, шунингдек бундай моддаларнинг эритма ёки қоришмалари (жумладан препаратлар ва чиқиндилар ҳам);

б) юқори ҳароратдаги моддалар, яъни ташиш учун суяқ ҳолатда 100° С дан кам бўлмаган ёки қаттиқ ҳолатда 240° С дан кам бўлмаган ҳароратда тақдим этилаётган моддалар;

в) ўзлари инфекцион моддалар ҳисобланмаган, аммо ҳайвонлар, ўсимликлар ёки микробиологик моддаларни одатда табиий усулда кўпайишнинг натижаси бўлмаган ўзгаришларга дучор қилиши мумкин бўлган генетик ўзгартирилган организмлар ва микроорганизмлар;

г) ҳавода ташиш учун жойланганда магнит майдонининг кучланиши тайёр юк ўрни сатҳининг исталган нуқтасидан ўлчанган 2.1 м. масофада 0,159 А/м ва ундан кўпроқни ташкил этувчи магнитланган материал;

д) ХКга тўкилган тақдирда учиш экипажи аъзоларини, уларга ўз вазифаларини тўғри бажариш имконини бермайдиган даражада кучли безовта ёки бетоб қиладиган наркотик, захарли ёхуд бошқа хусусиятларга эга бўлган қаттиқ ёки суюқ модда.

24. Агар бир неча хилдаги хавфсизликлар билан таърифланадиган хавфли юклар мазкур синфларда аниқ кўрсатилмаган бўлса, уларнинг қайси синфга мансублигини аниқлашда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасидаги жадвал қўлланилади.

25. Бирор-бир синф ёхуд тоифага хос бўлган хавф туғдирувчи хавфли юклар, шу синф ёхуд тоифага мансуб деб топилади ва бунда агар лозим бўлса, хавфлилик даражаси ва жойлаш гуруҳи аниқланади.

26. 1-9-синфларга мансуб деб топилган, қўшимча хавф белгилари билан таъминланмаган моддалар, атроф муҳит учун хавфли деб ҳисобланади. Чиқиндилар тегишли синф учун қўйиладиган талабларга риоя қилинган ҳолда, уларнинг хавфлилик турлари ва мезонлари инобатга олиниб ташилади.

III. Хавфли юкларнинг рўйхати

27. Ҳаво транспортида ташишга одатда таклиф қилинадиган хавфли юклар орасида, ташувга нисбатан тез-тез тақдим этиладиганлари, уларнинг синфлари, тоифалари, қўшимча хавф турлари, ўрам гуруҳига қараб ИКАО кенгашининг қарори билан тасдиқланадиган “Хавфли юклар рўйхати”га киритилади (кейинги ўринларда матнда Рўйхат деб юритилади).

Рўйхатга ҳаво транспортида ташиш ман этилган бир қатор моддалар ва буюмлар ҳам киритилган.

28. Рўйхат ИКАО Кенгашининг қарорига кўра вақти-вақти билан янгиланиб турилади ва қайта нашр этилади.

29. Эксплуатант ва ташувчи ўзининг хавфли юкларни ташишни ташкиллаштирадиган ва амалга оширадиган ходимларини Рўйхатнинг янги нашрлари билан ўз вақтида таъминлаб туриши лозим.

30. Рўйхатдан Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг барча ташувчилари, ўз фаолиятини ҳавода ташиш соҳасида амалга ошираётган ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек юк жўнатувчилар ва юк олувчилар томонидан хавфли юкларни ҳавода ташишни ташкиллаштириш ва бажариш жараёнида фойдаланилади.

31. Рўйхат тамоман тўлиқ бўла олмаслиги сабабли, номлари Рўйхатда кўрсатилмаган юкларни ташишни осонлаштириш мақсадида, унда шунингдек «умумлаштирилган» ёки «аниқ кўрсатилмаган» каби умумий тавсифга эга номлар бор.

32. Агар у ёки бу буюм ёки модданинг аниқ номи кўрсатилмаган ёки Рўйхатга киритилмаган бўлса, у ушбу Рўйхатнинг мазкур буюм ёки моддага тааллуқли бўлган қоидаларига мувофиқ ташилиши лозим. «Умумлаштирилган» ёки «аниқ кўрсатилмаган» каби номлар, Рўйхатда аниқ номи кўрсатилмаган буюм ва моддаларни ташиш имконини беради.

33. Бундай моддалар ва буюмлар уларнинг хавфли хоссалари аниқланганидан кейингина ташилиши мумкин. Юкнинг хоссаларига қараб, юк жўнатувчи билан ҳамкорликда, синфлар таърифлари ва синовлар мезонларига мувофиқ таснифланиши лозим бўлган мазкур хавфли юкни таърифловчи умумий номланишни белгилашлари керак. Бунда Рўйхатда бор бўлган, ушбу моддаларни ва буюмларни энг яхши тавсифловчи номлардан фойдаланилиши керак. Моддалар ва буюмларнинг синфи

аниқлангач, мазкур Қоидаларнинг ташишга тайёрлаш ва бажаришга доир барча талаблари бажарилиши керак. Портлаш хоссасига ёки шундай шубҳага эга бўлган ҳар қандай буюм ёки модда 1-синфга киритилиши масаласи кўрилиши керак.

34. Рўйхатда уларга нисбатан хавфсизлик чоралари кўрсатиб ўтилган моддалар ва буюмлар, қоида тариқасида, бундай чоралар кўрилмаган бўлса ташилмаслиги керак, мазкур буюм ёки модда Рўйхатга хавфсизлик чоралари борасида бирор-бир кўрсатмаларсиз ёки бошқача хавфсизлик чоралари кўрсатилган ҳолда киритилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Рўйхатда кўрсатилмаган буюмни ёки моддани ташиш мумкинлиги ёки уларни ташиш шароитлари борасида шубҳа туғиладиган бўлса, юк жўнатувчи ёки ташувчи ушбу ҳолат бўйича ваколатли органларга мурожаат қилишлари лозим.

36. Рўйхат хавфли юкларнинг номлари, маълум буюмлар ва моддаларга берилган БМТ рақамлари, синфлар ва тоифалар, қўшимча хавфлар, хавфлилик белгилари, алоҳида давлатлар амалиётидаги фарқлар, барча жойлаш гуруҳлари бўйича қўлланиладиган махсус қоидалар, Рўйхат бўйича жойлаш гуруҳлари, шунингдек жойлаш бўйича йўриқномалар ва йўловчи ёки юк ХҚда ташилаётган буюмлар ва моддаларнинг ҳар бир ўрамадаги максимал нетто миқдорлари кўрсатилган устунлардан иборат.

37. Ҳар қандай ХҚда ёки йўловчи ХҚнинг сатҳида ташиш рухсат этилмаган буюмлар ёки моддалар Рўйхатнинг тегишли устунда «ман этилган» деган сўзлар билан белгиланади.

38. Жойлаш бўйича йўриқномага мувофиқ жойланган ва ўрамадаги максимал нетто миқдори тегишли устунларда кўрсатилган буюм ёки модда, юк ХҚда ҳам ташилиши мумкин.

IV. Хавфли юкларни ҳаво орқали ташишдаги чекловлар

39. Нормал шароитда ташилиши тақиқланган ва фақат юк ташувчи ХҚда ташиладиган баъзи хавфли юклар ҳар қандай ХҚда ташилганида алоҳида хавф туғдиради. Улар Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг махсус рухсатномаси бўйича ташилиши мумкин ва уларнинг кўп миқдордаги қисми юк ташувчи ХҚлари билан бир қаторда талаб қилинадиган шарт-шароитларга амал қилинган ҳолда йўловчи ташувчи ХҚларида ҳам ташилади. Ташилиши рухсат этилган хавфли юклар йўловчи ташувчи ХҚларида рухсат этилган миқдордан ошган ёки йўловчи ХҚларида ташилиши тақиқланган ҳолларда юк ташувчи ХҚларида ташилади.

40. Ташиш жараёнида оддий шароитларда портлаш, хавфли реакцияларга киришиш, ёки хавфли миқдорда иссиқлик ёки заҳарли, коррозия ёки осон алангаланувчи газлар, ёхуд буғ чиқариш хусусиятига эга модда ёки буюмлар ҳеч қандай ХҚда ва шароитда ташилмайди, ташишга таклиф этилмаслиги ва қабул қилинмаслиги лозим. Бундай хавфли юклар Рўйхатнинг тегишли устунда кўрсатилади ва «ман этилади» деган сўзлар билан белгиланади.

41. Рўйхатда юк ва йўловчи ХҚларида ташишга рухсат берилган хавфли юкларнигина ташишга йўл қўйилади.

Юк ХҚларида ташишга рухсат этилган хавфли юкларни йўловчи ХҚларида ташишга рухсат этилмайди. Йўловчи ХҚларида фақат йўловчи ХҚларида ташишга рухсат этилган хавфли юклар ташилади.

42. Ҳар қандай шароитларда ҳам ҳавода ташиш ман этилган хавфли юклар қуйидагилар:

а) 48 соат ичида 75° С ҳароратнинг таъсири остида алангаланадиган ёки парчаланадиган портловчи моддалар;

б) таркибида хлоратлар ёки аммоний тузлари бўлган портловчи моддалар;

в) таркибида хлоратлар ва фосфорнинг қоришмаси бўлган портловчи моддалар;

г) механик зарбага ўта таъсирчан деб таснифланадиган каттиқ портловчи моддалар;

д) механик зарбага ўртача таъсирчан деб таснифланадиган суюқ портловчи моддалар;

е) ташиш учун таклиф этилган ва ҳавода ташишдаги оддий шароитларда хавфли миқдорда иссиқлик ёки газ ажратиш хусусиятига эга бўлган моддалар;

ж) пирофор суюқ радиоактив моддалар.

43. Рўйхат бўйича оддий шароитларда ташиш ман этилган буюмлар, моддалар ва захарланган жониворлар Конвенцияга мувофиқ давлат томонидан берилган рухсатномага асосан ташиш мумкинлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг кўрсатмаси бўлмаса ХҚда ташиш учун қабул қилинмайди.

44. Ташувчи ёки унинг ваколатли агенти юк жўнатувчиларга ҳавода ташиш ман этилган хавфли юкларнинг турлари ҳақида маълумотларни тақдим этиши лозим. Бундай маълумотлар юкларни қабул қилиш ва ҳавода ташишни сотиш пунктларида кўринадиган жойларда жойлаштирилиши керак.

45. Мазкур Қоидаларнинг талаблари татбиқ этилмайдиган хавфли юклар қуйидагилардир:

а) амалдаги парвозга яроқлилиқ талаблари ва эксплуатация қоидаларига мувофиқ нормал эксплуатацияни таъминлаш, қўниб ўтиш аэропортларида ёки парвоз давомида алмаштириш учун ХҚ ичида бўлиши лозим бўлган буюмлар ва моддалар;

б) авиация корхонаси томонидан парвоз давомида фойдаланиш ёки ХҚ ичида сотиш учун йўловчи ХҚнинг салоида олиб кетилаётган аэрозоллар, алкоголь ичимликлар, одеколонлар, хавфсиз гугуртлар ва суюлтирилган газли сигарет тутатиш асбоблари (қайта зарядлаб бўлмайдиган ва паст босим шароитларида ичидаги газ оқиб чиқадиган сигарет тутатиш асбобларидан ташқари);

в) ХҚнинг бортида хизмат кўрсатиш вақтида озиқ-овқатлар ва ичимликларни совутиш учун мўлжалланган қуруқ муз.

46. Йўловчиларни ХҚда ташишни амалга оширувчи ҳар қандай ташкилот ёки корхона уларга ХҚда ташиш мумкин бўлмаган хавфли буюм ва моддаларнинг турлари ҳақида маълумотларни тақдим этиши керак. Бундай маълумотда огоҳлантиришлар назарда тутилган бўлиши ва йўловчилар билан алоқа амалга ошириладиган жойларда ўрнатилган бўлиши лозим.

47. Хавфли юкларнинг баъзилари ҳоли миқдорларда ташилиши мумкин.

Ҳоли миқдордаги хавфли юклар фақат ўрнатилган талабларга ва чекланиш миқдорларига қатъий риоя қилинган ҳолда ташилади.

48. Ҳоли миқдорларда йўловчи ХҚда ташишга рухсат этилган ва қуйида санаб ўтилган тегишли синфлар, тоифалар ва жойлаш гуруҳларининг мезонларига мос келадиган хавфли юкларгина ташилиши мумкин:

а) 2.2.-тоифа, қўшимча хавфлилиги билан таърифланмайдиган;

б) 3-синф, барча жойлаш гуруҳлари;

в) 4-синф, II ва III жойлаш гуруҳлари, ўз-ўзидан реакцияга киришадиган моддалардан ташқари;

г) 5.1.-тоифа, II ва III жойлаш гуруҳлари;

д) 5.2.-тоифа, фақатгина кимёвий комплект ёки биринчи ёрдам жамламасига кирувчи моддалар;

е) 6.1.-тоифа, ингаляцион заҳарлаш хусусиятига эга моддалардан ташқари барча моддалар, I жойлаш гуруҳи;

ж) 8-синф, II ва III жойлаш гуруҳлари, Рўйхат бўйича 2803 ва 2809 рақамлардан ташқари;

з) 9-синф, магнитлаштирилган моддалардан ташқари барча моддалар ва буюмлар.

Мазкур синфлар, тоифалар ва жойлаш гуруҳларига мансуб моддалар ва буюмлар қаторига эркин ўрамалардаги радиоактив моддалар ҳам киритилиши мумкин.

49. Чекланган миқдорларда йўловчи ХҚларида ташиш рухсат этилган ва қуйида санаб ўтилган синфлар, тоифалар ва жойлаш гуруҳларининг мезонларига мос келадиган хавфли юкларгина ташилиши мумкин:

а) 2.1. ва 2.2.-тоифалар — аэрозоллар ва қўшимча хавфсиз газлар Рўйхат бўйича 2037 рақами;

б) 2.2.-тоифа — қўшимча хавфи билан таърифланмайдиган газлар, совутилган суюлтирилган газлардан ташқари;

в) 3-синф — II ва III жойлаш гуруҳлари;

г) 4.1.-тоифа — II ва III жойлаш гуруҳлари, аммо жойлаш гуруҳларидан қатъи назар, барча ўз-ўзидан реакцияга киришувчи моддалар мустасно қилинмайди;

д) 4.3.-тоифа — II ва III жойлаш гуруҳлари, фақат қаттиқ моддалар;

е) 5.1.-тоифа — II ва III жойлаш гуруҳлари;

ж) 5.2.-тоифа — фақат кимёвий комплект ёки биринчи ёрдам комплектининг таркибига кирувчи моддалар;

з) 6.1.-тоифа — II ва III жойлаш гуруҳлари;

и) 8-синф — II ва III жойлаш гуруҳлари, Рўйхат бўйича 2794, 2795, 2803, 2809 ва 3028 рақамлардан ташқари;

к) 9-синф — Рўйхат бўйича фақатгина 1941, 1990, 2071, 3077, 3082 ва 3316 рақамлар.

50. Қуйидаги хавфли юкларни холи миқдорларда ташишга рухсат этилмайди:

а) фақат юк ХҚларида ташишга рухсат этилган буюмлар ва моддалар;

б) I жойлаш гуруҳидаги буюмлар ва моддалар;

в) I ва 7-синф, 2.1. (аэрозоллардан ташқари), 2.3. ва 6.2.-тоифалардаги буюмлар ва моддалар;

г) 4.2.-тоифасига кирадиган ва мазкур тоифанинг қўшимча хавфи билан таърифланадиган моддалар.

51. Чеклашлар бир хил равишда хавфли юкларни чекланган миқдорларда ҳам йўловчи, ҳам юк ХҚларида ташишга тааллуқлидир.

V. Хавфли юкларни ўраш

§ 1. Хавфли юкларни ўраш тўпламларига қўйиладиган умумий талаблар

52. Хавфли юкларни етарли даражада мустаҳкам, ташиш жараёнида зарбалар ва ғирликларга, жумладан юкларни жойлаш воситасидан ёки ташқи ўрамадан қўлда ёхуд механик усулда ишлов беришда ҳар қандай кўчиришларга бардош бера оладиган, сифатли ўраш тўпламларига жойлаштириш керак.

53. Ўраш тўпламлари ташишнинг оддий шароитларида ўз ичидагиларнинг, теб-

ранишнинг, ҳароратнинг, намликнинг ва босимнинг ўзгариши натижасида юз бериши мумкин бўлган бирор-бир тарзда камайишига йўл қўймайдиган қилиб лойиҳаланган ва беркитилган бўлиши лозим. Ўраш тўпламлари, жумладан ичкилари ҳам, ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган йўриқномаларга мувофиқ беркитилиши керак.

54. Хавфли юкларни жойлаштириш ҳар бир конкрет хавфли модда ва буюмга тааллуқли Рўйхатдаги махсус қоидалар ва нормативларга асосан амалга оширилади.

55. Ўрамада мазкур тара ташилаётган конкрет хавфли юклар учун мўлжалланганлиги ҳақида махсус маркалаш белгиси мавжуд бўлиши, тара белгиланган тартибда сертификатланган ва бир қатор тестларга бардош бериши лозим.

56. Хавфли юкларни ишлаб чиқарувчи ёки жўнатувчи ташкилотлар ўраш тўпламларига қўйиладиган талабларга риоя этилиши учун тўлиқ жавобгардирлар.

57. Буюмлар ва моддаларни жойлаш учун (1, 2, 7-синфлар, 5.2. ва 6.2.- тоифалар ва ўз-ўзидан реакцияга киришадиган моддаларнинг 4.1.-тоифасига мансуб моддалардан ташқари) уларнинг хавфлилик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган учта жойлаш гуруҳи белгиланади:

I-гуруҳ — хавфлилик даражаси юқори;

II-гуруҳ — хавфлилик даражаси ўртача;

III-гуруҳ — хавфлилик даражаси паст.

58. Агар моддалар ва буюмларнинг номлари Рўйхатда аниқ кўрсатиб ўтилмаган ва мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида кўрсатилган жадвалдан қатъи назар, 3, 4, 8-синфлар ҳамда 5.1. ва 6.1.-тоифаларга мос бўлган бир неча хавфлилик турлари билан таърифланса, уларга хавфлилик турини биринчиликда акс эттирадиган ушбу хавфлилик турларига мос келадиган жойлаш гуруҳлари тайинланади. Фойдаланилиши лозим бўлган тўғри жойлаш гуруҳлари мазкур жадвалнинг иккита чизиқ кесишишида жойлашган.

59. Исталган ўраш тўпламининг корпуси ва беркитиш мосламаси ташишнинг оддий шароитларида юз бериши мумкин бўлган ҳароратнинг ёки тебранишнинг таъсирига бардош бера оладиган тузилишга эга бўлиши лозим.

60. Ташиш пайтида беркитиш мосламаси тўғри беркитилганлиги текширилиши керак.

61. Ташиш пайтида ўраш тўпламининг ташқи юзасида зиён келтириши мумкин бўлган ҳеч қандай хавфли моддаларнинг қолдиқлари ёпишиб қолмаслиги керак.

62. Хавфли юкларни ташишга мўлжалланган ўраш тўпламининг материали ташилаётган моддага нисбатан инерт бўлиб, ташиш жараёнида юзага келадиган юқори ёки паст ҳароратлар, эскириш ва бошқа омилларнинг таъсири натижасида коррозияга учрамаслиги, юмшаб ёки мўрт бўлиб қолмаслиги ёхуд бошқа бир усулда ишдан чиқмаслиги лозим. Юк жўнатувчи ўраш тўпламлари ташилаётган юк билан ҳар томонлама мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

63. Ички ўраш тўпламлари ташқи тўпламларнинг ичида шундай жойланиши, тахланиши ёки оралиқ материаллар билан таъминланиши керакки, ташишнинг нормал шароитларида уларга ҳеч қандай шикаст етмаслиги ёки уларнинг ичидагилар ташқи ўраш тўпламига сизиб чиқмаслиги керак. Ташқи ўраш тўпламининг хусусиятлари ва қалинлиги ташиш жараёнида ҳосил бўладиган ишқаланиш натижасида ичидагиларнинг кимёвий барқарорлиги хавфининг ўзгаришларини келтириб чиқарадиган қизишларга олиб келмаслиги лозим. Оралиқ ва сингдирувчи материаллар ҳамда ўраш тўпламининг ичидагилар бир-бирларига ўзаро хавфли таъсир қилмаслиги керак.

64. Юкни ташқи ўраш тўпламига жойлаштиришдан олдин шиша ёки сополдан тайёрланган ички ўраш тўпламларини сингдирувчи материалларни ишлатган ҳолда зич ёпилган металл ёки қаттиқ пластмасса идишларга жойлаштирилиши лозим. Пулатдан тайёрланган ўраш тўпламлари коррозияга чидамли бўлиши керак.

65. Суюқ моддаларни ташишга мўлжалланган мўрт ёки осон тешиладиган ички ўраш тўпламлари (шиша, чинни, сопол, айрим пластмассалардан ва шу кабилардан тайёрланган ўраш тўпламлари) ташқи ўраш тўпламига зарарланишдан сақлаш ва ичидаги моддалар тўкилган ёки оқиб кетган тақдирда ХК юк бўлмасининг полига тушишига ва пол остидаги бўшлиққа ўтишига йўл қўймасдан суюқликларни ўзига тўлиқ сингдирувчи юмшоқ оралиқ материаллардан фойдаланган ҳолда жойланиши керак. Ичкаридаги моддаларнинг оқиб чиқиши ташқи таранинг, ўраманинг ва юмшоқ оралиқ материалнинг химоя қилиш хусусиятларини сезиларли даражада пассивлаштириш керак.

66. Суюқликларни ташишга мўлжалланган ўраш тўпламлари ичидагини тўкилишига йўл қўймасдан маълум бир босимга бардош бериш хусусиятига эга бўлиши керак. Герметик ёпилишини талаб қиладиган суюқликларни ташишга мўлжалланган металл ўраш тўплами пайвандлаб ясалган, герметик қопқоқли ва резбали бирикмага эга бўлиши керак.

67. Ташиш пайтида ҳарорат, босим ўзгаришининг натижасида суюқлик тўкилишини ва ўраш тўплами деформацияланишининг олдини олиш учун ўраш тўпламлари тўлдириляётганда тепасида бўш жой қолдирилиши керак.

68. Илгари хавфли юкларни ташиш учун фойдаланилган ўраш тўплами фақатгина ҳам ички қисми, ҳам ташқариси тозаланиб, қуритилиб ва нейтраллаштирилгандан кейин ҳавода хавфсиз юк сифатида ташилиши мумкин. Бу ҳол тозаланганлиги, нейтралланганлиги ҳамда уни ҳавода ташиш хавфсиз эканлиги ҳақидаги даълатнома билан тасдиқланган бўлиши шарт. Илгари хавфли юкларни ташиш учун фойдаланилган, аммо тозаланмаган, қуритилмаган ва нейтралланмаган ўраш тўпламида моддаларни ташиш учун қўлланилган эҳтиёткорлик чораларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

69. Бирорта ҳам ўраш тўплами унда коррозия ёки бошқа зарарланишлар бориётганини аниқлайдиган текширувдан ўтмасдан туриб қайтадан ишлатилмаслиги лозим.

70. Хавфли юкларни талаб этиладиган босимга бардош бера олмайдиган ички ўрамада, агар у талаб этиладиган босимга мўлжалланган қўшимча ўрамага жойланган бўлса, ишлатиш мумкин.

71. Хавфли юклар, агар улар бир-бири билан хавфли ўзаро таъсир натижасида ёниб кетишни ёки қўп миқдорда иссиқлик ажралишини, осон алангаланадиган, захарловчи ёки бўғувчи газлар ажралиб чиқишини, коррозияловчи ва беқарор моддалар ҳосил бўлишини келтириб чиқарса, бошқалари билан битта ўраш тўпламига жойлаштирилмаслиги керак.

72. Агар ички ўраш тўплами ташишнинг одатдаги шароитларида бузилиб кетмайдиган ёки уларни ичидагиси ташқи ўраш тўпламидан тўкилишига йўл қўйилмайдиган даражада химояланган бўлса, сингдирувчи материал талаб этилмайди. Агар сингдирувчи материал ва ташқи ўраш тўплами суюқлик ўтказса, суюқлик оқиб кетиш ҳолатида химоя сифатида суюқлик ўтказмайдиган қўшимча қатлам, полиэтилен қоп ёки бошқа самараси бундан кам бўлмаган герметик воситалари билан таъминлаши керак.

Юмшоқ оралиқ ва сингдирувчи материаллар билан ўраш тўпламининг ичидагилари бир-бирига хавфли ўзаро таъсир ўтказмаслиги керак.

73. Ичида суюқ хавфли юклари бўлган (ОАС ва заҳарловчи моддалардан ташқари) уйғунланган ўраш тўпламларида ички ўраш тўпламларини ёпиш мосламаларини тепага қаратиб жойлаштириш ҳамда юк ўрнининг сиртида тегишли белги билан уларнинг вертикал ҳолатини кўрсатиш керак.

74. Ичида хавфли модда тутилган бўш ўраш тўпламига, агар ҳар қандай хавфни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмаган бўлса, шу модда билан тўлдирилган юк ўрнига нисбатан талаб қилинадиган усулда ишлов берилиши керак. Тарани ҳаво оқими билан тозалаш ёки нейтраллаштирувчи реагентлардан фойдаланган ҳолда синчиклаб ювиш хавфни бартараф этишнинг мақбул усули ҳисобланади.

75. Ташиш пайтида ҳарорат таъсири натижасида суюқ моддага айланиб қолиши мумкин бўлган қаттиқ моддаларни ташиш учун ишлатиладиган ўраш тўпламлари шундай моддаларни суюқ ҳолда тутишни таъминлаши керак.

76. Зарарланган, синган, оқадиган ёки ўрнатилган талабларга жавоб бермайдиган юк ўринлари ёхуд тўкиладиган ёки сизиб чиқадиган хавфли юклар эҳтиёт ўраш тўпламларида ташилиши мумкин. Бундай ўраш тўпламини, яъни тўкиладиган ёки сизиб чиқадиган хавфли юк ўринларини ортиқча силжитиш ман этилади. Улар ташилаётганда етарли миқдорда сингдирувчи материал қўшилади.

77. Эҳтиёт ўраш тўпламлари сифатида хавфли юкларнинг тўкилиши ёки сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган исталган кимёвий ёки бошқа турдаги таъсирга бардош бера оладиган материаллардан тайёрланган алоҳида тара ва ўрамалар ишлатилади.

78. Зарарланишлари, нуқсонлари ёки 1, 2, 7-синфдаги ва 6.2.-тоифадаги (Рўйхатда 3291 рақами билан кўрсатилган клиник ва тиббий чиқиндилар бундан мустасно) хавфли юкларнинг сизиб чиқадиган юк ўринлари эҳтиёт ўраш тўпламларида ташилмаслиги керак.

79. Хавфли юкларни ташишда кўчма баклардан фойдаланиш мумкин. Кўчма бакларда 3, 8, 9-синфлар ва 4.1. (ўз-ўзидан реакцияга киришувчи моддалардан ташқари), 4.3. (суюқликлардан ташқари), 5.1. (суюқликлардан ташқари) ва 6.1.-тоифаларидаги хавфли юклар ташилиши мумкин.

Ҳар бир кўчма бак пўлатдан тайёрланган бўлиб, тубида қопқоғи бўлмаслиги ва ҳеч бўлмаганда битта пружинали босим тушириш мосламасига эга бўлиши керак (суюқликлар учун қўлланилган тақдирда).

Ичида хавфли юклари бўлган кўчма бакнинг брутто массаси бакда кўрсатилган максимал брутто массадан ошмаслиги керак.

Кўчма бакларда белгилар бакнинг ҳар бир томонига ва ҳар бир бурчига қотирилади.

Юк жўнатувчи ва ташувчи ўртасида олдиндан келишиш бўлмаса хавфли юклар ташиш учун кўчма бакларда қабул қилинмайди. Кўчма бакларни ХҚнинг ичида тўлдириш ёки бўшатиш мумкин эмас.

§ 2. 1-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

80. 1-синфдаги портловчи моддалар ҳам юк, ҳам юк ташиш учун қайта жиҳозланган йўловчи (йўловчиларсиз) ХҚларида кузатиб борувчилар билан ёки уларсиз ташилиши мумкин.

81. Мазкур синфдаги портловчи моддалар учун ўраш тўпламлари қуйидагича лойиҳалаштирилиб тайёрланган бўлиши лозим:

а) тўла бутланган юк ўрнига ташишнинг нормал шароитларида ишлов берилганлиги;

б) улар портловчи моддаларнинг химояланишини таъминлаши, сизиб ўтишининг олдини олиши ва ташишнинг нормал шароитларида, ҳарорат, намлик ва босимнинг эҳтимолли ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, хавф-хатар ошишига олиб келмасликлари;

в) юк ўринлари, ташиш жараёнида уларни штабел қилиб тахлаш эҳтимоли билан боғлиқ ҳар қандай оғирликка бардош бера олиши, ўраманинг мавжудлиги портловчи моддалар келтириб чиқарадиган хавфнинг ошишига олиб келмаслиги, ўраш тўпламларига ўтказиладиган ва улар ўз функцияларини бажарилишининг бузилишига олиб келадиغان ножўя таъсирнинг олдини олиши ва уларга зиён етказмаслиги.

82. Портловчи моддаларни ҳавода ташишда уларнинг хусусиятлари ва конструктив ўзига хосликларига қараб қуйидаги ўраш тўпламларидан қўлланилади:

а) ички (пластмассадан, пластмасса матодан, тўқилган, қоғоздан, крафт-қоғоздан тайёрланган, зич, нам ўтказмайдиган ва резина сингдирилган қоплардан, металдан, пластмассадан, пластмасса матодан, қоғоздан, картондан, фибр картондан ва ёғочдан тайёрланган идишлар, бобиналар, ёғочдан, ажратувчи тўсиқлари билан, картондан, пластмассадан тайёрланган оралиқ юмшоқ материаллар, картондан, фибр картондан, гофраланган картондан, қоғоздан, пластмассадан, крафт-қоғоздан тайёрланган варақлар, картондан, фибр картондан, металдан, пластмассадан тайёрланган трубкалар, ёғочдан, картондан, фибр картондан пластмассадан тайёрланган қутилар, ташқи ўраш тўпламларидаги ажратиш тўсиқлари);

б) оралиқ (платмассадан тайёрланган, тўқилган, ичи пластик билан қопланган ёки вкладишли қоплар, металдан, пластмассадан, ёғочдан, фибр картондан тайёрланган идишлар);

в) ташқи (ёғоч материаллардан, табиий ёғочдан (оддий), табиий ёғочдан деворлари зич, қаттиқ пластмассадан, фибр картондан, пўлатдан, фанерадан, алюминийдан, пенопластдан тайёрланган қутилар, алюминдан туби ечиладиган қилиб, пластмассадан туби ечиладиган қилиб, пўлатдан туби ечиладиган қилиб, фанерадан, фибрдан тайёрланган барабанлар).

83. Суюқ портловчи моддалардан иборат бўлган моддалар ўраш тўпламларининг бекитиш мосламаларидан оқиб чиқишдан икки карра химояни таъминлаши керак. Металл барабанларнинг беркитиш мосламалари тегишли оралиқ юмшоқ материал билан таъминланган бўлиши, агар беркитиш мосламаси винтсимон резбага эга бўлса, портловчи моддаларни ушбу резбага тушишининг олдини олиш керак.

84. Ўраш тўплами сувга тўлдирилган икки қаватли қобиққа эга бўлиб, ташиш пайтида сув музлаб қолиши эҳтимоли бўлса, сувга унинг музлашини олдини олиш учун етарли микдорда антифриз қўшилади. Бундай ҳолда ёнғин чиқиш хавфини туғдириши мумкин бўлган антифриздан фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

85. Агар ички ўрама портловчи модданинг металл билан алоқасидан тегишли равишда химояланмаган бўлса, химоя қопламаси бўлмаган металдан тайёрланган михлар, бандлар ўраманинг ичига ўтмаслиги керак.

86. Ички ўраш тўпламлари, арматура, оралиқ юмшоқ материаллар, шунингдек, юк ўринларида портловчи моддаларнинг ёки буюмларнинг жойлашиши, ташишнинг оддий шароитларда портловчи моддаларни ёки буюмларни ташқи ўраш тўпламида эркин силжиб юришининг олдини олиш лозим. Буюмларнинг металл таркибий қисмлари металл ўрамаларга тегишидан химояланган бўлиши керак. Портловчи моддаларни ўз ичига олувчи ташқарисидан ғилоф билан ёпилмаган буюмлар,

уларнинг бир-бирига тегиши ва ишқаланишини олдини олиш мақсадида бир-биридан ажратилган бўлиши керак. Бундай мақсадда ички ёки ташқи ўраш тўпламларида, формаларда ёки идишларида тикиладиган материал, оралиқ юмшоқ материаллар ёки тўсиқлар ишлатилиши мумкин.

87. Ўраш тўпламлари конкрет ўраш тўпламида ташилаётган портловчи моддалар билан тўғри келадиган материалдан ёки портловчи моддалар ва ўраш тўплами тайёрланган материал орасида ўзаро таъсир бўлганда портловчи моддаларни ўтказмайдиган материалдан тайёрланган бўлиши керак.

88. Пластмассадан тайёрланган ўраш тўпламларини ишлатиш портлаш, ёниб кетиш ёхуд жойланган портловчи моддаларни ёки буюмларни ҳаракатга келишига туртки бериш учун етарли бўлган статистик электрни ҳосил бўлиши ва йиғилишига олиб келмаслиги керак.

89. Портловчи моддалар ҳарорат ёки бошқа омиллар туфайли ички ва ташқи босимлар орасида фарқ бўлган ва бу ҳол портлаш ёки юк ўрнининг ёрилишига олиб келиши мумкин бўлган ички ёки ташқи ўраш тўпламларига жойланмаслиги лозим.

Электр портловчи мосламаларни тегишли равишда электромагнит нурланишдан ҳимоялаш керак.

90. Ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, ўзида туртки бериш воситалари бўлган ёки ўзида туртки бериш воситалари бўлмаган, камида иккита самарали ҳимоялаш қурилмаларига эга йирик габаритли ва мустаҳкам портловчи буюмлар жойланмаган ҳолда ташилиши мумкин. Агар бундай буюмларда ирғитиш зарядлари бўлса ёки бу буюмлар ўзи ҳаракатланадиган бўлса, уларнинг ўт олдириш тизимлари одатдаги ташиш шароитларида ҳосил бўлиши мумкин бўлган қўзғатиш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши лозим. Бундай жойланмаган буюмларни ташиш оддий шароитларида қўзғалмаслиги учун ортиш-тушириш, сақлаш ва ишга солиш мақсадида ромларда қотириш, панжарали тарага ёки бошқа тўғри келадиган мосламаларга солиш мумкин.

91. Охиригача бутланган портловчи моддалар (портлатиш воситалари билан) тузилишига кўра яхлит буюм сифатида тайёрланган ва қурилмаларни ўзини ишга тушириш занжирида ҳимояланиш тизими назарда тутилган ҳоллардагина ташилишга йўл қўйилади.

92. 1-синф хавфли юкларини бошқа синфдаги хавфли юклар билан биргаликда ташиш қатъиян ман этилади.

§ 3. 2-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

93. 2-синфга мансуб газни ташиш шароитлари унинг физик ҳолатини инобатга олган ҳолда аниқланади:

а) сиқилган газ — ташиш учун босим остида юкланган газ бўлиб, -50°C ҳароратда бутунлай газ ҳолатида бўлади, бу тоифа критик ҳарорати -50°C га тенг ва ундан паст бўлган барча газларни ўз ичига олади;

б) суюлтирилган газ — ташиш учун босим остида юкланган газ бўлиб, -50°C дан юқори ҳароратда қисман суюқ ҳолатда бўлади;

в) совутилган суюлтирилган газ — ташиш учун босим остида юкланган газ бўлиб, ўзининг паст ҳарорати туфайли қисман суюқ ҳолатга ўтган;

г) эритилган газ — ташиш учун босим остида юкланган газ бўлиб, суюқ фазадаги эритувчи моддада эритилган.

94. 2-синф газларини ташишга мўлжалланган балонлар ташишнинг оддий

шароитларида, жумладан тебраниш ёки ҳароратнинг, намликнинг ёки босимнинг ўзгариши туфайли юзага келиши билан балон ичидаги газнинг бирор-бир камайишини олдини оладиган қилиб беркитилади.

95. Балонларнинг хавфли юклар билан бевосита тегишадиган қисмлари уларнинг ёмон таъсирига дучор бўлмаслиги ёки ўзининг мустаҳкамлигини пасайтирмаслиги ва хавфли эффектларни туғдирмаслиги керак.

96. Кўп марта фойдаланадиган балонларга, агар балонга бошқа газ солиш учун тегишли тайёрлов операциялари ўтказилмаган бўлса, олдин ичида бўлганларидан фарқ қиладиган газлар ёки газларнинг қоришмалари солинмаслиги лозим.

97. Балонни тўлдиришдан олдин уни текшириб кўриб, у тегишли газни ташиш учун рухсат этилганлигини ва мазкур қоидаларнинг талабларига риоя қилинаётганлиги таъминланади.

98. Балон тўлдирилгандан сўнг, узиб қўйиш вентиллари ёпилиши ва ташиш пайтида ёпиқ ҳолатда бўлиши керак. Юк жўнатувчи беркитиш мосламаларини текшириб кўради. Вентиллар шундай лойиҳалаштирилиб тайёрланган бўлиши керакки, улар ичидагини чиқармаган ҳолда зарарланишларга бардош бериши ёки балонни ичидагини ўз-ўзидан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган зарарланишлардан қуйидаги усулларнинг бири ёрдамида ҳимоялаши керак:

а) вентиллар баллон оғзининг ичида жойлашган бўлиб, резбали тикин ёки қопқоқ билан ҳимояланган;

б) вентиллар қопқоқ билан ҳимояланган, қопқоқларда кўндаланг кесимининг юзаси, газ вентилдан сизиб чиқадиган бўлса, уни чиқариб юбориш учун етарли бўлиши;

в) вентиллар пўстинлар ёки бошқа сақлаш мосламалари билан ҳимояланиши;

г) баллонлар ташқи ўраш тўпламида ташилиши (ўраш тўплами, ташиш учун тайёрланган ҳолда, тушиб кетиш синовидан муваффақиятли ўта оладиган бўлиши керак).

Ташқи тара ёки ўрамалардан фойдаланиш белгиланган бўлса баллонлар уларда мустаҳкам қотирилиши керак. Ташқи тара ёки ўрамаларга бир ёки бир нечта ички тара ва ўрама солиниши мумкин.

99. Газларни ҳаво транспортида ташиш учун, уларнинг хусусиятлари ва ўзига хосликларига қараб ташқи ўраш тўпламларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

а) герметик ёпилган шиша ампулалар, капсулалар;

б) металл, шиша, ички ўраш тўпламлари;

в) пўлат ва алюмин барабанлар, учлари металл бўлган спиралсимон буралган трубалар;

г) ташқи вентиляцияга эга флягалар, ажратилган металл вакуум идишлар;

д) фибр картондан, ёғочдан, металлдан, фанерадан, пластмассадан, полимерлардан тайёрланган идишлар ва қутилар.

100. Газларни ташишда жойлашнинг уйғунланган вариантлари қўлланилиши лозим.

101. Бир марта ишлатиладиган (қайта зарядланмайдиган) балонлар ташқи тара ва ўраш воситасида (қути ёки бўлинмали идишлар, оралик юмшоқ материалда жойлаштирилган, чўзиладиган матога ўралган ҳолда) ташилиши керак ва эксплуатацияга киритилгандан сўнг таъмирланмаслиги керак.

102. Газли балонлар горизонтал ҳолатда ҲҚнинг металл полига, бортларига ва бошқа конструктив элементларига тегмайдиган қилиб тахланиши керак.

103. Кўп марта ишлатиладиган (қайта зарядланадиган) баллонлар (криоген идишлардан ташқари) даврий равишда текширувдан ўтказилиши шарт.

104. Сиқилган, суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар ташиш учун фақат давлат стандартларига, техник шартларга, босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиш ва хавфсиз эксплуатация қилиш қоидаларига мос келадиган ва мазкур Қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган ўраш тўпламларида қабул қилинади.

105. Халқаро ташишларда балонлар ва бошқа газ ташишга мўлжалланган идишлар қабул қилувчи чет давлатнинг, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларига жавоб бериши ва бу ҳақда юк жўнатувчи ташувчига ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

106. Осон алангаланувчи газлар албатта қуйидаги қўшимча қоидаларга риоя этилган ҳолда ташилади:

а) баллон зарарланган ҳолларда юк бўлмасида газларни бутунлай чиқариб ташлай оладиган самарали вентиляция таъминланган бўлиши;

б) юк кабинаси билан экипаж кабинаси орасида герметик тўсиқ бўлиши;

в) баллонлар тахланаётганда хавфли вазият туғилгудай бўлса, зарарланган баллонни олиб ташлаш имконияти бўлиши;

г) баллонлар фақат бир қатор қилиб жойлаштирилиши шарт.

107. Тўлдирилган баллонлардан газ сизиб чиқаётган, баллоннинг ўзи ёки хизмат кўрсатиш жиҳозлари зарарланган, баллоннинг ўзи ёки хизмат кўрсатиш ускуналари белгиланган тартибда кўрикдан ўтказилмаган ва сертификатлашга, қайта синовлар ва тўлдирилганлигига оид талаб қилинадиган белги тушунарсиз бўлса, ташишга йўл қўйилмайди.

+

§ 4. 3-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

—

108. 3-синфга мансуб ОАСларни ҳаво транспортида ташишда қўлланиладиган ўраш тўпламлари тегишли давлат (тармоқ) стандартларининг ва техник шароитларнинг талабларига тўлиқ жавоб бериши керак. Ўраш тўпламлари эзилмаган, чизилмаган, ёрилмаган ёки уларга бошқа бир усулда зарар етмаган бўлиши керак. ОАС ҳатто арзимаган миқдорда оқиб чиқса ёки терласа ҳам ўраш тўпламини ХКга юклашга йўл қўйилмайди.

109. Жойлаш гуруҳлари алангалашини ҳисобга олган ҳолда уч гуруҳга бўлинади:

I гуруҳ — ёпиқ идишда ўт олиш ҳарорати 0°C , бошланғич қайнаш нуқтаси 35°C га тенг ёки ундан юқори;

II гуруҳ — ёпиқ идишда ўт олиш ҳарорати 23°C дан паст, бошланғич қайнаш нуқтаси 35°C дан юқори;

III гуруҳ — ёпиқ идишда ўт олиш ҳарорати 23°C га тенг ёки ундан юқори, ёки 60.5°C га тенг ёки ундан паст, бошланғич қайнаш нуқтаси 35°C дан юқори.

110. Оширилган ҳароратларда ташилгани учун ОАС сифатида таснифланадиган моддалар III жойлаш гуруҳига киритилади.

111. ОАСларни ташиш учун уларнинг физик-кимёвий хусусиятларига қараб қуйидаги ўраш тўпламлари қўлланилиши мумкин:

а) ички (шиша, металл, пластмасса, сопол, алюминийдан тайёрланган, герметик ёпиладиган шишалар, банкалар, ампулалар);

б) ташқи (алюминий, пўлат, фанера, фибрдан тайёрланган барабанлар, алюминий, пўлатдан тайёрланган канистралар, алюминий, пўлат, фанера, ёғоч, фибр картон, қаттиқ пластмассадан тайёрланган қутилар).

112. ОАСни тарага ХКга ортишдан камида 2-3 соат олдин солиш керак. Юклар бўлгандан кейин таранинг бутунлиги кўздан кечирилади, қайта кўздан кечириш эса парвознинг бошланишида амалга оширилади.

113. Ёнганида захарловчи газларни ажратувчи ОАСни ташиётган ХКнинг экипажи, ҳар бир экипаж аъзоси ва кузатиб борувчи шахсни бир тўплам изоляция қиладиган индивидуал ҳимоя воситаси билан таъминланган бўлиши керак.

114. Ўраманинг носозлиги, модданинг тўкилганлиги ёки сочилганлиги аниқланган тақдирда юк ўринларининг ташилишига йўл қўйилмайди.

§ 5. 4-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

115. 4-синфга мансуб моддаларни ташишда жойлашнинг уйғунлаштирилган вариантлари қўлланилади.

116. Жойлаш гуруҳлари синов натижаларига асосланиб берилади.

Осон ёниб кетиш хусусиятига эга қаттиқ моддаларга (металл кукунлардан ташқари) агар уларнинг ёниш вақти 45 сониядан кам бўлиб, алангаси намланган зонадан ўтиб тарқалса, II жойлаш гуруҳи берилиши керак.

Осон ёниб кетиш хусусиятига эга қаттиқ моддаларга (металл кукунлардан ташқари), агар уларнинг ёниш вақти 45 сониядан кам бўлиб, намланган жой аланга тарқалишига тўсиқ бўлса, III жойлаш гуруҳи берилиши керак.

Ишқаланиш натижасида ёнғин чиқариши мумкин бўлган қаттиқ моддаларга жойлаш гуруҳи мавжуд бўлган номларга ўхшашлигига қараб берилади.

117. I жойлаш гуруҳи барча суюқ ва қаттиқ пирофор моддаларга, яъни атроф муҳитнинг ҳароратларида сув билан шиддатли реакцияга киришиб газ ажратган ҳолда ўз-ўзидан ёниб кетувчи ёки атроф муҳитнинг ҳароратларида сув билан осон реакцияга киришиб осон алангаланиб кетадиган газ ажратувчи исталган моддага берилади.

II ва III жойлаш гуруҳларни ўз-ўзидан қизийдиган моддаларга, жумладан:

II жойлаш гуруҳи атроф муҳитнинг ҳароратларида сув билан осон реакцияга киришиб осон алангаланиб кетадиган газ ажратувчи исталган моддага;

III жойлаш гуруҳи атроф муҳитнинг ҳароратларида сув билан секин реакцияга киришиб осон алангаланиб кетадиган газ ажратувчи исталган моддага берилади.

118. Ташиш пайтида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўз-ўзидан реакцияга киришувчи моддалар эритувчи моддалар ёрдамида десенсибилизацияга йўлиқиши мумкин. Ўз-ўзидан реакцияга киришувчи моддалар тара ёки ўрамадан сизиб чиққан тақдирда, хавфли даражада концентрацияланишига кўмаклашувчи суюлтиргичлар қўлланилмаслиги керак. Қўлланиладиган суюлтиргич ўз-ўзидан реакцияга киришувчи моддага тўғри келадиган бўлиши керак.

119. Кўрсатиб ўтилган моддаларни ташиётган ХКнинг экипажи ва кузатиб борувчи шахс бир тўпламдан индивидуал ҳимоя воситаси билан таъминланиши лозим.

§ 6. 5-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

120. 5-синфга мансуб оксидловчи моддаларни ташишда ўраш тўпламларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

а) ички (сифими 0,5 л. бўлган шишадан, металлдан, пластмассадан, сополдан тайёрланган герметик ёпиладиган ампулалар, банкалар, шишалар, қоғоз ва пласт-

масса қоплар. Водороднинг пероксиди учун соф алюминийдан тайёрланган, полиэтилен юмшатмали резбали қалпоқчалар билан герметик ёпиладиган алюмин ба-лонлар қўлланилади);

б) ташки (фибрдан, алюминийдан, пластмассада, пўлатдан, фанерадан тайёрланган барабанлар, алюминийдан, пластмассада, пўлатдан тайёрланган канистра-лар, ёғочдан, пўлатдан, фанерадан, қаттиқ пластмассада, фибр картондан тайёрланган яшиқлар, пластмассада, қоғоздан тайёрланган қоплар, ичида пластмасса юмшатмаси бўлган фанерадан ва фибрдан тайёрланган барабанлар).

121. Оксидловчи моддаларни ва органик пероксидларни ташишда жойлашнинг уйғунлаштирилган қуйидаги вариантлари қўлланилади:

а) агар қаттиқ модда целлюлоза билан массаси бўйича 4:1 ёки 1:1 нисбатда, аралаштирилган ҳолда калий броматини целлюлоза билан массасига қараб 3:7 нисбатдаги қоришмасининг ўртача ёниш давомийлигига тенг ёки камроқ ўртача ёниш давомийлигига эга бўлса, у 5.1.-тоифага мансуб бўлади;

б) целлюлоза билан қоришмасининг модда намунаси ва целлюлозанинг масса бўйича 4:1 ёки 1:1 нисбатда, синов натижалари калий бромат ва целлюлозани массаси бўйича 3:2 нисбатдаги қоришмасининг ўртача ёниш давомийлигидан кам эканлигини кўрсатган исталган модда I жойлаш гуруҳига мансуб бўлади;

в) целлюлоза билан қоришмасининг модда намунаси ва целлюлозанинг масса бўйича 4:1 ёки 1:1 нисбатда, синов натижалари калий бромат ва целлюлозани массаси бўйича 2:3 нисбатдаги қоришмасининг ўртача ёниш давомийлигига тенг ёки ундан кам эканлигини кўрсатса, исталган модда II жойлаш гуруҳига мансуб бўлади, бунда I жойлаш гуруҳининг мезонларига риоя этилмайди;

г) целлюлоза билан қоришмасининг модда намунаси ва целлюлозанинг масса бўйича 4:1 ёки 1:1 нисбатда, синов натижалари калий бромат ва целлюлозани, массаси бўйича 3:7 нисбатдаги қоришмасининг ўртача ёниш давомийлигига тенг ёки ундан кам эканлигини кўрсатса, исталган модда III жойлаш гуруҳига мансуб бўлади, бунда I ва II жойлаш гуруҳларининг мезонларига риоя этилмайди;

д) суюқ модда целлюлоза билан массаси бўйича 1:1 нисбатда, аралаштирилган ҳолда азот кислотасининг сувдаги 65% эритмасининг целлюлоза билан массаси бўйича 1:1 нисбатдаги аралашмасига хос бўлган босим ошишининг ўртача вақтига тенг ёки ундан камроқ ўртача босим ошиш вақтига эга бўлса, у 5.1.-тоифага мансуб бўлади;

е) целлюлоза билан массаси бўйича 1:1 нисбатда, аралаштирилганда синов натижаларига кўра ўз-ўзидан ёниб кетадиган ёки бундай аралашма ёнганида ўртача босим ошишининг вақти 50% хлорид кислотаси ва целлюлозанинг массаси бўйича 1:1 нисбатдаги аралашмасига хос бўлганидан камроқ бўладиган исталган модда I жойлаш гуруҳига мансуб бўлади;

ж) целлюлоза билан массаси бўйича 1:1 нисбатда аралаштирилганда синов натижаларига кўра ўртача босим ошишининг вақти натрий хлоратнинг сувдаги 40% эритмаси ва целлюлозани массаси бўйича 1:1 нисбатдаги аралашмасига хос бўлган ўртача босим ошишининг вақтидан камроқ ёки унга тенг эканлигини кўрсатган исталган модда II жойлаш гуруҳига мансуб бўлади, бунда I жойлаш гуруҳининг мезонларига риоя этилмайди;

з) целлюлоза билан массаси бўйича 1:1 нисбатда аралаштирилганда синов натижаларига кўра ўртача босим ошишининг вақти азот кислотасининг сувдаги 65% эритмаси ва целлюлозани массаси бўйича 1:1 нисбатдаги аралашмасига хос бўлган ўртача босим ошишининг вақтидан камроқ ёки унга тенг эканлигини кўрсатган исталган модда III жойлаш гуруҳига мансуб бўлади, бунда I ва II жойлаш гуруҳларининг мезонларига риоя этилмайди.

122. Маълум органик пероксидларни ҳарорат бошқариладиган шароитлардагина ташиш керак. Баъзи органик пероксидлар портлаш шаклида парчаланади, айниқса улар ёпиқ жойда бўлганида, бу хусусиятлар уларга суюлтирувчи моддалар қўшиш ёки тегишли ўраш тўпламларидан фойдаланиш йўли билан ўзгартирилиши лозим.

123. Ташиш жараёнида ҳароратни бошқаришни талаб этадиган органик пероксидлар, агар уларга эркинлатиш тааллуқли бўлмаса, ҳавода ташиш ман этилади.

124. Ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш учун кўп ҳолларда органик пероксидлар қаттиқ ёки суюқ органик моддалар, қаттиқ анорганик моддалар ёки сув билан десенсибилизацияга йўлқотирилади. Десенсибилизация шундай бўлиши керакки, сизиб чиққан ёки ўт кетган ҳолда органик пероксиднинг хавфли концентрацияси ҳосил бўлмаслиги керак. Органик ва анорганик қаттиқ моддалар, агар улар ўзаро мос келсалар, десенсибилизация учун фойдаланилиши мумкин.

125. Хавфли заҳарли моддаларни ташиш икки қаватли герметик ўраш тўпламида амалга оширилади. Зарарланиш ёки сизиб чиқиш (сочилиш) аломатларига эга бўлган юк ўринларини ташишга йўл қўйилмайди.

126. Мазкур синфга мансуб моддаларнинг кўпчилигини фақат юк ХҚда ташишга рухсат этилади. Ташиш пайтида юк ўринларини вентилизациялаш ман этилади.

Ушбу моддаларни бошқа синфга мансуб моддалар билан бирга ташишга рухсат этилмайди.

§ 7. 6-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

127. 6-синфга мансуб заҳарловчи ва инфекцион моддаларни уларни энг қисқа вақт ичида етказилишини таъминлайдиган йўналишлар бўйича ташиш керак. Бундай моддалар ортиқча юк билан ташилаётганда уларга алоҳида ишлов берилиши лозим.

128. Заҳарловчи ва инфекцион моддаларни ташиш учун ўраш тўпламларининг қуйидаги турлари ишлатилиши мумкин:

а) ички (шишадан, металлдан, пластмассада, сополдан тайёрланган ампулалар, шишалар, банкалар, баллонлар);

б) ташқи (алюминдан, пластмассада, пўлатдан, фанердан, фибрдан тайёрланган барабанлар, алюминдан, пластмассада, пўлатдан тайёрланган канистрлар, алюминдан, қаттиқ пластмассада, пўлатдан, фанердан, фибр картондан, ёғочдан тайёрланган қутилар).

129. Заҳарловчи ва инфекцион моддаларни ташиш учун жойлашнинг уйғунлаштирилган вариантлари қўлланилади.

130. 6-синфнинг 1-тоифасидаги моддалар (пестицидлардан ташқари) ҳаво орқали ташилаётганда заҳарлаш хавфининг даражасига қараб, учта жойлаш гуруҳига бўлинади:

I жойлаш гуруҳи — заҳарлаш хавфининг даражаси ўта юқори бўлган моддалар ва препаратлар;

II жойлаш гуруҳи — заҳарлаш хавфининг даражаси юқори бўлган моддалар ва препаратлар;

III жойлаш гуруҳи — заҳарлаш хавфининг даражаси нисбатан паст бўлган моддалар ва препаратлар.

131. Барча суюқ заҳарловчи қаттиқ таъсир қиладиган моддалар ҳавода ташиш учун фақат икки қаватли герметик таранинг ичидагина қабул қилиниши мумкин.

132. Жуда кучли заҳарловчи буғларни ажратиш хусусиятига эга бўлган модда-

лар икки қаватли, герметик ёпиладиган ўраш тўпламларига сингдирувчи материаллар билан жойланган бўлиши шарт. Ишқаланиб зичланган қопқоққа эга шиша ёки бошқа тара ишлатилганда, қопқоқлар тарага пасайтирилган барометрик босим шароитларида буғларнинг босимига бардош бера оладиган махсус мосламалар (қисқичлар) ёки сим тўқималари ёрдамида қотирилади.

133. Кучли захарловчи моддаларни ҳаво транспортида ташиш шахсий ва жамоат хавфсизлиги чораларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак. Бунда юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан тайинланган, уни қўриқланишига жавоб берадиган, шунингдек зарарсизлантириш ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини биладиган кузатиб боровчи шахснинг иштирок этиши шарт.

134. Инфекцион моддаларини ўз ичига олган ташқи ўраш тўпламида совутиш, музлатиш ёки сингдирувчи материаллар бўлиши мумкин.

135. 6-синфдаги хавфли юкларнинг жўнатувчилари ўрамаларнинг белгиланган аэропортга яхши ҳолатда етиб келиб, ташиш вақтида ҳеч қандай хавф туғдирмаслигини таъминлашлари лозим.

136. Мазкур синфга мансуб моддаларни ташиш фақат ХК экипажининг хонаси билан ХКнинг юкхонаси орасида герметик тўсиқ ва самарали ишлайдиган вентиляциялаш тизими бўлган юк ХҚда амалга оширилиши мумкин.

§ 8. 7-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

137. 7-синфга мансуб радиоактив материалларни ташиш ушбу материалларни тўқислигини ва етказиб бориш хавфсизлигини таъминлайдиган ўраш тўпламларида амалга оширилади. Бундай ўраш тўплами ташиш пайтида уни тегишли равишда ХҚга қотириб қўйиш имкониятига эга бўлиши лозим.

138. Ўрамадаги радиоактив материалларнинг миқдори мазкур турдаги ўрамалар учун белгиланган тегишли чегаралардан ошмаслиги керак. Активлик чегаралари ва радиоактив материаллар бўйича чекланишлар қўлланиладиган ўрама турлари қуйидагилардир:

- эркин ўрама;
- 1-турдаги саноат ўрамаси;
- 2-турдаги саноат ўрамаси;
- 3-турдаги саноат ўрамаси;
- А-турдаги ўрама;
- В-турдаги ўрама;
- С-турдаги ўрама.

139. Радиоактив материалларни ХҚларида ташиш тўғридан-тўғри қатновлар ёки оралик аэропортларда камроқ қўниб-учишлари бор йўналишларда амалга оширилади. Тўғридан-тўғри қатнов бўлмаган ҳолларда радиоактив материалларни трансфер (оралик аэропортида қатновдан қатновга кўчириб юклаш) орқали ташишга рухсат этилади. Бундай ташиш трансфер аэропортида ташиш радиация хавфсизлигининг барча талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин бўлган қатнов жадвали бўйича амалга оширилиши мумкин. Трансфер аэропорти бундай радиация ўрамаларни манзил аэропортига навбатдан ташқари энг яқин қатнов билан жўнатиши шарт.

140. Ташиш учун массаси 90 кг дан оғир бўлган бир ёки бир нечта ўрама тақдим этилганда, юк жўнатувчи томонидан учиш, қўниш ва парвоз давомидаги эҳтимолли чайқалиш пайтида силжишлар ва зарбаларни йўқ қилиш учун керакли қотириш

материаллари тақдим этилиши лозим. Бу материалларнинг мустаҳкамлиги ХҚ шас-силари йиғилган ҳолда қўнса ҳам, ўраманинг ўрнатилган жойидан силжиб кетиши эҳтимолини йўқ қилиши керак.

141. Радиоактив материал ХҚга юклангандан сўнг, юкни жўнатувчи тиббий хизмат вакилининг иштирокида нурланишнинг қувватини ўлчаб кўриши керак. Нурланиш қуввати рухсат этилганидан юқори бўлса, ўрамаларнинг бир қисми ХҚдан туширилади. Агар ХҚнинг нурланиш қуввати белгиланган меъёрдан ошса, парвозга чиқиш ман этилади.

142. Ҳар бир ўраманинг ташқи сирти қайд қилиб бўлмайдиган радиоактив ифлосланиши мумкин бўлган энг паст даражада тутиб турилиши керак.

143. Алоҳида олинган саноат ўрамасидаги паст нисбий хавфлиликка эга бўлган материалларнинг юзаси, ифлосланган объектларнинг миқдорининг чекланиши химояланмаган моддадан 3 м. масофада нурланишнинг ташқи даражаси 10 м³В/с дан ошмаслиги лозим.

144. Ўрамадаги радиоактив материалларнинг миқдори шу турдаги ўрамалар учун белгиланган тегишли чегаралардан ошмаслиги керак.

Ўрамада радиоактив материаллардан фойдаланиш учун керак бўлган буюмлар ва ҳужжатлардан ташқари бошқа жисмлар бўлмаслиги керак. Бу талаб паст нисбий фаолликка эга бўлган материалларни ва юзаси Радиоактив ифлосланган объектларни бошқа буюмлар билан бирга ташилишига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Бундай буюмлар ва ҳужжатларнинг бошқа буюмлар билан бир ўрамада ташилишига уларнинг ўрама ёки унинг ичидаги радиоактив буюмлар билан, ўрамага хавф туғдириши мумкин бўлган, ўзаро таъсири бўлмаган тақдирдагина рухсат этилади.

145. Илгари радиоактив материалларни ўз ичига олган бўш ўраш тўплами ташилаётганда, улар яхши ҳолатда бўлиб, маҳкам ёпилган бўлиши керак. Тузилишида уран ёки торий бўлган ҳар қандай қисмнинг сирти металл ёки бошқа мустаҳкам материалдан тайёрланган нофаол қобиқ билан химояланган бўлиб, чизилган хавфлилик белгилари ўчириб ташланган бўлиши керак.

146. Ҳар бир ташқи ўрамага ёки юк контейнери учун транспорт индекси ичидаги ўрамаларнинг йиғиндиси сифатида ёки нурланиш даражасини тўғридан-тўғри ўлчаш орқали аниқланиши керак, транспорт индекси фақатгина ичидаги ўрамаларни транспорт индексларининг йиғиндиси сифатида аниқланадиган юмшоқ ўрамалар бундан мустасно.

147. Ҳар бир ташқи ўрама ва ташқи юкни пакетлаш воситаси учун жиддийлиги бўйича хавфсизлик индекси уларни ичидаги ўрамаларнинг йиғиндиси сифатида аниқланиши керак. Ҳар бир юк партияси ёки ХҚ бортидаги жами юк учун тўлиқ йиғиндини топишда худди шундай жараён қўлланилиши керак.

148. Истисно тариқасида фойдаланиш шароитларида ташилаётган юклардан ташқари, ҳар бир ўраманинг ёки ташқи ўраманинг транспорт индекси ўндан, ҳар бир ўраманинг хавфсизлик индекси эса элликдан ошмаслиги керак.

149. Радиоактив материали нурланмаган табиий уран ёки торий бўлган саноат буюми, агар уран ёки торийнинг сиртқи юзаси металлдан ёки бошқа мустаҳкам материалдан тайёрланган қобиқ билан ёпилган бўлса, бўшатиш тара ва ўрама сифатида ташилиши мумкин. Бунда, радиоактив материалларни ўз ичига олган ўрамалар ХҚда вертикал ҳолатда ўрнатилади.

150. Радиоактив материалларни қабул қилиш/топшириш ва юклаш/тушириш билан боғлиқ ходимлар олаётган нурланиш миқдорларининг қатъий назоратини таъминлаш мақсадида ташувчи ёки унинг ваколатли агенти аэропортда радиация назорат учун масъул шахсларни тайинлашлари, аэропортлардаги омборхоналарнинг

радиоактив материалларни қабул қилиш/топшириш, юклаш/тушириш ва сақлаш билан боғлиқ доимий ходимлар таркибининг тўлиқлигини ҳамда бу ходимларни камида олти ойда бир марта тайёрловдан ўтишини ва уларни дозиметрик назорат асбоблари билан таъминлаши лозим.

151. Радиометрик ўлчашларни ўтказишнинг даврийлиги ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти томонидан бундай ташишларнинг ҳажми ва даврийлигидан келиб чикиб белгиланади.

§ 9. 8-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

152. 8-синфга мансуб коррозияловчи моддаларни ташиш учун қуйидаги ўраш тўпламлари қўлланилади:

ички (шишадан тайёрланган ампулалар, банкалар, металлдан, пластмассада, сополдан тайёрланган идишлар, қоғоз қоплар, алюминийдан, пластмасса матодан ва плёнкадан тайёрланган, қоғоздан, пластмассада, алюминийдан тайёрланган);

ташқи (алюминийдан, пластмассада, пўлатдан, фанерадан, фибрдан тайёрланган барабанлар, алюминийдан, пластмассада, пўлатдан тайёрланган канистралар, алюминийдан, қаттиқ пластмассада, пўлатдан, фанерадан, ёғочдан, фибр картондан тайёрланган қутилар).

153. Коррозияловчи моддаларни ташиш учун жойлашнинг уйғунланган вариантлари қўлланилади.

154. 8-синфдаги моддалар ва препаратларни ташиш уларнинг хавфлилик даражасига қараб қуйидаги жойлаш гуруҳларига мансубдир:

а) I жойлаш гуруҳи — уч дақиқагача давом этган таъсир тугагандан сўнг олтмиш дақиқагача бўлган кузатиш даврида тери тўқимасини бутунлай емирилиб кетишини чақирадиган жуда хавфли моддалар ва препаратлар;

б) II жойлаш гуруҳи — уч дақиқадан ортиқ, аммо олтмиш дақиқадан кам давом этган таъсир тугагандан сўнг 14 суткагача бўлган кузатиш даврида тери тўқимасини бутунлай емирилиб кетишини чақирадиган хавфлиликнинг ўртача даражасига хос бўлган моддалар ва препаратлар;

в) III жойлаш гуруҳи — олтмиш дақиқадан ортиқ, аммо 4 соатдан кам давом этган таъсир тугагандан сўнг 14 суткагача бўлган кузатиш даврида тери тўқимасининг бутунлай емирилиб кетишини чақирадиган сезиларли хавф туғдирмайдиган моддалар ва препаратлар.

155. Мазкур синфга мансуб моддаларни ташиш учун, шунингдек сифими 100 литрдан ошмайдиган, герметик бекиладиган, полиэтилендан, металлдан тайёрланган бочкалар ва барабанлар, алюминийдан, зангламас пўлатдан тайёрланган резервуарлар ҳам қўлланилади.

156. Ичида ўювчи ва коррозияловчи суюқликлари бўлган юк ўринларини бошқа юкларнинг, айниқса органик келиб чиқишга эга юкларнинг устига қўйиш ман этилади.

§ 10. 9-синфга мансуб хавфли юкларни ўраш тўпламларининг ва ташиш шароитларининг хусусиятлари

157. 9-синфга мансуб моддалар хоссаларининг, хусусиятларининг ва хавфлилик даражасининг хилма-хиллиги бир хил турдаги ўрамаларни қўллаш имконини бермайди.

158. Ўзгача хавфли юклар бошқа хавфли юклар билан ташилиши мумкин, ўз хусусиятларига кўра мазкур моддалар билан ўзаро таъсирга киришганда хавф келтириб чиқарадиган моддалар бундан мустасно.

159. 9-синфга мансуб моддаларни ташиш учун қуйидаги ўраш тўпламлари қўлланилади:

ички (шишадан, металлдан, пластмассада, сополдан тайёрланган ампулалар ва идишлар, қоғоз қоплар, алюминийдан, пластмасса матодан ва плёнкадан тайёрланган, қоғоздан, пластмассада, алюминийдан тайёрланган);

ташқи (алюминийдан, пластмассада, пўлатдан, фанерадан, фибрдан тайёрланган барабанлар, алюминийдан, пластмассада, пўлатдан тайёрланган канистралар, алюминийдан, қаттиқ пластмассада, пўлатдан, фанерадан, ёғочдан, фибр картондан тайёрланган қутилар).

Бундай моддалар учун жойлашнинг уйғунланган вариантлари қўлланилади.

160. Мазкур синфдаги хавфли юкларни ташишдан олдин тақдим этилган хавфли юкнинг ўраш тўпламининг фойдаланилиши Конвенция ҳамда мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ синовдан ўтказилганлигига ишонч ҳосил қилиниши керак.

VI. Ўраш тўпламларини синаш

161. Хавфли юклар ва буюмларни ташишга мўлжалланган ҳар бир турдаги ўраш тўплами тегишли синовлардан муваффақиятли ўтиши ва мос келадиган синов даражасининг талабларига жавоб бериши керак.

162. Ўраш тўпламларининг тузилиши, материали ёки тайёрлаш технологиясининг ҳар бир ўзгартирилиши синовларнинг такрор ўтказилишини талаб қилади.

163. Ўраш тўпламлари эркин қулашга, герметиклигига, ички босимга, тахлашга ва статистик оғирликларга синалади.

Синовларни баҳолашнинг усуллари ва мезонлари меъёрий-техник ҳужжатлар билан белгиланади.

164. Ўрама эркин қулашга синалганда ташлаб юборишлар учун (деворларга қулашлардан ташқари) оғирлик маркази вертикал чизиқ бўйича зарба тушадиган нуқтанинг устида жойлашган бўлиши керак. Бундай ҳолда, ташлаб юборилганда ўраш тўплами турлича ориентацияланиши мумкин бўлса, унинг зарарланиш эҳтимоли энг катта бўлган ориентацияни қўллаш керак.

165. Ўрамани герметикликка синаш суюқликларни тутишга мўлжалланган барча турдаги ўрама тўпламларида ўтказилиши керак. Бунда ўраш тўпламлари, жумладан уларнинг бекитиш мосламалари ҳам, ички ҳаво босими ошириб борилган ҳолда сувнинг остида 5 дақиқа давомида тутиб турилиши керак.

166. Ўрамани ички босимга синаш суюқликларни тутишга мўлжалланган, металлдан, пластмассада тайёрланган барча турдош тузилишдаги ўраш тўпламларида ўтказилиши керак. Бунда металлдан тайёрланган ўраш тўпламлари, жумладан уларнинг бекитиш мосламалари ҳам 5 дақиқа давомида босим билан синалиши керак. Пластмассада тайёрланган ўрамалар ва таралар, жумладан уларнинг бекитиш мосламалари ҳам 30 дақиқа давомида босим билан синалиши керак.

167. Ўрама статистик оғирликка синалаётган намунанинг устки қисмига ташиш пайтида тахланиши мумкин бўлган юк ўринларининг умумий вазнига тўғри келадиган оғирлик берилиши керак. Тахламнинг минимал баландлиги синалаётган намунанинг баландлигини қўшиб ҳисоблаганда уч метрни ташкил этиши керак. Синаш 24 соат давом этади. Суюқликларга мўлжалланган пластмассада тайёрланган ба-

рабанлар ва канистралар 40⁰ Сдан кам бўлмаган ҳароратда 28 кун давомида статистик синалиши керак. Эҳтиёт ўраш тўпламлари мазкур талабларга мос равишда синовдан ўтказилади.

168. Бирорта ҳам ўраш тўпламидан суюқлик сизиб чиқмаслиги керак.

169. Синовлар ташиш учун тайёрланган ўраш тўпламларида, шу жумладан уйғунлаштирилган жойлаш вариантларида ишлатиладиган ички ўраш тўпламларида ҳам ўтказилади. Уйғунлаштирилган жойлаш вариантларидан фойдаланилганда, суюқ ва қаттиқ моддаларни ташишга мўлжалланган ички ўраш тўпламлари учун ҳам суюқликлар, ҳам қаттиқ моддалар бўйича алоҳида-алоҳида синовлар ўтказилади.

170. Ички ҳажмли ўраш тўпламлари, агар бу синов натижалари салбий таъсир кўрсатмаса ташқи ўраш тўпламисиз синалиши мумкин. Бундай синов уйғунлаштирилган ўраш тўпламларининг ички ўраш тўпламлари учун талаб қилинмайди.

171. Кўп марта фойдаланиладиган янги, замонавийлаштирилган ва қайта тикланган ўраш тўпламларининг синовлари мазкур Қоидалар талабларига мос равишда амалга оширилади. Бирор-бир ўраш тўпламида мустаҳкамлиги тасдиқланган намунавий тузилишга нисбатан камайганлигининг белгилари мавжуд бўлса, ундан қайта фойдаланиш тақиқланади. Бундай ўраш тўплами намунавий тузилишнинг синовига бардош бера оладиган қилиб қайта тикланиши керак.

VII. Маркалаш белгиларини қўйиш

172. Хавфли юки бўлган ҳар бир алоҳида юк ўрнига жўнатувчи томонидан махсус транспорт маркалаш ва хавфлилик белгилари қўйилади.

173. Маркалаш белгиларида қуйидагилар бўлиши керак:

а) жўнатилаётган ва манзил аэропортлари, юк жўнатувчининг ва юкни қабул қилувчининг номлари ва уларнинг почта манзиллари;

б) хавфли юкнинг аниқ жўнатиш номи, Рўйхат бўйича тартиб ва синф рақамлари;

в) юк жўнатишдаги ўринлар сони ва ўриннинг партиядаги тартиб рақами;

г) жўнатиш аэропорти юк хатининг рақами, жўнатиш аэропортининг кодланган номи ва мазкур юк жўнатишдаги ўринлар сони кўрсатилган ёзуви;

д) юк ўрнининг килограммда кўрсатилган нетто ва брутто массалари, сантиметрда кўрсатилган габарит ўлчамлари, куб метрларда кўрсатилган ҳажми;

е) юк билан муомала қилиш усуллари кўрсатувчи манипуляцион тасвирий белгилар ва юкка эҳтиёткорлик билан муомала қилишга чақирувчи ёзувлар ёки ёрлиқчалар;

ж) ташилаётган юкларни хавфлилик синфи ёки даражаси ҳақида огоҳлантирувчи хавфлилик белгилари.

Барча синфдаги хавфли юклар махсус маркалаш, шунингдек транспорт маркалаш белгиларисиз ҳаво транспортида ташилишига йўл қўйилмайди.

174. Барча белгиларни исталган об-ҳаво шароитлари уларнинг аҳволига сезиларли таъсир ўтказмайдиган қилиб қўйиш лозим. Ҳар бир хавфлилик белгисининг узлуксиз ёки нуқталардан иборат чизик билан белгиланган ташқи чегараси бўлиши керак.

175. Барча маркалаш белгилари ўраш тўпламларига қўйишда ўраш тўпламининг ёки унинг қўшимчасининг бирор-бир қисми, ёки исталган бошқа маркалаш белгилари уни ёпиб қўймаслиги ёки унга соя ташламаслиги лозим.

176. Ўрамадаги барча маркалаш ёзувлари:

а) ўчиб кетмайдиган, ўраманинг ташки сиртида босма ёки бошқа усулда ёзилган ёки унга қотирилган бўлиши;

б) аниқ кўринадиган, тушунарли бўлиши;

в) исталган об-ҳаво шароитларининг таъсирига ўзларининг сифатини сезиларли даражада ўзгартирмасдан бардош бериши;

г) кескин фарқ қиладиган рангли фонга қўйилган бўлиши;

д) ўрамадаги ўз функцияларини бажаришини сезиларли даражада ўзгартириб юбориши мумкин бўлган бошқа маркалаш ёзувларининг ёнида қўйилмаслиги керак.

177. Агар ўрама ностандарт шаклда бўлса ва хавфлилик белгисининг унинг устига қўйишнинг имкони бўлмаса, белгини ўрамага мустаҳкам ёрлик ёрдамида қотиришга рухсат этилади.

178. Ичида суюқ хавфли юки бўлган юк ўринларига юк ўрнини қай йўсинда жойлаштиришни кўрсатиш мақсадидан ўзгача мақсадда кўрсаткичлар қўйилмайди.

179. Маркалаш белгилари жойланмаган буюмларни ҳар бирининг ўзига, унинг таянчига ёки уни ортиш/тушириш, сақлаш ёхуд ишлатиш мосламасига қўйилади.

180. Қаттиқ моддаларга нисбатан, агар қаттиқ моддалар ҳаво транспортида ташиш учун эритилган ҳолда тақдим этилаётган бўлса, хавфли юкларни ташиш ҳужжатида кўрсатилган тегишли юклаш номининг ёнига «эритилган» сўзи қўшиб қўйилади.

181. Юк ўринларига маркалаш белгилари тамға, типографик ёки бошқа бирор усулда қўйилиб уларнинг етарли даражада ўзгармаслиги таъминланади.

182. Номлари аниқ кўрсатилмаган ва умумий номларга киритилган моддалар ва буюмлар учун аниқ номга эга бўлган ҳамда жойларда хавфли юклар билан бирга бўлиши керак бўлган хавфлилик белгилари Рўйхатда кўрсатилган.

183. 8-синфга мансуб моддаларни ўз ичига олувчи юк ўринлари, агар моддаларнинг захарловчанлиги матоларга ўювчи таъсир ўтказиши билангина боғлиқ бўлса, 6.1.-тоифасининг қўшимча хавфлилик белгисига эга бўлмаслиги керак.

184. 4.2.-тоифага мансуб моддалар, агар улар осон алангаланадиган қаттиқ моддалар бўлса, 4.1.-тоифасининг қўшимча хавфлилик белгисига эга бўлмасликлари керак.

185. 8-синф, I ёки II жойлаш гуруҳларининг мезонларига жавоб берадиган органик пероксидларни тутувчи ўрамалар коррозиянинг қўшимча хавфи ҳақидаги белги билан таъминланган бўлиши керак. Кўпгина суюқ органик пероксидлар осон алангаланувчи, лекин алангаланишнинг қўшимча белгиси талаб этилмайдиган моддadir, чунки органик пероксиднинг белгиси мазкур маҳсулот алангаланиши мумкинлигини назарда тутати.

186. Инфекцион моддалари бўлган ўрамаларда асосий хавф белгисига қўшимча сифатида ичидагининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда лозим бўлган бошқа барча хавф белгилари қўйилган бўлиши керак.

187. Ичида радиоактив материаллари бўлган ва қўшимча хавф турлари билан таснифланадиган ўрамалар, ушбу характеристикалар кўрсатилган хавф белгиларига эга бўлиши керак. Катта юк контейнерларидан ташқари, радиоактив материалларга эга ҳар бир ўрама, ҳар бир ташқи ўрама, ҳар бир юк контейнери мазкур ўрама, ташқи ўрама ёки юк контейнерининг тоифасига мувофиқ, камида иккита белгига эга бўлиши керак. Белгилар ўраманинг иккита ташқи қарама-қарши сиртларига маҳкамланиши керак. Радиоактив материал тутувчи ҳар бир ташқи ўраш тўплами ўрамани ташқи сиртининг қарама-қарши томонларида қўйилган камида иккита белгига эга бўлиши керак. Ичидагига тааллуқли бўлмаган ҳар қандай белгилар йўқ қилинади.

188. Хавф белгилари қайрилмаслиги керак. Цилиндр шаклидаги ўрамалар шундай ўлчамларга эга бўлиши керакки, хавф белгиларининг четлари бир-бирининг ортига ўтмаслиги керак. Иккита ўхшаш хавф белгиси бўлиши талаб этиладиган радиоактив материалли цилиндр шаклидаги ўрамаларда бу хавф белгилари ўраманинг ўрта қисмида бир-бирига диаметрал қарама-қарши томонларда бир-бирини ёпмаган ҳолда қўйилади. Агар ўраманинг ўлчамлари иккита бир-бирига ўхшаш хавф белгисини бир-бирини четларини ёпмасдан қўйишни имконини бермаса, агар унинг четлари бир-бирини ёпмаса битта хавф белгисини қўйишга рухсат этилади.

189. 9-синфга мансуб магнитланган материалларни ўз ичига олган ўрамалар ёки юк жўнатмалари «магнитланган материал» белгисига эга бўлишлари лозим. Бундай ўрамаларда ёки юк жўнатмаларида ўзгача хавфли юклар учун мўлжалланган белгининг бўлиши шарт эмас.

190. Эркинлаштирилган ўрамалардан ташқари ўрамалар ташиладиган катта юк контейнерлари ва резервуарлари тўртта плакатга эга бўлиши керак. Плакатлар катта юк контейнери ёки резервуарнинг ҳар битта ён томони ҳамда олд ва орқа деворларида вертикал ҳолда қотирилган бўлиши керак. Ичидагига тааллуқли бўлмаган ҳар қандай плакатлар ва белгилар ечиб олиниши керак. Белгилар ва плакатларни параллел равишда қўллашнинг ўрнига, бунга муқобил тариқасида, фақат катталаштирилган белгиларни қўллаш рухсат этилади.

191. Ичида хавфли юклар бўлган ва хавфлилик синфи кўрсатилган белги билан таъминланиши керак бўлган ҳар бир юкларни пакетлаштириш воситасининг ичида, унинг ташқи сиртида мазкур юкларни пакетлаштириш воситасида хавфли юклар борлиги аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бундай кўрсатиш юкларни пакетлаш воситасига икки томондан чегаралари билиниб турадиган қизил рангли чизиқлар билан белгиланган танитадиган ёрлиқ қистириш йўли билан таъминланиши керак. Бу ёрлиқда мазкур хавфли юкларнинг синфлари ва хавфлилик тоифалари аниқ кўрсатилади.

192. Агар юкларни пакетлаштириш воситасининг ичида «Фақат юк ХҚда» белгиси бўлган юк ўринлари бўлса, белги кўриниб туриши ёки ёрлиқда мазкур юкларни пакетлаштириш воситасини фақатгина юк ХҚга юклаш мумкин эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиши керак. Бу ёрлиқ юкларни пакетлаштириш воситасидан хавфли юк тушириб олингандан кейин дарҳол олиб ташланиши керак.

193. Эркин миқдордаги хавфли юклари бўлган ҳар бир юк ўрни турғун ва билиниб турадиган маркалаш белгисига ва юк жўнатувчининг исми-шарифи ва отасининг исми кўрсатилган ёзувга эга бўлиши шарт.

194. Хавфли юкларнинг чекланган миқдорда тутувчи ўрамаларга тегишли маркалаш белгиси қўйилади.

Хавфли юкларни ташиш халқаро қатновларда амалга оширилганда маркалаш ёзувлари, шунингдек, инглиз тилида ҳам бўлиши керак.

VIII. Юк жўнатувчининг мажбуриятлари

195. Юк жўнатувчи ХҚда қўлланиладиган барча қоидаларнинг риоя этилиши учун жавобгардир.

196. Бирор-бир хавфли юки бўлган юк ўрнини ёки ташқи ўрамани ҳаво транспортида ташиш учун тақдим этишдан олдин юк жўнатувчи қуйидагиларни бажариши лозим:

а) буюмлар ва моддаларнинг ҳаво транспорти орқали ташиш ман этилмаганлигини аниқлаши;

б) юклар тегишли равишда таснифланган, маркалаш белгилари билан таъминланган ва мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ равишда расмийлаштириши;

в) хавфли юклар ҳаво транспортида қўлланиладиган барча талабларга, шу жумладан ички ўраш тўпламларига ва бир юк ўрнидаги максимал сонини чеклашга нисбатан, жойлаш бўйича йўриқномаларга мувофиқ ўраш тўпламларининг тегишли турларига нисбатан, ички ва ташқи ўраш тўпламларини беркитишнинг тегишли тартибларига нисбатан, жойлаш бўйича конкрет йўриқномалардаги сингдирувчи материалга нисбатан, жойлаш бўйича алоҳида талабларда кўрсатилган мос келиш-ликка ва босим ошиши\тушишига нисбатан қўйиладиган жойлаштириши;

г) хавфли юкларни ташиш ҳужжатини тегишли равишда расмийлаштириши ва декларацияни имзолаши;

д) ташқи ўрама «Фақат юк ХҚда» белгиси бўлган юк ўринлари учун ишлатилганлигига ишонч ҳосил қилиши (юк ўринлари уларни олдига бориш ва текшириш-ни қулайлигини таъминлайдиган қилиб гуруҳланган бўлса, шунингдек ичида қўшимча хавфи билан таърифланмайдиган 3-синф, III жойлаш гуруҳига мансуб бўлган, за-харловчи ва инфекцион моддалари, радиоактив материаллари ва 9-синфга мансуб бошқа хавфли юклар бўлган юк ўринларининг олдига бориш шароитининг мав-жудлиги талаб этилмаса);

е) ташқи ўраманинг ичида алоҳида жойлаштиришни талаб этадиган хавфли юклар бўлган юк ўринлари йўқлигига ишонч ҳосил қилиши;

ж) ички юк ўринларидаги тегишли жўнатиш номлари, Рўйхат бўйича рақам-лар, «миқдори чекланган» ёзуви, хавфлилик белгилари ва ишлов бериш бўйича махсус йўриқномалари ташқи ўраманинг сиртида яхши кўриниб турганлигига ишонч ҳосил қилиши;

з) ташқи ўрамадаги маркалаш белгилари ичидаги юк ўринларига мазкур Қои-далар қўядиган талабларга мувофиқ кўрсатиши;

и) хавфли юклар, радиоактив материаллардан ташқари, бирор-бир юк пакет-лаш воситасининг ичида бўлмаслиги;

к) юк ўрни ёки ташқи ўрама қайта ишлатилишидан олдин ундаги барча хавф-ли юкларнинг керак бўлмаган маркалаш белгиларини олиб ёки ўчириб ташлаши;

л) ташқи ўраманинг ичидаги ҳар бир юк ўрни тегишли равишда жойланганли-гига, маркалаш белгилари қўйилганлигига, хавфлилик белгилари билан таъминлан-ган ва ўрами бутунлиги — бузилганлигининг бирор-бир белгиси йўқлигига ҳамда мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тегишли равишда тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилиши.

197. Алоҳида турдаги радиоактив моддалар, сочилиш қобиляти паст бўлган радиоактив моддалар, 0,1 кг ёки ундан ортиқ уран гектофториди солинган ўрама-лар, бўлинувчи материал солинган барча ўрамалар, В(U), В(M) ва С турдаги ўра-малар, ташишнинг махсус шароитларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатланган бўлиши лозим.

198. Юк жўнатувчи ҳар бир қўлланиладиган сертификатнинг нусхасига ва та-шишдан олдин юк жўнатувчида ўрамани тегишли равишда бекитиш ва ташишга тайёрлашга доир бошқа чора-тадбирлар бўйича йўриқноманинг нусхасига эга бўли-ши керак.

199. Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташишни таклиф қилаётган юк жўна-тувчи жўнатилаётган хавфли юк ҳақида тўлиқ маълумот ёзилган мазкур Қоидалар-нинг 2-иловасида келтирилган хавфли юк жўнатувчининг декларациясини (кейинги ўринларда матнда декларация деб юритилади) тузади, имзолайди ва эксплуатантга ёки ташувчига беради.

200. Декларацияда тақдим этилаётган хавфли юкларнинг техник номи, Рўйхат бўйича рақами, синфи ва тоифаси, ўринлар сони, массаси (нетто, брутто), манзил аэропорти, ҳаво транспортида ташиш шароитлари, эҳтиёткорлик чоралари ва чеклашлар, жумладан тавсия этиладиган ўт ўчириш воситалари, кузатиб борувчи шахсларнинг хавфли юкларни ташиш қоидалари билан таништирилганлиги ҳақида, ўрама ва маркалаш ҳақида маълумотлар аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

201. Юк жўнатувчи фойдаланилётган ўраш комплектларининг хавфли юкларга мос келишини таъминлаш бўйича барча керакли чоралар кўрилишини кафолатлайди.

IX. Эксплуатант ва ташувчининг мажбуриятлари

§ 1. Хавфли юкларни ташиш учун қабул қилиш

202. Хавфли юклар ХҚда ташиш учун жўнатувчи ташкилотлар ва фуқаролардан уларни манзилларига етказиш учун қабул қилинади.

Хавфли юкларни ташиш учун қабул қилиш ташувчи ёки унинг агенти томонидан амалга оширилади.

203. Ташиш учун Рўйхатда кўрсатилган хавфли юклар, агар уларнинг ўрамаси, маркалаш белгиси, шунингдек ташиш ҳужжатлари Конвенция ҳамда мазкур Қоидаларда баён қилинган талабларга мос келса қабул қилинади.

204. Ҳаво транспортида бир ўраманинг массаси (нетто) Рўйхатда кўрсатилган массададан ошмайдиган хавфли юкларни ташишга рухсат этилади.

205. Биргаликда ташиш рухсат этилмайдиган хавфли юкларни битта ХҚда ташиш қатъиян ман этилади.

206. Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш уларни энг қисқа муддатларда етказилишини таъминлайдиган йўналиш бўйича бажарилиши керак.

207. Юк жўнатувчи юкларнинг ёнига қўшиб унинг хавфлилиқ турига, ўрамасига ва массасига қараб ХҚ ва жўнатиш аэропортининг штат бўйича жиҳозлар тўпламига киритилмаган хавфсиз ташиш, юклаш, қотириш ва тушириш материаллари, жиҳозлари ва мосламаларни, шу жумладан индивидуал ҳимоя воситалари билан таъминлаши шарт.

208. Юкларни қабул қилиш ва авиаташишларни сотиш пунктларида ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти кўринарли жойларда хавфли юкларни ташиш ҳақидаги маълумотлар ёзилган билдиришларни етарли миқдорда жойлаштирилишини таъминлайди.

209. Хавфли юклар ташиш учун хавфли юкларни жўнатувчининг декларациясига асосан қабул қилинади.

210. Хавфли юклар ташиш учун тақдим этилаётганда ташувчи ёки унинг ваколатли агенти декларация тўғри тўлдирилганлигини текширади.

211. Декларацияни имзолаган шахс юкни тайёрлаш бўйича бутун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

212. Декларация икки нусхада расмийлаштирилади, улардан бири юк билан бирга манзил пунктига етказилади, бошқаси эса аэропортнинг юк хизматида — жўнатиш пунктида қолади.

213. Хавфли юкларнинг ҳар бир жўнатмасига ёки хавфли юкнинг алоҳида ўрнига юк жўнатувчи томонидан юк хатини расмийлаштириш учун, мазкур Қоидаларнинг 3-иловасида келтирилган юк жўнатувчининг йўриқномаси тўлдирилади (бундан кейин матнда йўриқнома деб юритилади).

214. Йўриқномага асосан ташувчининг ёки уни агентининг ходимлари томонидан уч нусхада мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган юк хати (бундан кейин матнда юк хати деб юритилади) тўлдирилади. Хавфли юкни ташиш учун юк хатини тўлдиришнинг асосий талаблардан бири бўлиб асосий юк олувчининг ёки унинг ваколатланган шахсининг кўрсатилганлигидир.

215. Хавфли юкларни ташишда юк хатида махсус белгилар қўйилади.

Хавфли юклар эркин миқдорларда ташилганда юк хатида «Эркин миқдордаги хавфли юклар», радиоактив материаллар ташилганда эса «Радиоактив материал. Эркин ўрама» деган махсус белгилар қўйилади.

Хавфли юклар чекланган миқдорда ташилганда юк хатида «Чекланган миқдор» деган махсус белги қўйилади.

216. Расмийлаштирилган юк хатининг бир нусхаси юк хатини расмийлаштирилган ташувчида қолади, иккинчи нусхаси эса юк билан бирга кетади ва юкни олаётганда юк олувчисига берилади, учинчи нусхаси юк жўнатувчисига берилади. Юк хатининг тегишли нусхалари, агар юкни битта ХҚда ташишнинг иложи бўлмаса хавфли юкнинг қолган миқдорини бошқа ХҚда ташиш учун хизмат қилади.

217. Ташиш ҳужжатларини расмийлаштираётганда юк жўнатувчи томонидан ишлов беришнинг махсус турлари ҳақида, авария ҳолатларидаги ҳаракатлар ҳақида, жумладан юклаш/тушириш пайтидаги эҳтиёткорлик чоралари, ўрамадан ичидагиларнинг тўкилиши ва сочилишини бартараф қилишнинг усуллари, тавсия этиладиган ва ман этиладиган ўт ўчириш воситалари, индивидуал химоя воситалари ҳақида, Радиоактив материаллар ташилаётганда эса — манзил аэропортига етказилиши керак бўлган рухсат этилган максимал муддатлар, бу муддатларни юк жўнатиш аэропортига олиб келинган фурсатдан бошлаб юкни олувчига топшириш фурсатигача ҳисоблаш шarti билан билдирилаётган маълумотларнинг етарлилигига эътибор қаратилиши керак.

218. Хавфли юкни ташиш учун тақдим этганда ташувчи ёки унинг ваколатли агенти юкни ташиш учун қабул қилиш ҳақида қарорга келади ва декларацияга юкни жўнаш аэропортига олиб кириш вақтини кўрсатган ҳолда тегишли ёзувни киритиб қўяди.

219. Юк ташувчи ёки унинг ваколатли агентининг ходимлари юк жўнатувчига ўзларининг ташиш ҳақидаги қарорларининг хабарини, хавфли юк аэропортга олиб келинишидан олдин, ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти белгиллаган муддатларда, жўнатилаётган хавфли юкнинг тавсиф ва хусусиятлари инобатга олинган ҳолда етказишлари керак.

220. Бунда юк жўнатувчига юкни жўнаш аэропортга олиб кириш вақти ва ўраманинг ҳолати, унга манзил аэропортининг маркалаш белгиси қўйилганлиги кўздан кечирилгунча, ташиш ҳужжатлари расмийлаштирилгунча, юкни ХҚга ортиш учун турар жойга боргунча унинг автотранспортининг тўхтаб туриш жойи хабар қилинади. Радиоактив юклар ташилаётганда аэропортда радиоактив материалларни сақлаш учун шароити бўлган омборхона бўлмаганда, юк жўнатувчи радиоактив юкни аэропортга ХҚга юклаш учун ташувчи ёки унинг ваколатли агенти белгиланган вақтда олиб келади.

221. Ташувчининг ёки уни ваколатли агентининг ходимлари декларация қилинмаган хавфли юклар ХҚга аралаш юк сифатида ортилишини олдини олиш мақсадида юкни қабул қилаётганда юк ўрнининг ичидагиларига нисбатан тасдиқ талаб этиши керак.

222. Юк ёки йўловчи ХҚнинг бортида кузатиб боровчилар ҳозир бўлишининг лозимлиги ва уларнинг сони махсус ёки баъзи хавфли юкларни ташиш бўйича махсус

йўриқномалар орқали ёхуд ташувчининг ёки ваколатланган агентнинг келишилган қарори билан белгилаб берилади.

223. Хавфли юкни кузатиб бораётган шахсда йўловчининг чиптаси (йўловчи ХҚда ташилаётганда), тегишли равишда расмийлаштирилган ишонч қоғози бўлиши, юк ХҚга ортилаётганда (туширилаётганда) иштирок этиши ва юкнинг бутлиги ва яхлитлигини кузатиб бориши керак. Ташувчи ёки унинг ваколатли агенти хавфли юкни кузатиб боровчиларга божхона ва бошқа расмий жараёнлардан ўтишида қўмаклашиши лозим.

224. Хавфли юк йўловчи ХҚда ташилаётганда кузатиб боровчи шахс йўловчи салоҳида, юк ХҚда ташилаётганда эса борт оператор хонасида юкни кузатиб боради. Кузатиб боровчи шахс хавфли юк ХҚга юкланиб жойлаштирилгандан кейингина ХҚда жойлашиши мумкин.

§ 2. Хавфли юкларни аэропортларда қабул қилиш ва сақлаш

225. Ташувчининг ёки ваколатланган агентнинг ходимлари хавфли юкларни уларнинг маркалаш белгиларининг тўғрилигини ва қўйилган белгиларга мос келишини текширмасдан, тўқилиш ёки юкни тўқислигини бузадиган бошқа бирор белгилар йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан юкни ташиш учун қабул қилмаслиги керак. Ҳаво транспортида ташиш учун яроқсиз бўлган ўраш тўпламидаги хавфли юклар жўнатувчи томонидан жўнаш аэропортига олиб борилишига йўл қўйилмайди.

226. Хавфли юклар юк жўнатувчи томонидан жўнаш аэропортига ташувчи ёки ваколатланган агент белгиланган муддатларда етказилади.

227. Юк жўнатувчи олдиндан юк олувчини унинг манзилига юк жўнатилаётганлиги ҳақида хабардор қилиши, унга авиақатнов ва юк хатининг рақамини, ХҚнинг манзил аэропортига етиб келиш куни ва вақтини билдириши керак.

228. Хавфли юкларни аэропортларда ташиш учун қабул қилиш ташувчининг ёки ваколатли агентнинг ходимлари томонидан амалга оширилади.

229. Хавфли юк ташишга топширилганда юк жўнатувчи ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг хавфли юкларни ташиш қоидаларига, унинг ўрамасига, маркалаш белгисига, ҳужжатларининг расмийлаштирилишига ва бошқа қоидаларга тааллуқли барча талабларини бажариши, шунингдек ташишнинг Конвенцияда, мазкур Қоидалар ҳамда ташувчининг ҳаво транспортида ташиш қоидаларида кўзда тутилган хавфсизлигини таъминлаши лозим.

230. Хавфли юкларни ташиш учун қабул қилаётганда ташувчининг ёки ваколатланган агентнинг ходимлари декларацияда раҳбарнинг ёки у ваколат берган шахснинг юкни қабул қилиш ва ташиш ҳақида ёзма равишдаги рухсати борлигини, хавфли юк тўғри номланганлигини, унинг жойланиши, ўраманинг ҳолати, маркалаш белгиси қўйилган талабларга, массаси эса ташиш ҳужжатларида кўрсатилганига мос келишини текшириб кўриши шарт.

231. Хавфли юклар ташиш учун қабул қилинаётганда барча омилларни ҳисобга олишни енгиллатувчи ёрдамчи асбоб бўлиб, ташувчининг ёки уни ваколатланган агентининг юкни қабул қилувчи ходимлари томонидан мазкур Қоидаларнинг 5 ва 6-иловаларида келтирилган махсус назорат варағи ҳисобланади (бундан кейин матнда назорат варағи деб юритилади). Назорат варағида, хавфли юкларни ташиш учун қабул қилиш мазкур қоидаларнинг талабларига мувофиқ равишда амалга оширилганлигини аниқлаш учун, хавфли юкларга ишлов беришга тааллуқли барча жиҳатлар белгиланган бўлиши керак.

232. ХҚда ташиладиган барча хавфли юклар ташувчининг ёки унинг ваколат-

ланган агентининг ходимлари томонидан юк жўнатувчининг хузурида тортилиб кўрилади.

233. Ташишга қабул қилинган ўта хавфли юклар оғирлиги текширилмайди, уларнинг массаси тўғри кўрсатилганлиги учун жавобгарлик юк жўнатувчи зиммасига юклатилади. Бунда ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти ходими юк жўнатувчи иштирокида алоҳида юк жойларининг массасини ўлчаш ҳуқуқига эга.

234. Алоҳида юк жойларининг мавжуд массаси юк жўнатувчи кўрсатган массадан фарқланса, мазкур юк партияси ташишга қўйилмайди ва тезкорлик билан жўнатиш аэропортидан олиб чиқилади ва бу ҳақда далолатнома тузилади.

235. Агар ташқи кўрикдан ўтказилишда юк ўрамасининг бузилганлиги ёки унинг ташиш хавфсизлигининг кафолатини бермайдиган мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келмасликлари аниқланса, мазкур юк ташиш учун қабул қилинмайди ва дарҳол аэропорт ҳудудидан олиб чиқиб кетилади. Бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилади ва у юк жўнатувчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ташувчида ёки унинг ваколатланган агентида қолади, иккинчи нусхаси эса юк жўнатувчига берилади.

236. Хавфли юкларни аэропортларнинг омборхоналарида сақлаш ичида хавфли юклар бўлган юк ўринларининг орасида мувофиқ келадиган хавфсиз масофалар таъминланиши ҳисобга олинган ва мазкур Қоидаларнинг 7-илласида келтирилган юк ўринларини жойлаштириш ҳақидаги жадвал талабларига риоя этилган бўлиши лозим.

237. Хавфли юкларни аэропортнинг юк терминалларидаги махсус хоналарда сақлаш муддати аэропортнинг аниқ технологиялари ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бундай хоналар бўлмаса, заҳарли моддалар ва сувнинг таъсири остида аланга олиб кетадиган моддалардан ташқари, хавфли юклар вақтинча очиқ майдончаларда бостирмалар остида сақланиши мумкин. Бундай ҳолларда хавфли юклар яхлит тўшамаларнинг устига тахланиши ва ёғингарчиликдан ҳамда қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишидан сақлаш мақсадида брезент ёки бошқа материаллар билан ёпиб қўйилиши керак. Омборхоналар ёки хавфли юклар сақланадиган очиқ майдончалар бошқа иморатлар ва иншоотлардан, ёқилғи-мойлаш материаллари омборхоналаридан ва ҲҚларининг тўхтаб туриш жойларидан хавфсиз масофаларда жойлашган бўлиши керак.

238. Аэропортларнинг омборхоналарида сақлаш учун 1-синфга мансуб юкларни қабул қилиш қатъиян ман этилади. Фавқулодда ҳолларда, масалан ҲҚ қўниб ўтиш аэропортларида техник носозликлар туфайли тутилиб қолганда, уни таъмирлаш учун ичидаги юк туширилиши керак бўлганда, 1-синфга мансуб юклар аэропортнинг омборхоналарида ёки махсус майдончаларида икки суткадан кўп бўлмаган муддат сақланилишига йўл қўйилади.

239. Сиқилган ва суюлтирилган газлар курук, яхши вентиляция қилинадиган, ёнидаги хоналардан ўтга чидамли тўсиқлар билан ажратилган омборларда 25° С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақланиши керак. Махсус кистиргичлари бўлмаса баллонларни вертикал ҳолда сақлаш ман этилади. Горизонтал ҳолда сақланаётганда қаторлар орасига ёғоч бруслардан, резинадан ёки етарлича қалинликдаги арқонлардан оралиқ юмшоқ материаллар қўйилиши керак. Сомон, пичан, ёғоч қипиғи ва шу каби бошқа ёнувчан материаллардан оралиқ юмшоқ материал тайёрлаш ман этилади.

240. Ўта совутилган газлар (суюқ кислород, суюқ ҳаво ва бошқалар) солинган идишлар (баллонлар) жўнатувчи томонидан махсус тайёрланган станокларда мустаҳкам ўрнатилганича фақат вертикал ҳолатда сақланиши керак.

241. Захарли газлар солинган баллонлар фақатгина барча талабларга жавоб берадиган махсус ёпиқ хоналарда сақланиши керак. Бу хоналарга фақатгина мазкур омборларда хизмат қиладиган шахсларга ва фақат индивидуал химоя воситаларида ёки бошқа газдан химоя қилиш воситаларида кириш рухсат этилади.

242. Хавфли юклар сақланаётганда, музлаб қолиб кейинчалик идиш бузилиб кетмаслиги учун, идишининг оғзи намлик тушишдан химояланган бўлиши керак.

243. Ўз-ўзидан ёниб кетадиган моддалар омборларнинг алоҳида секцияларида, бундай имконият бўлмаган ҳолларда эса, бостирма остида очиқ майдончаларда сақланади.

244. Сувнинг таъсири остида аланга олиб кетадиган моддалар ёпиқ қуруқ хоналарда сақланади.

245. Ичида радиоактив материаллари бўлган ўрамалар текширилмасдан юк жўнатувчининг тамғаси билан қабул қилинади. Ўрамаси бузилган ёки тамғаси йўқ бўлса, контейнер очилмасдан ва ичидаги текширилмасдан, албатта юк жўнатувчига хабар қилинган ҳолда унинг носозлиги ҳақида далолатнома тузилади. Қўшимча совутиш тизими орқали ташқи совутишни ва ташиш пайтида эксплуатацион назоратни талаб этадиган, вентиляцияли ёки ортиқча босимни чиқариб юборадиган мосламали, шунингдек ичида суюқ пирофор материаллари бўлган ўрамалар ХҚда ташилмайди.

246. Омборлар ва майдончалар амалдаги нормаларга мувофиқ ўт ўчириш воситалари билан таъминланган ва ёритилган бўлиши шарт.

Инсонларга, мол-мулкка ва атроф муҳитга зарар келтириши мумкин бўлган ўғирлик ва тегишли бўлмаган равишда фойдаланиш ҳолларини олдини олиш мақсадида, хавфли юкларни сақлаш жойлари доимо тегишли равишда кўриқланиши, ёнғин сигнализациясига ва телефон алоқасига эга бўлиши керак.

247. Хавфли юкларни аэропортнинг омборлари ёки майдончаларида, уларни мос келишлигини инобатга олган ҳолда, тўғри жойлаштирилишини ва сақланишини ташкиллаштириш учун жавобгарлик ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг ходимларига юклатилади.

§ 3. Хавфли юкларни ташиш учун ХҚни тайёрлаш

248. Хавфли юкларни ташиш учун мазкур Қоидаларнинг талабларига ва шу турдаги ХҚни парвоз эксплуатацияси бўйича қўлланмаларга мувофиқ жиҳозланган ва тайёрланган ХҚлари ажратилиши керак.

249. ХҚ хавфли юкларни ташиш учун тайёрланаётганда ХҚ саҳнидаги юклаш/тушириш ишларини механизациялаштириш воситаларини, ўт ўчириш тизимлари ва воситаларини, жойлаштириш, мустаҳкамлаш ва қотириш ускуналарини, метализациялашни, ерга улашни ва статистик электрсизлантиргичларни, юк бўлмасини ёритиш арматурасини, юк бўлмасида жойлашган электр симларини ва коммутацион аппаратураларни, эшиклар ва люкларнинг, айниқса юк бўлмасидан экипажнинг кабинасига ўтадиган, зич ёпилишини таъминлаш воситаларини, юк бўлмасини вентиляциялаш ва иситиш тизимларини ҳамда юк бўлмасида жойлашган кислород ускуналари ва аппаратурасининг ҳолатини ва созлигини текшириб кўриш керак.

ХҚнинг парвозолди тайёргарлиги хавфли юкларни юклашдан олдин бажарилиши керак. Хавфли юклар ортилишидан олдин юк бўлмалари синчковлик билан тозаланиши ва вентиляция қилиниши керак.

250. Юк кабинасининг юкларни ортишга тайёргарлигини экипажнинг юк ортишга масъул аъзоси текшириб кўради.

§ 4. Хавфли юкларни ХКга ортиш

251. Ташувчининг ёки унинг ваколатли агентининг ходимлари хавфли юклар ХКга ортилишидан олдин ҳаракат хизмати диспетчерини бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилишлари керак. Ҳаракат хизматининг бошлиғи ёки шу хизматнинг навбатчи диспетчери журналда юкларни қайси синф ва тоифаларга мансублигини, уларнинг умумий массасини ва манзил аэропортини кўрсатган ҳолда, ХКга хавфли юклар ортилганлигини ёзиб қўйиши керак.

Ташувчи ёки унинг ваколатли агенти хавфли юкларни ортишни бошлашдан олдин ортиш ишларини бажарилишининг тўла хавфсизлиги учун қуйидагиларни таъминлаши керак:

- а) ХКни ортишга қўйиш учун доимий жойни ўз вақтида тайёрлашни;
- б) юкни ортиш жойида керак бўлган механизациялаш, ўт ўчириш, қаттиқ таъсир этадиган захарли моддалар билан ишлаганда эса — кимёвий ҳимоялаш воситалари мавжудлигини;
- в) юкни ортиш жойининг қўриқланишини ва алоқа воситаларининг мавжудлигини;
- г) юк ортувчиларининг, тиббий ва ўт ўчириш хизматлари вакилларининг таъинланишини, шунингдек бу шахсларнинг хавфли юкларни ортиш тартиби ҳақида тайёрланишини, ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришни;
- д) юк ортиш жойларини ва хавфли юклар ортилган ХКни қўриқлашни, экипаж аъзоларини, техник ходимларни ва ХКга хизмат кўрсатиш ва хавфли юкларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган бошқа шахсларни қўйишнинг белгиланган тартибига риоя этилаётганлигини;

е) хавфли юкларни олиб келиш, ортиш, жойлаштириш ва ХКнинг юк бўлмаларида қотиришнинг аниқ тартибини белгиланишини.

252. Ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти ҳаво транспорти орқали ташиш учун таклиф этилаётган хавфли юкларни қабул қилинишида уларни аэродромларга олиб кирилишида ёки аэродромлардан олиб чиқилишида ерда ташилишини таъминланишини назарда тутиши, хавфли юкларни аэродромга олиб кирилишида ёки аэродромлардан олиб чиқилишида ерда ташиш учун ажратилган автотранспортнинг ҳаракатланиш схемасини аниқ ишлаб чиқиши керак.

253. Хавфли юкларни ортиш жойларида бегона кишиларнинг бўлиши ва ортилмайдиган юкнинг мавжуд бўлиши ман этилади.

254. Хавфли юкларни ташиш ва ортишда ишлатиладиган махсус автотранспорт, юк кўтариш механизмлари хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаб бериши керак.

255. Ичида хавфли юклар бўлган юк ўринлари, ташқи ўрамалар ва бошқа пакетлаш воситалари, агар уларда ичидагининг тўкилиши ёки ўзининг шикастланиши йўқлигини белгиловчи юклашолди текшируви ўтказилмаган бўлса, ХКга ёки юкларни пакетлаш воситасига ортилмайди.

256. Қўлда бажариладиган юклаш операциялари шахсий хавфсизлик ва юкларни зарарланишдан асраш чораларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак. Хавфли юкларни ташлаб юбориш, тарани зарарлаши мумкин бўлган илмоқлардан фойдаланиш, судраш ва қиррасини бураб силжитиш, битта юкни иккинчисига уриш қатъиян ман этилади.

257. Хавфли юклар ХКнинг фақатгина хавфли юкларни ташиш учун фойдаланса бўладиган багаж-юк бўлмаларига ортилиши мумкин.

258. ХҚнинг бортига турли хавфли юкларни биргаликда ортиш ва уларни ҳавода ташиш уларнинг бир-бирига мос келишлигига мувофиқ, ичида хавфли юклар бўлган юк ўринларининг орасида материаллар маъқул хавфсиз масофалар таъминланишини ҳисобга олиб, уларни жойлаштириш бўйича талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

259. Юкни ортиш пайтида ХҚнинг ёнига 1-синфга мансуб юкларни ортиш учун керак бўлганидан кўпроқ миқдорда олиб бориш ман этилади. Ортиш (тушириш) пайтида ХҚнинг ёнига фақатгина ортиш/тушириш ишларини бажариш учун керак бўлган техниканинг олиб борилиши рухсат этилади. ХҚга 1-синфга мансуб юклар ортилаётганда юк ортиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа бирор-бир ишларнинг бажарилиши ман этилади.

260. 1-синфга мансуб юклар ортилаётганда қутиларни елкада ташиш, судраш, ағдариш ва ташлаб юборишга рухсат этилмайди. Тушиб кетган қутилар, тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда, юк ортиш жойидан эҳтиёткорлик билан олиб кетилади (уларни ҳавода ташиш ёки юк жўнатувчининг омборига қайтариш ҳақидаги масалани юк жўнатувчининг мутахассиси ҳал қилади).

261. ХҚнинг бортида портловчи моддаларни бирга жойлаштиришнинг рухсат этилган даражаси уларнинг бир-бирига мос келиши билан белгиланади.

262. ОАСни ортиш жараёнида ХҚга ёқилғи, кислород, шунингдек олов ҳамда учқун чиқариши мумкин бўлган асбобларни қўллаган ҳолда таъмирлаш ёки радио ва электр ускуналарини текшириш бўйича бирор-бир ишларни амалга ошириш қатъиян ман этилади.

263. Агар ОАС арзимаган миқдорда сизиб чиққан ёки ўрамаси терлаб турган бўлса ҳам, тара ёки ўрама ХҚга ортилмайди. Ортиб бўлгандан сўнг таранинг ва ўраманинг бутлигини кўздан кечириб чиқиш керак.

264. Суюқ хавфли юкларни ўз ичига оладиган учи ёпиладиган мосламаларга эга алоҳида беркитиш мосламалари ХҚнинг бортига юкланаётганда, уларнинг ён томонида беркитиш мосламалари бўлса ҳам учидаги беркитиш мосламалари тепага қараб туриши керак.

265. Агар захарловчи ёки инфекцион моддалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида-алоҳида юкларни пакетлаш воситаларига жойлаштирилмаган бўлса, захарловчи, инфекцион моддалар ва қўшимча хавфлилик белгисини қўйишни талаб этадиган моддалар жониворлар, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида маркалаш белгилари қўйилмаган ёки маълум бўлган моддалар, инсонлар ва жониворлар истеъмол қилишга мўлжалланган егуликлар ва бошқа истеъмолга яроқли моддалар билан битта бўлинмада ташилмаслиги ва ХҚнинг сахнига жойлаштирилаётганда, агар инфекцион моддалар битта юкни пакетлаш воситасига жойлаштирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки жониворлар эса бошқа юкни пакетлаш воситасига жойлаштирилган бўлса, бундай юкларни пакетлаш воситалари ёнма-ён турмаслиги керак.

266. Радиоактив моддаларни ташишда энг кам эришиладиган даражада радиоактив нурланишни чеклаш мақсадида имкон қадар узокроқ хавфсизлик масофаларини қўллаш керак.

267. Радиоактив материалларга эга бўлган юк ўринларини ХҚга ортишда инсонлар, жониворлар ва чиқарилмаган фотоплёнкалардан алоҳида жойлаштирилади.

268. Сиртида нурланиш даражаси бўлган ўрамалар ёки ташқи ўрамалар ХҚда ташилмаслиги керак (махсус шароитларда ташиш ҳоллари бундан мустасно).

269. Радиоактив материаллар юк ХҚда ташилганда қўлланилиши керак бўлган минимал хавфсиз масофалар мазкур Қоидаларнинг 8-илоvasида келтирилган жадвалга мувофиқ аниқланади.

270. Магнитланган материаллар бирлаштирилган магнитли авиация компасларига ёки асосий компаснинг таъсирчан элементларига сезиларли таъсир ўтказа оладиган ҳолатда ортилмаслиги керак. Жойлаштириладиганда магнитланган материаллардан авиация компасларигача ёки компасларнинг таъсирчан элементларигача бўлган минимал масофа магнитланган материалларнинг майдонини кучланишининг қиймати билан белгиланади, агар жойланган ҳолдаги конкрет буюмни жойлаштириладиганда компасгача ёки таъсирчан элементларгача бўлган минимал масофа номаълум бўлса ёки уни аниқлашнинг иложи бўлмаса, ёхуд ташилиши керак бўлган материаллар авиация компасларига таъсир кўрсатаётган бўлса, ташилиши керак бўлган юк маҳсулоти текширувдан ўтказилиб, минимал хавфсиз масофа аниқланилиши керак.

271. Алоҳида юк сифатида ёки бошқа юкларни совутиш реагенти сифатида олиб кетиладиган қуруқ муз ҲҚнинг турига, вентеляция таърифларига, жойлаш усулига ва жойлаштирилишига қараб тегишли чоралар кўрилган шароитда ташилиши мумкин. Ташувчи ёки унинг ваколатли агенти қуруқ муз ортिलाётганлиги ёки у аллақачон ҲҚ саҳнида эканлиги ҳақида ердаги ходимларга маълумот бериши керак.

272. Полимер смолалар, гранулалар ёки пластмасса шаклландирган материаллар ҳар қандай кириши қийин бўлган трюмда, ҳар қандай ҲҚда ташилиши мумкин.

273. 4-синфга мансуб юклар ортилганда мунтазам равишда ҳароратни кузатиб бориш керак. Юк сезиларли даражада қизиб кетса, уни дарҳол ҲҚдан хавфсиз масофага олиб бориб, ичидагисининг ҳароратини ва тара ичидаги босимни тушириш чораларини кўриш керак.

274. Ичида ўз-ўзидан реакцияга киришувчи 4.1 ёки 5.2. тоифаларга мансуб органик пероксидлари бўлган юк ўринлари ёки юкларни пакетлаш воситалари, ташиш пайтида тўғридан-тўғри тушувчи қуёш нурларидан асрарилиши ва барча иссиқлик манбаларидан ажратилган ҳолда, яхши вентеляция қилинадиган ерда жойлаштирилиши керак.

275. Хавфли юклар юк ҲҚда ташилганда экипаж аъзоси ёки бошқа ваколатланган шахс уни кўриш имкониятига эга бўладиган қилиб ортिलाди. Бунда хавфлилик белгилари кўриниб туриши керак. Бундай талаб 3, 6, 7, 9-синфларга ва III жойлаш гуруҳига мансуб бўлган, қўшимча хавфлилиги билан таърифланмайдиган моддаларга тааллуқли эмас.

276. Хавфли юклар транспорт воситаларидан ҲҚга ва ҲҚдан транспорт воситасига ортिलाётганда ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг ходимлари юк жўнатувчи билан бирга ортиш ишларининг барча иштирокчилари билан хавфли юкларнинг характери ва хоссалари, юкни тахлаш, ортиш, кўтариш, тушириш, кўчиришнинг тавсия этиладиган усуллари ва шахсий хавфсизлик чоралари ҳақида тайёрланган бўлиши керак.

277. Ташувчининг ёки уни ваколатли агентининг ходимлари ортишдан олдин хавфли юклар ортिलाётганлиги ҳақида ҲҚнинг командирини огоҳлантириб қўйишга мажбурдирлар.

278. Аэропортда хавфли юкларни ҲҚга ортиш ташувчининг ёки унинг ваколатли агенти ходимларининг, юклаш бўйича диспетчернинг ва ҲҚ экипажининг юклаш бўйича масъул ходимининг раҳбарлиги остида амалга оширилади.

279. Ичига хавфли юклар солинган ва ҲҚга ортилган бирор-бир юк ўрнида ичидагисининг чиқиши мавжудлиги ва шикастланганлиги аён бўлиб қолса, ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг ходимлари, ваколатланган органнинг ходимлари билан бирга бундай юк ўрнини ҲҚдан тушириб олишади ҳамда юк жўнатмасининг қолган қисми лозим ҳолатда бўлишига ва бошқа юк ўринларининг ифлосланишдан ҳимоялашга қаратилган чораларни кўришади.

280. Битта ХКга турли синфларга мансуб хавфли юкларни ортиш фақатгина бирга ташилиши мумкин бўлган юклар учунгина рухсат этилади.

281. ХКнинг бортига хавфли юкларни қабул қиладиган экипаж аъзоси юк ўринлари ўрамаларининг ташқи ҳолатини кўздан кечириши ва юклар ХКнинг юк бўлмаларида тўғри жойлаштирилишини назорат қилади.

282. Агар хавфли юклар солинган юк ўринларидаги хавф белгиларининг йўқолганлиги, қотирилган жойлари бўшаб қолганлиги ёки мос келмаслиги аниқланса, ташувчининг ёки унинг ваколатли агентининг ходимлари декларацияда кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда мос келадиган хавфлилик белгилари билан алмаштиришлари керак.

283. Ташувчининг ёки унинг ваколатли агентининг ходимлари, экипаж аъзолари ва ХКга хизмат кўрсатиш ҳамда хавфли юкларга ишлов бериш билан боғлиқ бошқа шахслар, ортиш ишларини амалга ошираётганда ва ташиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, эҳтиёткорлик чораларига қатъий амал қилишлари ва хавфли юклар билан муомала қилиш қоидаларини оғишмай бажаришлари керак.

284. Хавфли юклар юк ХКда ташилганда ортилиб бўлгандан кейин экипажнинг кабинасига, хавфли юкларни ҳолатини кўздан кечириш ва юк люкни бошқариш учун ўтиш йўлакларига бемалол бориш имконияти, эшикларнинг ва люкларнинг бемалол очилиб-ёпилиши, ҳалокат ҳолатларидаги чиқишлардан фойдаланиш ХКдаги дастлабки ўт ўчириш воситаларига бориш имконияти таъминланиши керак.

285. ХКнинг парвозидан олдин, ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг ходимлари ХК сахнига ортилган хавфли юк ҳақида мазкур Қоидаларнинг 9-иловасида келтирилган ХК командирига махсус юк ҳақида хабарномани (бундан кейин матнда хабарнома деб юритилади) беради. ХК командири хабарномани олганлиги ҳақида хабарноманинг нусхасига имзо қўяди.

Мазкур хабарномага киритилган ташилаётган хавфли юк ҳақидаги бутун ахборот манзил аэропортига, ташувчи ёки унинг агентининг ходими томонидан жўнатилиши шарт.

286. Хавфли юклар ХК сахнига қабул қилинганлиги тижорат юкланиши учун жавобгар экипаж аъзосининг эркин юкланиш юк хатидаги тегишли ёзув билан биргаликдаги имзоси орқали расмийлаштирилади.

§ 5. Хавфли юкларни йўловчи ХКда ташиш

287. Хавфли юклар йўловчилар билан банд этилган салонда ёки ХКнинг кабинасида ташилмайди.

288. Йўловчилар ва экипаж аъзолари хавфли юкларни, айниқса радиоактив материалли эркин ўрамаларни, қўл юки, багаж сифатида ёки ўзлари билан бирга ташимасликлари керак. Ўз ичида хавфли юклар бўлган хавфсизликни таъминлаш воситалари (қутилар, сумкалар ва ҳоказолар) масалан, литийли батареялар ёки пиротехник моддаларни ташиш ман этилади.

289. Хавфли юклар ХКнинг асосий палубасининг багаж-юк бўлмасида, агар бу бўлма ХКнинг багаж-юк бўлмасига қўйиладиган барча талабларга жавоб берсагина ташилиши мумкин.

290. «Фақат юк ХКда» деган белги билан таъминланган хавфли юклар йўловчи ХКда ташилмайди.

291. Йўловчи ХКда бир ўрамадаги максимал (нетто) массаси Рўйхатда кўрсатилганидек бўлган ва йўловчи ХКда ташишга рухсат этилган хавфли юкларни ташиш мумкин.

292. Катновлардаги йўловчи ХҚда хавфли юкларни трансфер усулида ташишда, бутун йўналиш бўйлаб тоннажни бронлашни амалга ошириш керак. Бутун йўналиш бўйлаб бронланганликни тасдиқловчи маълумот олинмасдан трансфер орқали хавфли юкларни жўнатиш ман этилади.

293. Таркибида кимёвий реакция натижасида кислород ажратиб чиқарадиган кимёвий моддалари бўлган ҳар қандай мосламаларни йўловчи ХҚда юк сифатида ташиш ман этилади.

294. Йўловчи ХҚда ташиш рухсат этилган хавфли юкларни ортиш ХҚга йўловчилар ўтиришидан олдин ва бошқа юклар ҳамда йўловчиларнинг багажи ортиб бўлингандан кейин амалга оширилади.

295. Йўловчи ХҚ полининг остида жойлашган багаж-юк бўлмаларида ташилаётган, ичида радиоактив материаллари бўлган ўрамаларни имкони борича багаж-юк бўлмасининг полида жойлаштириш керак.

296. Фавқулодда фойдаланиш туридаги ўрамалар ва юклар йўловчи ХҚда ташилмаслиги керак.

297. Ичида радиоактив материаллари бўлган ўрама, ташқи ўрама ёки пакетлаш воситаси инсонлардан ажратилган ҳолда жойлаштирилиши керак. Қўлланилиши керак бўлган минимал хавфсиз масофалар мазкур Қоидаларнинг 10-илоvasида келтирилган жадвалга биноан аниқланади. Бу масофалар радиоактив материалларни ташиш қанча вақт давом этишидан қатъи назар, ўрамалар, ташқи ўрамалар ёки пакетлаш воситаларининг сиртидан йўловчилар салонининг ёки экипаж кабинасининг энг яқин ички сиртигача ёки полнинг бетигача ўлчанади.

298. Йўловчиларни ХҚда ташишда иштирок этаётган ташкилот ёки корхона йўловчиларга ХҚда ташиш ман этилган хавфли буюм ва моддаларнинг турлари ҳақида маълумотларни такдим этиши керак. Бундай маълумотларнинг таркибида энг камида огоҳлантириш мавжуд бўлиб, улар йўловчилар билан мулоқотлар амалга ошириладиган жойларда ўрнатилган бўлиши керак.

§ 6. Хавфли юкларни ХҚдан тушириш ва уларни топшириш

299. Хавфли юкларни ХҚдан туширишдан олдин транспорт тарасининг бутунлигига ва хавфли моддаларнинг полга тўкилмаган ёки сочилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

300. Хавфли юклар сочилган ёки тўкилган тақдирда ташувчининг ёки уни ваколатланган агентининг авиация-муҳандислик ходимлари тиббий хизмат ходимлари билан биргаликда ХҚнинг багаж-юк бўлимида ҳосил бўлиши мумкин бўлган буғлар ёки газларни чиқариб юбориш чораларини кўради.

301. Юк ўринлари ёки ичида хавфли юклари бўлган ташқи ўрамалари ХҚнинг бортидан ёки юкларни пакетлаш воситаларидан туширилаётганда шикастланишнинг ёки тўкилишнинг излари бор-йўқлиги текшириб кўрилади. Агар тўкилиш ёки шикастланиш белгилари топилса, ХҚнинг хавфли юклар ёки юкларни пакетлаш воситалари жойлашган ерлари шикастланиш ёки ифлосланишнинг бор-йўқлигига текшириб кўрилади.

302. Ичидагиларни сизиб чиқишининг ёки юк ўринларини шикастланишининг белгилари аниқланса, ичида инфекцион моддалари бўлган юк ўринларини ташиш учун жавобгар ходимлар мазкур юк ўрнига ишлов бермасликлари керак. Шунингдек, ёнидаги юк ўринларини ҳам ифлосланганлигини текшириб кўришлари ва ифлосланиши мумкин бўлган ҳар қандай юк ўрнини ажратиб қўйишлари, инсонлар хавф остида қолиши мумкин бўлган ҳар қандай транзит пунктлари ҳақида маълум

мот беришлари ҳамда юк жўнатувчига ва/ёки юк олувчига билдиришнома беришлари керак.

303. Ичида радиоактив материаллари бўлган ўраманинг шикастланганлиги ёки ичидагиси сизиб чиққанлиги аён бўлса ёки ўрама шикастланган ёки ичидагиси сизиб чиққан деб ҳисоблаш учун асос бўлса, бундай ўраманинг ёнига боришни чеклаб қўйиш керак ва мутахассис имкон қадар тезроқ радиоактив ифлосланиш даражасини ва пайдо бўлган нурланиш даражасини баҳолаши керак. Бундай ҳолда ХҚси, ўрама, яқин атрофдаги ортиш ва тушириш ҳудудлари, лозим бўлганда шу ХҚсида ташилган бошқа барча материаллар баҳоланади. Агар керак бўлса инсонларни, мол-мулкни ва атроф муҳитни ҳимоялаш учун қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши керак.

304. Ичида радиоактив материаллари бўлган ўрамалар юк жўнатувчининг тамгалари билан, ичидагиси текширилмасдан берилади. Ўрама бузилган ёки тамғаси йўқ бўлса, контейнер очилмасдан ва ичидагиси текширилмасдан юк жўнатувчиси хабардор қилинади, носозлик ҳақида далолатнома тузилади.

305. Шикастланган ёки ичидагиси ташишнинг нормал шароитлари учун рухсат этилган чегаралардан ошадиган даражада кўп чиққан ўрамалар бирорта мос келадиган назорат остидаги оралик объектига олиб бориб қўйилиши мумкин.

306. Доимий равишда радиоактив материалларни ташиш учун ишлатиладиган ХҚси ва ускуналар, радиоактив ифлосланиш даражасини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда текширилиб турилади. Бундай текширувлар қанчалик тез-тез ўтказилиши радиоактив зарарланиш эҳтимолига ва ташилаётган радиоактив материалларнинг ҳажмига боғлиқ.

307. Радиоактив материалларни ташиш жараёнида сиртидаги тегишли чегаралардан ортиқроқ даражада радиоактив ифлосланишга дучор бўлган ҳар қандай ХҚси ёки ускуналар ёки уларнинг бир қисми мутахассислар томонидан имкон қадар тезроқ дезактивация қилиниши ва қайд этилмаган радиоактив ифлосланиш даражаси сиртидаги чегараларнинг даражасигача пасаймагунга қадар улар қайта ишлатилмаслиги керак.

308. ХҚнинг полига кислоталарнинг ва бошқа коррозия моддаларининг тўкилганлиги аён бўлса, мутахассислар ХҚнинг барча узелларини текшириб чиқишлари керак, улар топилган барча нуқсонларни бартараф этиш чораларини қўришлари ва ХҚни бундан кейин эксплуатация қилиш мумкинлиги ҳақида ўз хулосаларини беришади.

309. Заҳарли, портловчи моддаларни ва кислоталарни ташийдиган юк кўтариш машиналарининг кўтариш механизмлари иккита тормозга эга бўлиши керак. Ўт олдириш тизимининг бузилган, ёкилғиси оқадиган ва бошқа носозликлари бўлган транспортнинг ва кўтариш механизмларининг хавфли юклар билан ишлашига йўл қўйилмайди.

310. Қўлда бажариладиган тушириш операциялари шахсий хавфсизлик ва юкни зарарланишдан асраш чораларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Хавфли юкларни ташлаб юбориш тарани зарарлаши мумкин бўлган илмоқлардан фойдаланиш, судраш ва киррасини бураб силжитиш, битта юкни иккинчисига уриш қатъиян ман этилади.

311. Хавфли юкларни ХҚдан олиб транспорт воситасига юклашни ташувчининг ёки унинг ваколатли агентининг энг тажрибали ва малакали ходимлари бажаришлари керак.

312. Хавфли юкларни ХҚдан туширишдан олдин ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг ходимлари юк жўнатувчи билан бирга тушириш ишларининг

барча иштирокчиларини хавфли юкларнинг характери ва хоссалари, юкни тахлаш, ортиш, кўтариш, тушириш, кўчиришнинг тавсия этиладиган усуллари ва шахсий хавфсизлик чоралари ҳақида тайёрлаши керак.

313. Хавфли юклар етиб келганлиги ҳақидаги хабарнома, агар юкни олувчи юк жўнатувчи кўрсатган вақтда етиб келмаган бўлса, юк олувчи ёки юк хатида кўрсатилган бошқа ваколатли шахсга, юклар ХҚдан тушириб бўлингандан сўнг 3 соат мобайнида юборилади.

314. Агар юкни олувчи мўлжал аэропортида бўлмаса, ташувчининг ёки унинг ваколатли агентининг ходимлари юк жўнатувчига буни хабар қилиб, ундан мазкур юкни бундан кейин нима қилиш ҳақида маълумотларни олишлари шарт.

315. Хавфли юкларни ўз вақтида олмаганлик учун уч нусхада далолатнома тузилади, улардан икkitаси юк жўнатувчига ва юк олувчига жўнатилади, биттаси эса далолатномани тузган мўлжал аэропортда қолади.

316. Юкни қабул қилувчи ўта хавфли юкни қабул қилиш учун ташувчи ёки унинг ваколатли агенти кўрсатган вақтда аэропортга келиши керак. Юк юк олувчига ХҚдан туширилгач, тезда, аэропорт омборларига киритилмай ва вазни тортилмай берилади. Тара ёки ўрама бузилганда ҳам юк шундайлигича тортилмасдан юк олувчига берилади. Бу ҳолда юк массаси юк олувчи омборида ташувчи ёки унинг ваколатланган агенти ходими иштирокида тортилади.

Х. Хавфли юк ортилган ХҚнинг парвози

317. Хавфли юклар ортилган ХҚ жўнаш аэропортидан учиб манзил аэропортига етиб боргунга қадар ҳаракат хизмати диспетчерларининг алоҳида назорати остида бўлиши керак.

318. Хавфли юкларни олиб кетаётган ХҚ учишидан олдин унинг учун, парвоз энг қулай метеорологик шароитларда ўтиб юкни энг қисқа муддатларда етказилишини таъминлайдиган йўналиш ва эшелон ҳам тайинланган бўлиши керак.

319. Юк ХҚда ташилаётган хавфли юкларнинг ҳолати парвоз давомида мунтазам назорат қилиб борилиши керак.

320. Хавфли юкларни олиб бораётган ХҚга оралик аэропортларда техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қўйиш навбатсиз амалга оширилади.

321. Кузатиб борувчи шахслар, ХҚ командирининг рухсатисиз мустақил равишда юкларни силжитиши, носозликларни бартараф этиш ҳуқуқига эга эмас, парвоз хавфсизлигига аниқ хавф соладиган ҳолатлар бундан мустасно. Парвоз давомида ичида хавфли юк бўлган тара ва ўраманинг парвознинг хавфсизлигига хавф туғдирадиган бирор-бир носозлиги аниқланса, кузатиб борувчи шахслар бу ҳақда дарҳол ХҚ командирига ахборот беради.

Парвоз пайтида ХҚ командирининг фармойишларини кузатиб борувчи шахслар эътироз билдирмасдан, сўзсиз бажаришлари шарт.

322. Парвоз экипажи хавфли юкларни ташиш билан боғлиқ ўзининг мажбуриятлари ҳақида хабардор қилинган ҳамда хавфли юкларни ташиш пайтида авария ҳолати юзага келганда амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар борасида кўрсатмалар олган бўлиши керак.

Авария ҳолати юзага келганда, ХҚ командири керак бўлган тавсияларни олиш учун бу ҳақда ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатувчи органга хабар бериши керак.

323. Бортида хавфли юклари бўлган ХҚ мажбурий қўнган ҳолатларда ҳаракат хизматининг диспетчери бу ҳақда дарҳол қўниш, жўнаш ва манзил аэропортлари-

нинг бошлиқларига, лозим бўлган ҳолларда эса жойида ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш учун ваколатли органларга хабар беради.

324. Хавфли юклар олиб борилаётган манзил аэропортига яқинлашиб келаётганда ХК командири бу ҳақда ўз вақтида ХК етиб келгач, ушбу юк дарҳол тушириб олиниши учун ҳаракат хизмати диспетчерини огоҳлантиради.

325. Ташиш давомида аниқланган, ичида хавфли юклар бўлган ўрамалар бузилишининг барча фактлари, мажбурий қўниш ҳақида ва бошқа маълумотларни ХКнинг командири манзил аэропортнинг раҳбарига, ХК рўйхатда турган авиакорхонанинг раҳбарига ёзма равишда батафсил ахборот бериши ва аниқланган бузилишларни далолатнома тузиш орқали (эркин шаклда) расмийлаштирилиши шарт.

XI. Жавобгарлик. Шикоятлар ва даъволар

326. Юк ташувчи, юк жўнатувчи ва юкни олувчи хавфли юкларни хавфсиз ташиш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси-га, бошқа қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

327. Юк жўнатувчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) хавфли юк ҳақидаги ташувчи тақдим этган маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки нотўғрилиги натижасида ташувчига ёки бошқа шахсга етказилган зарар;

б) ташиладиган юкнинг давлат стандартларига, техник шартларга мос кела-диган қилиб ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳамда ҳавода ташиш пайтида унинг мустаҳкамлигини ва тўқислигини кафолатлайдиган қилиб синфи белгиланиши ва жойланиши;

в) юк ўрамаларига тўғри ва аниқ маркалаш белгиларини қўйилиши;

г) ташиш ва кузатиб бориш ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги;

д) юк жўнатмасига ҳавода ташиш ман этилган буюмлар ва моддаларнинг киритганлиги ёки уларни мазкур қоидаларга мувофиқ белгиланган ташиш шароитла-ри ва талабларига риоя этмаган ҳолда ташишга топширганлиги;

е) ташувчининг қоидалари ва талабларини бажармаганлиги ёки нотўғри бажар-ганлиги ёхуд ўз вақтида бажармаганлиги;

ж) мазкур Қоидаларга оид талабларни бажармаганлиги.

328. Ташувчи юкни ҳавода ташиш учун қабул қилиб олган фурсатдан бошлаб, то уни юкни олувчига топширгунга қадар ёки белгиланган қоидаларга мувофиқ, бошқа ташкилотга бергунга қадар, хавфли юкни йўқолиши, камомади ёки зарарланиши (айниши) учун, агар зиёни олдини олиш учун барча керакли чора-тадбирларни қўллаганлигини ёки бундай чораларни қўллашни иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса, жавобгар бўлади.

Хавфли юкларнинг йўқолиши, камомади ёки зарарланиши учун ташувчи қу-йидаги миқдорларда жавоб беради:

а) нархи эълон қилиниб ташиш учун қабул қилинган хавфли юкларни йўқол-ганлиги, камомади ёки зарарланиши учун — эълон қилинган нархи миқдорида, ташувчи эълон қилинган нарх ҳақиқий нархдан юқори эканлигини исбот этган ҳолда эса — ҳақиқий нархи миқдорида;

б) нархи эълон қилинмай ташиш учун қабул қилинган хавфли юкларни йўқол-ганлиги, камомади ёки зарарланиши учун — ҳақиқий миқдорида. Бу жавобгарлик чегараси Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган ҳавода ташишларда жавоб-гарлик халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади.

329. Ташувчи юк жўнатувчига етказилган зарар (йўқолиши, камомади, зарар-

ланиши ёки хавфли юкни етказишдаги кечикиш) учун, агар бу зарар енгиб бўлмайдиган куч ёки ташувчига боғлиқ бўлмаган бошқа шароитлар туфайли етказилганлигини исботлаб бера олмаса, жавобгардир.

330. Ташувчи хавфли юкни етказишдаги кечикиш учун, агар у бундай кечикишни олдини олиш учун барча чора-тадбирларни қўллаганини ёки бундай чораларни қўллашнинг имкони бўлмаганини исботлаб бера олмаса, жавобгардир.

331. Олдини олишнинг имконияти бўлмаган шароитлар юзага келганда (форс-мажор) ташувчи зиммасидаги жавобгарликдан озод қилинади.

332. Ташувчи қуйидаги ҳолларда хавфли юкларни ташиш пайтида етказилган зарар учун зиммасидаги жавобгарликдан озод қилинади:

а) агар манфаатдор шахс зарар етказилганлигининг керакли далил-исботларини тақдим эта олмаса;

б) агар зарар ҳудудига, ҳудудидан ёки ҳудуди орқали ташиш амалга оширилаётган исталган мамлакатни давлат органларининг қонун ҳужжатлари ташувчи томонидан бажарилиши ва/ёки ушбу меъёрларга юк жўнатувчи риюя этмаслиги натижасида етказилган бўлса;

в) зарар етказилиши бирор-бир ташувчининг назорати остида бўлмагани сабабли содир этилган бўлиб, ташувчи ўзи ёки у ваколатли шахслар зарар етказилишини олдини олиш учун барча чора-тадбирларни қўллаганини ёки бундай чораларни қўллашнинг имкони бўлмаганини исботлаб бера олса;

г) зарар етказилиши хавфли юкка хос бўлган фавқулодда хусусият, сифатидаги камчилик ёки нуқсон, ташувчининг қоидаларига кўра ҳаво орқали ташиш ман этилган деб белгилаб қўйилган предметлар ва буюмларни ташилаётган мулкнинг орасига киритилиши натижасида содир этилган бўлса;

д) ташиш шартларини бажармаслик ва зарар етказилишининг орасида тўғридан-тўғри сабаб-оқибатлилиқ алоқаси бўлмаса.

333. Агар ташувчи, зарар етказилишига ёки зарар миқдорининг ортишига юк жўнатувчи томонидан хавфли юкни ўраш ёки ташиш қоидалари қўпол равишда бузганлигини исботлаб бера олган ҳолда зарарни тўлашдан озод қилинади.

334. Агар ташувчи хавфли юкни ташиш ҳақидаги шартномани тузаётганда шартноманинг асосий шarti қилиб юкни етказиб бориш муддати кўрсатилган бўлса, унда бутун юк жўнатмасининг йўқотилишида, зарарланишида ёки етказиб боришда кечикишида ташувчини жавобгарлигининг чегараси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай юкни ташиш учун йиғимлар миқдорини аниқлаш учун асос қилиб олинган, юкнинг оғирлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

335. Юк жўнатувчи ёки юкни олувчи томонидан юк жўнатмасининг бир қисмига етказилган зарар хавфли юкнинг бутун партиясига юкдан бутунлай ёки қисман фойдаланиш имкониятини йўққа чиқариш даражасида таъсир кўрсатгани исботлаб берилган тақдирда, етказилган зарарни қоплаб бериш миқдорлари аниқланаётганда бу нарсалар ёки буюмларнинг умумий массаси эътиборга олинади.

336. Юкни етказиб боришдаги кечикиш учун тўланган пул товонлари, ушбу юк йўқотилган тақдирда тўланадиган пул товонларининг ичига киритилади.

Кечиктириш учун пул товонлари ва кечиктирилган юкка етказилган зарар учун пул товонлари тўлиқ ҳажмда тўлаб берилади.

337. Юкни ташиш бир неча ташувчи томонидан амалга оширилган бўлиб, зарар қайси бир ташувчининг авиайўлида етказилганлигини аниқлашни имкони бўлмаса, ҳар бир иштирок этган ташувчининг жавобгарлиги умумий жавобгарлик қийматини ташувчилар орасида ташиш йўналишининг ҳар бир иштирок этган ташувчи

бажарган участкаларининг узунлигига рейтрлаш (пропорционал равишда бўлиш) орқали аниқланади.

338. Агар зарар ташиш шартномасини бажармаганлик ёки ходимлар томонидан ўз хизмат вазифаларини ўтаётганларида атайин бажарилган ҳаракатларининг натижасида етказилган бўлса ва бундай ҳаракатлар белгиланган тартибда исботланган бўлса, ҳар бир ташувчи бошқа ташувчилар олдида жавобгар бўлади.

339. Агар зарар ташувчининг ёки у томонидан ваколатланган шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида ғаразли ниятлари ёки қўпол эҳтиётсизликлари оқибатида келиб чиққанлиги тасдиқланса, Ўзбекистон Республикасининг ҳавода ташишдаги жавобгарлик ҳақидаги халқаро шартномаларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, жавобгарликнинг белгиланган чегаралари қўлланилмайди.

Ташувчи юк жўнатувчи ёки юкни олувчи билан ўзининг жавобгарлик чегарасини амалдаги қонунчилик ка ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланган чегараларга нисбатан ошириш ҳақида келишув тузиш ҳуқуқига эга. Ташувчининг юк жўнатувчи ёки юкни олувчи билан тузган ва ўзининг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланган жавобгарлиги чегараларини пасайтиришга қаратилган келишувлари ҳақиқий эмасдир.

340. Юк йўқотилгани тақдирда ташувчига даъво ҳаво кemasининг белгиланган манзилга қўнганидан ёки ташиш тўхтатилган кундан кейинги икки йил давомида қилиниши лозим. Даъво қилиш муддати тугаганидан сўнг ҳам, агар ташувчи кўрсатилган сабаб узурли деб ҳисобласа, даъволарни кўриб чиқиш учун қабул қилишга ҳақлидир.

341. Ташувчига тақдим этилаётган ҳар бир шикоятда уни тақдим этишнинг ва етказилган зарарнинг сабаблари, йўқотилган ёки зарарланган хавфли юкларнинг рўйхати, етказилган зарарнинг характери ва қиймати кўрсатилган бўлиши керак.

ХII. Жавобгарликни суғурта қилиш

342. Ташувчи, хавфли юкларни ташиш амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган жараёнларда етказилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш бўйича ўз жавобгарлигини суғурта қилиши керак.

ХIII. Якуний қоидалар

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган:

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 20 август*

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 20 август*

**3, 4, 8-синфлар ҳамда 5.1. ва 6.1.тоифалар учун жойлаш гуруҳи ва хавфли
хусусиятларнинг устунлик жадвали**

Ўрама синфи ёки тоифаси ва гуруҳи	Ўрама синфи ёки тоифаси ва гуруҳи																	
	4.2 II	4.2 III	4.3 I	4.3 II	4.3 III	5.1.I	5.1.II	5.1.III	6.1.I (ч)	6.1.I (и)	6.1.II	6.1.III	8.1 (с)	8.1 (қ)	8.II (с)	8.II (қ)	8.III (с)	8.III (қ)
3. I*			4.3. I	4.3. I	4.3. I	-	-	-	3.I	3.I	3.I	3.I	3.I	-	3.I	-	3.I	-
3. II*			4.3. I	4.3.II	4.3.II	-	-	-	3.I	3.I	3.II	3.II	8.1	-	3.II	-	3.II	-
3. III*			4.3. I	4.3. I	4.3. III	-	-	-	6.1.1	6.1.I	6.1.II	3. III**	8.1	-	8.II	-	3. III	-
4.1. II*	4.2. II	4.2. II	4.3. I	4.3.II	4.3.II	5.1. I	4.1.II	4.1.II	6.1.1	6.1.I	4.1. II	4.1. II	-	8.1	-	4.1.II	-	4.1.II
4.1. III*	4.2. II	4.2. III	4.3. I	4.3.II	4.3. III	5.1. I	4.1.II	4.1. III	6.1.1	6.1.I	6.1.II	4.1. III	-	8.1	-	8.II	-	4.1. III
4.2. II			4.3. I	4.3.II	4.3. II	5.1. I	4.2.II	4.2.II	6.1.1	6.1.I	4.2. II	4.2. II	8.1	8.1	4.2.II	4.2.II	4.2.II	4.2.II
4.2. III			4.3. I	4.3.II	4.3. III	5.1. I	5.1.II	4.2. III	6.1.1	6.1.I	6.1.II	4.2. III	8.1	8.1	8.II	8.II	4.2. III	4.2. III
4.3. I						5.1. I	4.3. I	4.3. I	6.1.1	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I	4.3. I
4.3. II						5.1. I	4.3.II	4.3.II	6.1.1	4.3. I	4.3.II	4.3.II	8.1	8.1	4.3.II	4.3.II	4.3.II	4.3.II
4.3. III						5.1. I	5.1.II	4.3. III	6.1.1	6.1.I	6.1.II	4.3. III	8.1	8.1	8.II	8.II	4.3. III	4.3. III
5.1. I									5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I	5.1. I
5.1. II									6.1.1	5.1. I	5.1.II	5.1.II	8.1	8.1	5.1.II	5.1.II	5.1.II	5.1.II
5.1. III									6.1.1	6.1.1	6.1.II	5.1.III	8.1	8.1	8.II	8.II	5.1.III	5.1.III
6.1.1 (ч)													8.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1
6.1. I (и)													8.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1	6.1.1
6.1. II (р)													8.1	6.1.1	6.1.II	6.1.II	6.1.II	6.1.II
6.1. II(ч)													8.1	6.1.1	8.II	6.1.II	6.1.II	6.1.II
6.1. II (в)													8.1	8.1	8.II	6.1.II	6.1.II	6.1.II
6.1. III													8.1	8.1	8.II	8.II	8.III	8.III

(с) — суюқ; (қ) — қаттиқ; (ч) — чарм; (и) — ички; (р) —респиратор; — мумкин бўлмаган комбинация

* 4.1 тоифасидаги моддалар

** Фақат пестицидлар учун. Асосий хавфлилиги 6.1 тоифасига мувофиқ бўлиши керак.

ХАВФЛИ ЮКЛАРНИ ЖЎНАТУВЧИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Юк жўнатувчи				Юк хатининг рақами Бет дан Бетлар Юк жўнатувчининг қайд этиш рақами				
Юкни олувчи								
Мазкур Декларациянинг иккита тўлдирилган ва имзоланган нусхаси ташишни амалга ошираётган авиокомпанияга берилиши керак.				ОГОҲЛАНТИРИШ Хавфли юкларни ташишнинг барча амалдаги қоидаларига риоя этмаслик амалдаги қонунларни бузиш ҳисобланади ва жарима санкцияларига олиб келиши мумкин. Ушбу декларация ҳеч қандай шароитларда консолидатор, форвардер ёки юк агенти томонидан тўлдирилмаслиги ва/ёки имзоланмаслиги керак.				
ТАШИШ ТАВСИФНОМАСИ								
Юк қуйидаги ҳаво кемасига мўлжалланган (кераксизи ўчирилсин) чекловларга жавоб беради		Жўнатиш аэропорти						
<table><tr><td>Йўловчи ва юк ҳаво кемаси</td><td>фақат юк ҳаво кемаси</td></tr></table>		Йўловчи ва юк ҳаво кемаси	фақат юк ҳаво кемаси					
Йўловчи ва юк ҳаво кемаси	фақат юк ҳаво кемаси							
Манзил аэропорти:				Юк тури: (кераксизи ўчирилсин)				
				<table><tr><td>НОРАДИАКТИВ</td><td>РАДИОАКТИВ</td></tr></table>			НОРАДИАКТИВ	РАДИОАКТИВ
НОРАДИАКТИВ	РАДИОАКТИВ							
ЮКНИНГ НОМИ ВА СОНИ (хавфли юкларни ташиш бўйича ИАТА қоидалари 8.1-б)								
Хавфли юкларнинг таърифи								
Юкнинг тўлиқ номи	Синфи, тоифаси	UN ёки ID рўйхати бўйича рақами	Қўшимча хавфлилик	Ўраманинг миқдори ва тури	Жойлаш бўйича йўриқнома	Қоидаларга мос келишнинг тасдиғи		
Ишлов бериш ҳақида қўшимча маълумотлар								
Ушбу орқали мазкур юк партиясининг ичидагиси кўрсатилган номи бўйича юқорида тўлиқ аниқланган ва тегишли халқаро ҳамда миллий қоидаларга риоя этган ҳолда таснифланган, жойланган, маркаланган ҳамда белгилар билан таъминлангандигини ва ҳаво транспортида ташиш учун керакли ҳолатда эканлигини тасдиқлайман.				Имзо қўювчининг исми ва лавозими Декларацияни имзолаш жойи ва санаси Юк жўнатувчининг имзоси (юқоридаги огоҳлантиришга қаранг)				

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198) 3-ИЛОВА

ЮК ХАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ЮК ЖЎНАТУВЧИНИНГ ЙЎРИҚНОМАСИ

ЮК ЖЎНАТУВЧИ	
ЮКНИ ОЛУВЧИ	Ушбу билан, бу ерда кўрсатиб ўтилган юкни олганингиздан сўнг, бизнинг номимиздан юк хатини ва бошқа керакли ҳужжатларни расмийлаштириб ва имзолаб юкни Шартномадаги сизнинг Шартларингизга мувофиқ жўнатиб юборишингизни топшираман.

Ушбу орқали мазкур юк партиясининг ичидаги юк кераклигидай қилиб номланганлиги тасдиқланади. Агар юк жўнатмасининг исталган қисмининг ичида хавфли юклар бўлса, ўша қисм амалдаги хавфли юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ равишда кераклигидай қилиб ташиш учун тайёрланган.

Жўнатиш аэропорти	Манзил аэропорти	
СЎРАЛАЁТГАН ЙЎНАЛИШ		
СЎРАЛАЁТГАН БРОНЛАШ		
МАРКАЛАШ БЕЛГИСИ ВА РАҚАМЛАРИ	ЎРАМАНИНГ МИҚДОРИ, ТУРИ	ЮКЛАРНИНГ ТАЪРИФИ
УМУМИЙ ВАЗНИ	ЎЛЧАМЛАРИ	
ТАШИШ УЧУН ҲАҚ	ЖЎНАШ ПУНКТИДА ҚЎШИМЧА ЙИҒИМЛАР	СУҒУРТА — БЕЛГИЛАНГАН МАБЛАҒ
ТЎЛАШ ТУРИ	ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН НАРХ	
Тўлов учиниш пунктида	Тўлов учиниш пунктида	
Тўлов манзил кераги пунктида белгилансин	Тўлов манзил кераги пунктида белгилансин	
Ташиш учун	Божхона учун	
ЮКНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТЛАР ВА ЭСЛАТМАЛАР	САНА	ИМЗО

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли
юкларни ҳаво транспортида ташиш
қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)
4-ИЛОВА

Ташувчининг коди		Юк хатининг тартиб рақами				Тақиқланган									
Юк жўнатувчининг номи ва манзили		Юк жўнатувчининг ҳисоб рақами				Юк хати									
Юк олувчининг номи ва манзили		Юк олувчининг ҳисоб рақами													
Юк хатини расмилаштарган ташувчининг номи ва манзили						Ҳисоб маълумоти									
ИАТА агентининг коди		Ҳисоб рақами													
Жўнаш аэропроти (биринчи ташувчининг манзили) ва талаб қилинган йўналиш						Далил рақами		Маълумот							
Қаерга	Биринчи ташувчи (йўналиш ва охирги нуқта)	Кимдан	Кимга	Ким- дан	Кимга	Валюта	CHGS коди	Вазн		Бошқалар		Ташиш нархи	Божхо- на соли- гининг нархи		
								PPD	COLL	PPD	COLL				
Манзил аэропроти		Сўралган қатнов		Сўралган сана		Сўғурта ҳисоб рақами									
Ташиш маълумоти															
Юк жойи- нинг сони	Брутто вазни		Синф даражаси		Солиқ солина- диган вазн		Нарх / солиқ		Жами		Юкнинг тури ва сифати				
			Юк рақами												
Олдиндан тўлов		Юкланиладиган вазин		Жамлама		Бошқа чиқимлар									
Жами олдиндан тўлов		Жамламани жами		Юк қабул қилувчини имзоси											
Валюта курси		Валюта курси													
Ташувчилар учун		Манзилдаги тўлов		Бажарилган сана жой имзо											
				Чиқимларнинг жами											

ХАВФЛИ НОРАДИОАКТИВ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАШИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ**Юк текширувдан ўтмагунга қадар уни ҳеч қандай шароитларда қабул қилманг!****Юк хатининг рақами**

A	Хавфли юк жўнатувчининг декларацияси	ХА	ЙЎҚ	Н/А
1.	Хавфли юкни жўнатувчисининг декларацияси илова қилинганми:	қ	қ	
2.	Юк жўнатувчининг тўлиқ номи ва манзили:	қ	қ	
3.	Юк олувчининг тўлиқ номи ва манзили:	қ	қ	
4.	6.2 тоифадаги инфекция моддаларни жўнатишда жавобгар шахснинг номи ва телефон рақами:	қ	қ	қ
5.	Агар юк қоғозининг рақами кўрсатилмаган бўлса уни киритинг:	қ	қ	
6.	Бетларнинг рақамлари кўрсатилган:	қ	қ	
7.	Агар жўнатиш аэропортининг ёки шахрининг номи тўлиқ кўрсатилмаган бўлса уларни киритинг:	қ	қ	
8.	ХК ишлатилмаётган турининг (йўловчи ёки фақат юк) ва «радиоактив» сўзининг усти чизиб қўйилган:	қ	қ	
Тўшунча				
9.	Аниқ жўнатиш номи, жумладан конкрет номи кўрсатилмаган буюмларнинг техник номи:	қ	қ	
10.	Синф ва тоифаси ҳамда 1 класс учун мос келувчанлик гуруҳи:	қ	қ	
11.	БМТ рақами UN ва ID қўшимчалари билан:	қ	қ	
12.	Ўрама гуруҳи:	қ	қ	қ
13.	Қўшимча хавф:	қ	қ	қ
Ўрамалар сони ва тури				
14.	Ўрама сони ва тури:	қ	қ	
15.	Ҳар бир ўраманинг (нетто ёки брутто вазн) миқдори шу жумладан ўлчов бирлиги ҳам:	қ	қ	қ

B	Ўрама ва ички ўрама	ХА	ЙЎҚ	Н/А
31.	Ўраш йўриқномасига асосан юк тўғри ўралган:	қ	қ	
32.	Ўрама ва ички ўрамалар сони ва тури декларацияда кўрсатилганига тўғри келади:	қ	қ	
Маркалаш				
33.	БМТ сертификацияланган ўрама учун маркалашда:	қ	қ	қ
	— рамз ва махсуслаштирилган код:			
	— X, Y ва Z ўраш гуруҳи/ўраш йўриқнома-сига асосан:	қ	қ	қ
	— рухсат берилган максимал брутто вазни:	қ	қ	қ
	— инфекция моддалар учун ўрама марка-лаши:	қ	қ	
34.	Аниқ жўнатиш номи ҳамда UN ва ID рақами кўрсатилган:	қ	қ	
35.	Юк жўнатувчининг тўлиқ номи ва манзили:	қ	қ	
36.	Буюмларнинг нетто вазни ва 1 класс упаковкаларининг брутто вазни:	қ	қ	
37.	6.2 тоифадаги инфекция моддаларни жўнатишда жавобгар шахснинг номи ва телефон рақами:	қ	қ	қ
38.	Махсус маркалаш № 202 ўраш йўриқномасига асосан:	қ	қ	қ
39.	Куруқ муз бўлса ўрамада унинг нетто вазнини маркалаш:	қ	қ	қ
40.	Миқдори чегараланган ўрамалар учун «LTD .QTY» кўрсатилган:	қ	қ	қ
Ёрлиқлар				
41.	Синф ва тоифа кўрсатилган асосий хавф ёрлиқлари:	қ	қ	

16. Агар турли хавфли юклар битта ички
упаковкага ўралган бўлса, у ҳолда қуйдаги
қоидаларга амал қилиш керак: қ қ қ
— мос келувчанлик жадвалга асосан:
— 6.2 тоифаси бор БМТ сертификацияланган
ўрамалар учун: қ қ қ
— ҳаммаси битта ўрамада (ўрама тури): қ қ қ
— «Q» ўлчами ҳисобланган: қ қ қ
17. Ички ўрама: қ қ қ
— ички ўрама ишлатилганлиги кўрсатилган: қ қ қ
— мос келувчанлик жадвалга асосан: қ қ қ
18. Ўраш бўйича йўриқнома рақами: қ қ қ
19. Агар ўраш бўйича «Y» йўриқномаси
қўлланилган бўлса LTD, QTY кўрсатилган: қ қ қ
- Расмий рухсатномалар**
20. Агар A1, A2, A51, A81, A109 бўлса махсус
ҳолат рақами: қ қ қ
21. Давлат ваколатли органларининг
рухсатномаси бор ва ҳужжатларнинг нусхаси
илова қилинган: қ қ қ
22. Бошқа қўшимча рухсатномалар қ қ қ
- Юкка ишлов бериш бўйича ахборот**
23. Ўзи реакцияга киришадиган 4.1 тоифадаги
моддалар ва 5.2 тоифадаги органик
пероксидлар ёки уларга ўхшаш намуналар
учун расмий тасдиқ бор: қ қ қ
24. Инфекцион моддалар учун олдиндан
келишув белгиси: қ қ қ
25. Юк жўнатувчининг номи, лавозими, жой ва
сана кўрсатилган: қ қ қ
26. Юк жўнатувчининг имзоси: қ қ қ
27. Юк жўнатувчи томонидан имзоланган
ўзгаришлар ва тузатишлар: қ қ қ
- Б Юк хати**
28. «Handling information», «Dangerous goods as
per attached Shipper's Declaration» қ қ қ
катакларда кўрсатилган:
29. Агар талаб қилинса «Фақат юк ХҚ» сўзи: қ қ қ
30. Агар жўнатма хавфли ва хавфсиз юклардан
иборат бўлса, хавфли юкларнинг сони: қ қ қ

+

42. Синф ва тоифа кўрсатилган қўшимча хавф
ёрлиқлари: қ қ қ
43. Асосий хавф белгиларига қўшимча «Фақат юк
ХҚда» ёрлиги: қ қ қ
44. Вертикал жойлашган ёрлиқлар: қ қ қ
45. Магнитланган буюмларга ишлов бериш бўйича
ёрлиқлар: қ қ қ
46. Ҳамма ёрлиқлар тўғри белгиланган ва кераксиз
ёрлиқ ва маркалар олиб ташланган: қ қ қ
- Ички ўрамалар учун**
47. Агар сертификат маркаси кўринмаса керакли
тасдиқлов мавжуд: қ қ қ
48. Талаб қилинган марка ўрамада аниқ кўриниши
керак ёки ички ўрама сиртида такрорланиши
керак: қ қ қ
49. Ҳар бир юкланиш номи учун умумий нетто
миқдори: қ қ қ
50. Юк ХҚ учун чекланиш: қ қ қ
- Г Бошқа ахборотлар**
51. Давлат ва авиакомпаниянинг талаблари
бажарилган: қ қ қ
52. Келишувлар олдиндан бажарилган ва
тасдиқланган: қ қ қ
53. Юк ХҚлари учун бутун йўналишдаги
авиакомпаниялар билан келишувлар бор: қ қ қ

Текширилган _____

Вақт _____ Сана _____

Имзо _____

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни хаво
транспортида ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)
6-ИЛОВА

407-модда

— 90 —

39 (279)-сон

ХАВФЛИ РАДИОАКТИВ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАШИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ

Юк текширувдан ўтмагунга қадар уни ҳеч қандай шароитларда қабул қилманг!

Юк хатининг рақами _____

А	Хавфли юк жўнатувчининг декларацияси	ҲА	ЙЎҚ	Н/А	25.	Юк жўнатувчининг имзоси:	ҲА	ЙЎҚ	Н/А
1.	Хавфли юкни жўнатувчининг декларацияси илова қилинганми:	қ	қ		26.	Юк жўнатувчи томонидан имзоланган ўзгаришлар ва тузатишлар:	қ	қ	қ
2.	Юк жўнатувчининг тўлиқ номи ва манзили :	қ	қ		Б	Юк хати			
3.	Юк олувчининг тўлиқ номи ва манзили:	қ	қ		27.	«Handling information», «Dangerous goods as per attached Shipper's Declaration» катакларида кўрсатилган:	қ	қ	қ
4.	Агар юк қоғозининг рақами кўрсатилмаган бўлса уни киритинг:	қ			28.	Агар талаб қилинса «Фақат юк ХК» сўзи:	қ	қ	қ
5.	Бетларнинг рақамлари кўрсатилган:	қ	қ		29.	Агар жўнатма хавфли ва хавфсиз юклардан иборат бўлса, хавфли юкларнинг сони:	қ	қ	қ
6.	Агар жўнатиш аэропортининг ёки шаҳрининг номи тўлиқ кўрсатилмаган бўлса уларни киритинг:	қ			В	Ўрама ва ички ўрама			
7.	ХК ишлатилмаётган турининг (йўловчи ёки фақат юк) ва «норadioактив» сўзининг усти чизиб қўйилган:	қ	қ		30.	Ўраш йўриқномасига асосан юк тўғри ўралган:	қ	қ	
8.	Тўшунчалар				31.	Ўрама ва ички ўрамалар сони ва тури декларацияда кўрсатилганига тўғри келади:	қ	қ	
9.	Юкланишдаги ном:	қ	қ		32.	Саноат ўрамалари учун маркалаш DGRга асосан:	қ	қ	қ
10.	7 Синф:	қ	қ		33.	А туридаги ўрамалар учун маркалаш DGRга асосан:	қ	қ	қ
11.	БМТ рақами UN қўшимчалари билан:	қ	қ		34.	В туридаги ўрамалар учун маркалаш DGRга асосан:	қ	қ	қ
12.	Ўраш гуруҳи керак бўлса, қўшимча хавф учун:	қ	қ	қ	35.	С туридаги ўрамалар учун маркалаш DGRга асосан:	қ	қ	қ
13.	Қўшимча хавф:	қ	қ	қ	36.	Бўлувчи моддалари бор ўрамалари учун маркалаш DGRга асосан:	қ	қ	қ
14.	Ўрамалар сони ва тури				37.	Аниқ юкланиш номи ва UN рақами:	қ	қ	
	Радионуклиднинг номи ва рамзи:	қ	қ		38.	Юк жўнатувчининг тўлиқ номи ва манзили	қ	қ	
	UN 3332 ва UN 3333 ёки паст тарқалиш хусусиятига эга моддаларга физикавий, кимёвий ва махсус формалар талаб қилинмайди:	қ	қ	қ					

+

15. Ҳар бир ўраманинг ёки бўлувчи модданинг сони ўрама тури ва Беккерилди фаоллиги, фаоллик ўрнида умумий вазин грамм ва килограммларда кўрсатилиши мумкин: қ қ қ
16. Ҳар хил радионуклидлар учун ҳар бир радионуклиднинг фаоллиги ва «All packed in one» сўзи: қ қ қ
17. А ёки В ўрама турлари учун фаоллик чеклангандан ошмаслиги (илова қилинган ваколатли органнинг сертификатига қара): қ қ қ
18. Ички ўрама ишлатилганлиги кўрсатилган: **Ўраш йўриқномалари** қ қ қ
19. Ўрама ва ички ўрама тоифаси: қ қ
20. Фақат II ва III тоифалар учун транспорт индекси ва ўлчамлари. Бўлувчи моддалар учун хавфсизлик индекси : қ қ қ
21. Эркин миқдордаги бўлувчи моддалар учун «Fissile Excerpted» сўзи: қ қ қ
22. **Расмий рухсатномалар**
Тегишли сертификат кўрсатилган ва ҳужжатлар нусхаси илова қилинган:
— алоҳида кўринишдаги сертификат: қ қ қ
— паст тарқалиш хусусиятига эга моддалар сертификати: қ қ қ
— В (U) туридаги упаковка лойиҳасига сертификат: қ қ қ
— В (M) туридаги упаковка лойиҳасига ва ташувига сертификат: қ қ қ
— С туридаги упаковка лойиҳасига ва ташувига сертификат: қ қ қ
— бўлувчи моддаларнинг лойиҳасига ва ташувига сертификат: қ қ қ
— алоҳида шароитларда ташиш учун сертификат: қ қ қ
23. Юкка ишлов бериш бўйича қўшимча ахборот: қ қ қ
24. Юк жўнатувчининг номи, лавозими, сана ва жой: қ қ

+

39. Агар вазн 50 кгдан ошса унинг брутто вазни кўрсатилган: қ қ қ
- Ёрлиқлар**
40. Қарама-қарши томонлардаги тўғри тўлдирилган иккита ёрлиқ: қ қ
41. Радиоактив ёрлиқлар ёнидаги қўшимча хавф ёрлиқлари: қ қ қ
42. Агар керак бўлса радиоактив хавф ёрлиқларига қўшимча иккита «Фақат юк ХҚ» ёрлиғи: қ қ қ
43. Бўлувчи моддалар учун қарама-қарши томонлардаги тўғри тўлдирилган иккита хавфсизлик индекси ёрлиғи: қ қ қ
44. Ҳамма ёрлиқлар тўғри белгиланган ва кераксиз ёрлиқ ва маркалар олиб ташланган: қ қ қ
- Ички ўрамалар учун**
45. Агар IP-I, IP-II, IP-III, A, B ва C туридаги ўрамаларида маркалаш кўринмаса, ташқи ўрамада «Inner Packages Comply with Prescribed Specification» ёзуви бор: қ қ қ
46. Талаб қилинган маркалаш ўрамада аниқ кўриниши керак ёки ички ўрама сиртида такрорланиши керак: қ қ қ
- Г Бошқа ахборотлар**
47. Давлат ва авиакомпаниянинг талаблари бажарилган: қ қ қ
48. Юк ХҚлари учун бутун йўналишдаги авиакомпаниялар билан келишувлар бор: қ қ қ
49. Таркибида куруқ музи бор ўрамалар учун маркалаш, ёрлиқлар мавжуд ва ҳужжатларда кўрсатилган: қ қ қ

Текширилган _____

Вақт _____ Сана _____

Имзо _____

Ўзбекистон Республикасининг
«Хавфли юкларни ҳаво транспортида
ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)
7-ИЛОВА

Юк ўринларини алоҳида жойлаштириш жадвали

Хавфлилик белгиси	Синф ёки тоифаси							
	1	2	3	4.2	4.3	5.1	5.2	8
1	1 изоҳ	изоҳ 2	изоҳ 2	изоҳ 2	изоҳ 2	изоҳ 2	изоҳ 2	изоҳ 2
2	2 изоҳ	-	-	-	-	-	-	-
3	2 изоҳ	-	-	-	-	x	-	-
4.2	2 изоҳ	-	-	-	-	x	-	x
4.3	2 изоҳ	-	-	-	-	-	-	x
5.1	2 изоҳ	-	x	x	-	-	-	-
5.2	2 изоҳ	-	-	-	-	-	-	-
8	2 изоҳ	-	-	-	-	-	-	-
		-	-	-	x	-	-	-

Қатор ва устуннинг кесишишидаги Х белгиси мазкур синфдаги хавфли юклар бир-бирига тегиши ёки бир-бирига яқин ёхуд ичидаги оққанда ўзаро таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатда жойлаштирилиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Демак, ичида 3 классдаги хавфли юклари бўлган юк ўрни ичида 5.1. тоифали хавфли юклари бўлган юк ўринлари билан ёнма-ён жойлаштириш ёки унга тегиб туриши мумкин эмас.

1 изоҳ. а) Портловчи моддаларнинг ХҚ саҳнига биргаликда жойлаштиришга йўл қўйилиши даражаси уларнинг «мослашиши» билан белгиланади. Агар уларни биргаликда жойлаштирилиши ҳалокат эҳтимолини ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокат ҳажмини оширмаса, улар бир-бирига мос деб ҳисобланади;

б) Мослашиш гуруҳи S бўлган портловчи моддалар бошқа гуруҳларнинг портловчи моддалари билан бирга жойлаштирилиши мумкин;

в) 1.4В ва 1.3 тоифадаги мослашишга эга бўлган портловчи моддалар биргаликда жойлаштирилиши мумкин эмас. 1.4В ва 1.3 тоифадаги мослашишга эга бўлган портловчи моддалар алоҳида пакетлаш воситаларида жойлаштирилиши ва бир-биридан камида 2м масофага бошқа юклар билан ажратилиши керак. 1.4В ва 1.3 тоифадаги мослашишга эга бўлган портловчи моддалар пакетлаш воситаларида жойлаштирилмаган ҳолда ортилганда, бир-бирига туташмаган жойларда жойлаштирилиши ва бошқа юклар билан камида 2м масофага ажратилиши керак;

г) в) бандда кўзда тутилган портловчи моддалардан ташқари ҳар хил гуруҳ мослашувидаги портловчи моддалар бошқа гуруҳ мослашувидаги портловчи моддалар билан бирга жойлаштирилиши мумкин.

2 изоҳ. Ушбу синфдаги ёки тоифадаги моддалар портловчи моддалар билан бирга, 1.4.тоифадаги, 5 мос келувчанлик гуруҳидаги портловчи моддалардан ташқари.

3 изоҳ. Ичида бир нечта хавфлилик турлари билан таснифланадиган, жадвалга мувофиқ хавфли юкларни алоҳида жойлаштирилишини талаб этадиган класслар ёки тоифаларга мансуб хавфли юклари бўлган юк ўринларини БМТнинг рўйхати бўйича худди ўша рақам қўйилган юк ўринларидан алоҳида жойлаштирилишининг ҳожати йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг
«Хавфли юкларни ҳаво транспортида
ташиш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-198)
8-ИЛОВА

**Радиоактив материалларни юк ХҚда ташилганда қўлланилиши
керак бўлган минимал хавфсиз масофалари жадвали**

№ т.р.	Транспорт индексларининг умумий йиғиндиси	Минимал масофа (метр)	№ т.р.	Транспорт индексларининг умумий йиғиндиси	Минимал масофа (метр)
1.	50,1-60,0	4,65	14.	180,1-190,0	8,55
2.	60,1-70,0	5,05	15.	190,1-200,0	8,75
3.	70,1-80,0	5,45	16.	200,1-210,0	9,00
4.	80,1-90,0	5,80	17.	210,1-220,0	9,20
5.	90,1-100,0	6,10	18.	220,1-230,0	9,40
6.	100,1-110,0	6,45	19.	230,1-240,0	9,65
7.	110,1-120,0	6,70	20.	240,1-250,0	9,85
8.	120,1-130,0	7,00	21.	250,1-260,0	10,05
9.	130,1-140,0	7,30	22.	260,1-270,0	10,25
10.	140,1-150,0	7,55	23.	270,1-280,0	10,40
11.	150,1-160,0	7,80	24.	280,1-290,0	10,60
12.	160,1-170,0	8,05	25.	290,1-300,0	10,80
13.	170,1-180,0	8,30			

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳавода ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)
9-ИЛОВА

ҲАВО КЕМАСИ КОМАНДИРИГА ҲАВО КЕМАСИ САҲНИГА ОРТИЛГАН ХАВФЛИ ЮКЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ														
Юклаш пункти		Қатнов рақами	Сана	Ҳаво кемасининг рўйхат рақами	Расмийлаштирилган									
ХАВФЛИ ЮКЛАР														
Тушириш пункти	Юк хати рақами	Юкнинг тўлиқ номи	Ушбу турдаги хавфли юк тааллуқли бўлган синф	ID ёки UN идентификация рақами	қў-шимча хавф	Ўрама сони	Ҳар бир ўраманинг нетто оғирлиги ўлчов бирлигини кўрсатган ҳолда	Радио-актив материалларнинг тоифаси	Ўрама гуруҳи	Код (орқа томонга қаранг)	Фақат ҳаво кемасида CAO (X)	Ортилган		
												Пакетлаш воситаси ID коди	Жойланиши	
	Ичида хавфли юки бўлган ва ҳаво кемасига ортилган ўрамаларнинг кўзга кўринадиган шикастланишлари ёки ичидагиларнинг оқиб чиқиш ҳолатлари аниқланмади													
Бошқа махсус юк														
Тушириш пункти	Юк хати рақами	Ўраманинг ичидагиси ва унинг тушунчаси	Ўрама сони	Сони	Қўшимча маълумотлар					Код (орқа томонга қаранг)		Ортилган		
												Пакетлаш воситаси ID коди	Жойланиши	
Юклаш бўйича диспетчер/жавобгар имзоси		Ҳаво кемаси командирининг имзоси		Бошқа маълумотлар										

Ўзбекистон Республикасининг
«Хавфли юкларни хаво транспортида
ташиш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-198)
10-ИЛОВА

**Радиоактив материалларни йўловчи ХКда ташилганда
қўлланилиши керак бўлган минимал хавфсиз масофалар
жадвали**

№ т.р.	Транспорт индексларининг умумий йиғиндиси	Минимал масофа (метр)	№ т.р.	Транспорт индексларининг умумий йиғиндиси	Минимал масофа (метр)
1.	0,1-1,0	0,30	14.	13,1-14,0	2,05
2.	1,1-2,0	0,50	15.	14,1-15,0	2,15
3.	2,1-3,0	0,70	16.	15,1-16,0	2,25
4.	3,1-4,0	0,85	17.	16,1-17,0	2,35
5.	4,1-5,0	1,00	18.	17,1-18,0	2,45
6.	5,1-6,0	1,15	19.	18,1-20,0	2,60
7.	6,1-7,0	1,30	20.	20,1-25,0	2,90
8.	7,1-8,0	1,45	21.	25,1-30,0	3,20
9.	8,1-9,0	1,55	22.	30,1-35,0	3,50
10.	9,1-10,0	1,65	23.	35,1-40,0	3,75
11.	10,1-11,0	1,75	24.	40,1-45,0	4,00
12.	11,1-12,0	1,85	25.	45,1-50,0	4,25
13.	12,1-13,0	1,95			

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

408 Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий су-
ғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни
ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
27 сентябрда 1333-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 1-сон, 1-модда), 2006 йил 8 июндаги ПҚ-374-сонли «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контрларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 23-сон, 206-модда) ҳамда 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 507-модда; 2007 йил, 14-сон, 138-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 25 февралдаги 35,74, 2004-24 ва 245-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги низомга (2004 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1333 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 14-сон, 172-модда, 26-сон, 306-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 август,
76-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 август,
М-140-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 август,
2007-47-сон

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 август,
245-В-3-сон

+

—

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

409 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузури-
даги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб
жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақ-
садли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
27 сентябрда 1722-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 23-сон, 204-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартибини белгилаш мақсадида **буюраман:**

1. Илова қилинаётган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисоби-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

дан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 август,
80-сон

Молия вазирининг
2007 йил 30 августдаги 80-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси
маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

— Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ–363-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори-га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 23-сон, 204-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартибини белгилайди.

+

I. Умумий қоидалар

1. Жамғарма маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудалар (кейинги ўринларда ссуда деб юритилади) нашриётлар, босмахоналар ва китоб савдо корхоналарига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

II. Ссуда бериш мақсади ва муддатлари

2. Ссудалар айланма маблағлари етишмовчилигига дуч келаётган ва чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган республика умумтаълим мактабларининг дарсликлари-ни ишлаб чиқариш учун тақсимланган квоталарига эга бўлган нашриётлар, босма-хоналар ва китоб савдо корхоналарига (кейинги ўринларда ссуда олувчилар деб юритилади) айланма маблағларини вақтинчалик тўлдириш учун берилади.

3. Ссудалар Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг (кейинги ўринлар-да Агентлик деб юритилади) таклифига кўра ссуда олувчиларга 6 (олти) календарь ойигача бўлган муддатга тақсимланган квоталар асосида дарсликларни ишлаб чиқа-риш учун зарур суммалар доирасида берилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

III. Ссуда бериш шартлари

4. Ссудага зарурат бўлганда, ссуда олувчилар ссуда бериш ҳақида таклиф кiritиш тўғрисида ёзма равишда сўров билан Агентликка мурожаат қилади. Бундай сўров билан мурожаат қилишга ссуда олувчиларда чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган умумтаълим мактабларининг дарсликларини ишлаб чиқариш учун айланма маблағларининг етишмовчилиги асос бўлади. Сўровда сўраладиган ссуданинг мақсади ва миқдори, ссуда ва унинг фоизларини қайтариш муддати кўрсатилади. Сўровга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган умумтаълим мактабларининг дарсликларини ишлаб чиқариш учун тақсимланган квоталарининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) сўров асослари ва айланма маблағлар етишмовчилигининг сабаблари;

в) ссуда олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумларининг (пул оқимининг) прогнози албатта кўрсатилган бизнес-режа;

г) рўйхатга олинган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);

д) рўйхатга олинган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган охирги ҳисобот даври учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл);

е) рўйхатга олинган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган дебитор ва кредитор қарздорлиги ҳақидаги маълумотномалар (2а-сонли шакл);

ж) қонунчиликка мувофиқ муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликларнинг солиштирма далолатномалари.

5. Барча ҳужжатлар ссуда олувчи томонидан уч нусхада тайёрланади, шундан икки нусхаси Агентликка тақдим этилади, учинчи нусха эса ссуда олувчида сақланади.

6. Агентлик, ссуда олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўн кун мобайнида кўриб чиқиб, тегишли ссуда олувчига ссуда бериш тўғрисида ёзма таклиф билан Жамғарма Ижро дирекциясига мурожаат қилади.

7. Агентлик, ссуда бериш тўғрисида ёзма таклифни Жамғарма Ижро дирекциясига тайёрлашда, ссуда олувчиларга қўйиладиган қуйидаги асосий талабларга амал қилади:

а) ссуда олувчининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва суд мажбуриятлари мавжудлиги тўғрисида маълумот, шунингдек фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган дарсликларини нашр этиш ҳажмини бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва малакали мутахассислар мавжудлиги;

в) ссуда сўровининг асосланиши;

г) дарсликларни, шу жумладан ўқув адабиётларни нашр этишга доир иш тажрибаси (камида олти ой);

8. Агентликнинг ссуда бериш тўғрисидаги ёзма таклифига мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг бир нусхаси илова қилинади.

9. Зарурият бўлганда, Жамғарма Ижро дирекцияси томонидан қарор қабул қилиниши учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар ва ҳисоб-китоблар ссуда олувчидан сўралиши мумкин.

10. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилган тақдирда, ссуда бериш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилмайди ва ҳужжатлар уч кун ичида ссуда олувчига қайтарилади.

11. Ссудалар қуйидаги ссуда олувчиларга берилмайди:

а) чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган умумтаълим мактабларининг дарсликларини ишлаб чиқариш учун тақсимланган квоталарига эга бўлмаганларга;

б) сўнгги 12 ой мобайнида зарар билан фаолият юритганларга;

в) ссуда ажратиш тўғрисида сўралган сана ҳолатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан 6 ойдан кам бўлган муддат давомида ўз фаолиятини юритаётганларга;

г) бундан олдин берилган ссудалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини зарур тарзда бажармаганларга;

д) қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик, суд муҳокамаси босқичида турганларга;

е) мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиганларга.

12. Ссуда ва унинг фоизларини қайтармаслик хавфининг олдини олиш мақсадида, ссуда олувчи қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган банк кафолати кўринишида олинadиган ссуданинг таъминотига эга бўлиши лозим.

IV. Ссуда бериш тартиби

13. Жамғарма Ижро дирекцияси, Агентликдан келиб тушган ссуда бериш тўғрисидаги таклифни ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади, ссуда олувчининг молиявий-иқтисодий аҳволини ва ссуда беришнинг асосларини таҳлил қилади, шунингдек ссуда бериш ёки рад жавобини қайтариш тўғрисида аниқ таклифлар билан ёзма хулосаларни тайёрлайди.

Ажратиш учун таклиф этиладиган ссуданинг ҳажми ва қоплаш муддатлари бўлган ижобий ёзма хулоса келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритилади.

Салбий хулоса бўлган тақдирда, ссуда ажратилмаслигининг аниқ сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда Агентликка ёзма равишда рад жавоби юборилади.

14. Ссуда ажратиш тўғрисидаги сўровнинг ҳисоб-китоблари ва асослилигининг кўриб чиқилиши ҳамда ссуда ажратиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши, таклиф қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш иш куни мобайнида Жамғарма Ижро дирекцияси томонидан амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилгандан сўнг уч кун ичида ссуда ажратиш тўғрисидаги ижобий хулоса асосида ссуда олувчи ва Жамғарма Ижро дирекцияси орасида ссуда ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

16. Ссуда, ссуда бериш тўғрисида шартномада белгиланган муддатларда, Жамғарманинг ягона жамланган ҳисобварағидан тўлов топшириқномаси асосида хизмат кўрсатувчи банкда махсус очилган ссуда олувчининг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан берилади.

17. Дарсликларни очик савдосини ривожлантиришда ссуда олувчиларга кўмак кўрсатиш мақсадида ссудадан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг миқдори Жамғарма билан ссуда олувчининг ўзаро келишуви бўйича белгиланади ва ссуда ажратиш кунида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўла олмайди.

V. Ссуда ва унинг фоизларини қоплаш тартиби

18. Ссуда ва унинг фоизларини қопланиши ссуда ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда қатъий амалга оширилади.

Ссуда олувчи, ссудадан ҳақиқатда фойдаланилганлик даври учун ссуданинг тўлиқ суммаси ва унинг фоизларини муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

19. Ссуда ва унинг фоизларини қопланиши ссуда олувчининг ҳисобварағидан пул кўчириш йўли билан тўлов топшириқномаси асосида Жамғарманинг ягона жамланган ҳисобварағига ўтказилади.

20. Ссуда ва унинг фоизлари (тўланмаган қисми) ўз муддатида қопланмаган тақдирда, маблағларнинг ундирилиши, қонунчиликда белгиланган тартибда, ссуда олувчининг асосий ва иккиламчи, шу жумладан бошқа банкларда очилган ҳисобварағларидан амалга оширилади.

21. Жамғарма Ижро дирекцияси, ссудадан фойдаланишнинг бутун муддати мобайнида, ажратилган ссудадан самарали фойдаланилиши устидан доимий мониторингни амалга оширади.

22. Жамғарма томонидан олиб борилган мониторинг ёки назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида ажратилган ссудаларнинг мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, Жамғарма, қонунчиликда белгиланган тартибда, ссуданинг мақсадсиз ишлатилган қисмини муддатдан олдин ссуда олувчидан ундиришга ҳақлидир.

VI. Ссуда олувчиларнинг жавобгарлиги

23. Ссуда олувчиларнинг раҳбарлари, мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва холислигига, шунингдек ссудадан мақсадли фойдаланиш ва белгиланган муддатда олинган ссуда ва унинг фоизлари қайтарилишига шахсан жавобгардир.

24. Олинган ссудадан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, ссуда олувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

VII. Якуний қоидалар

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Т. ЖўРАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

*Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги бош директори*

Б. АЛИМОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 22 сентябрдан 28 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори.*

2007 йил 24 сентябрда 1719-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 октябрдан кучга киради).

2. «2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача тўлиқ йиғиб-териб олишни қўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 13 сентябрдаги 170-сонли буйруғи.*

2007 йил 25 сентябрда 1720-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 октябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎЗР АҚ-198)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 24 августдаги 131-сонли буйруғи.*

2007 йил 25 сентябрда 1721-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 октябрдан кучга киради).

4. «Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 18 августдаги 76, М-140, 2007-47, 245-В-3-сонли қарори.*

2007 йил 27 сентябрда 1333-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 октябрдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 августдаги 80-сонли буйруғи.*

2007 йил 27 сентябрда 1722-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 октябрдан кучга киради).